**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги**

**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури**

# ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА “ЯГОНА ДАРЧА” ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТУВЧИ ЯГОНА МАРКАЗЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УЛАР ОРҚАЛИ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШГА ОИД

# ҚЎЛЛАНМА

**Тошкент**
**«Адолат»**
**2016**

**УЎК: 347.961(575.1)**
**КБК 65.292(5Ў)**
**Т14**

Т14 Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили асосида давлат хизматларини кўрсатувчи ягона марказлар фаолиятини ташкил этиш ва улар орқали давлат хизматлари кўрсатишга оид қўлланма. – Т.: «Адолат», 2016 й. – 176 б.

ISBN 978-9943-4578-8-1 **УЎК: 347.961(575.1)**
**КБК 65.292(5Ў)**

**Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосари А. Усмановнинг умумий таҳрири остида**

**Тузувчилар:**

**М. Махмудов** – Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи

**Н. Муҳаммадиев** – Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари

**И. Абдусатторов** – Адлия вазирлиги бош маслаҳатчиси

**О. Бекмурадов** – Адлия вазирлиги етакчи маслаҳатчиси

Ушбу қўлланмада тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили асосида давлат хизматларини кўрсатиш Ягона марказларини ташкил этиш ва фаолият юритишига оид қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат хизматлари кўрсатишда қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига махсус хабар юбориш, "Ягона дарча" марказлари фаолиятини мустаҳкамлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва киритиш тартиблари, ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича талаблар, марказ директори ва бўлим бошлиқларининг намунавий мансаб йўриқномалари, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни тугатиш соҳасига оид савол-жавоблар ўрин олган.

Қўлланма Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури (БМТТД)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси кўмагида тайёрланди. Муаллифларнинг ушбу китобдаги фикрлари БМТТДнинг расмий нуқтаи назарини акс эттирмаслиги мумкин.

БМТТДнинг Ўзбекистондаги фаолияти икки йўналиш бўйича ўзаро алоқадор мақсадларга эришишга қаратилган, булар иқтисодий ва демократик ислоҳотларни тезлаштиришда Ҳукуматга ёрдам бериш ва миллий ва глобал миқёсдаги ривожланиш жараёнида фуқаролик жамияти қатнашувини таъминлашни тезлаштириш ва кучайтиришдир. БМТТД қуйидаги уч йўналиш бўйича фаолият юритади: иқтисодий бошқарув, самарали бошқарув ва атроф-муҳит ва энергия.
www.uz.undp.org

Нашр хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган.

ISBN 978-9943-4578-8-1

© Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури (БМТТД), 2016.
© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Адолат» нашриёти, 2016.

# КИРИШ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида хусусий мулк, кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган субъектлар фаолиятини ривожлантириш ҳамда уларнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш соҳасида босқичма-босқич тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатларини мустаҳкамлаш ҳамда хусусий мулк ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш тизимининг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари яратилди ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш таъминланмоқда. Амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида тадбиркорлик субъектларининг моддий-техника ва молиявий ресурслар олишлари учун кенг имкониятлар пайдо бўлди, бизнес муҳити яхшиланиб, уларга давлат томонидан хизматлар кўрсатиш тизими такомиллашмоқда.

Шунингдек, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, рўйхатга олиш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштиришга қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш асосида мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва соҳа фаолиятини янада жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишга эришилди.

Ушбу кўрилаётган чоралар иқтисодиёт тармоқлари ва секторларини, шунингдек ҳудудларни ривожлантиришга, тадбиркорлар сони ва уларнинг улушини кўпайтиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Натижада бугунги кунга келиб, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари сони 580 мингдан ортиқни ташкил этган ҳолда, кичик бизнес улуши ялпи ички маҳсулот таркибида 56,7 фоизни, аҳоли бандлиги соҳасида эса, 77 фоизни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткичлар айрим хорижий давлатлардаги рақамлар билан солиштирилганда анча юқорилиги билан аҳамиятлидир.

Бундан ташқари, дунёнинг нуфузли молиявий ташкилотлари томонидан юритилаётган рейтингларда ҳам Ўзбекистоннинг ўрни кўтарилиб бормоқда. Масалан, Жаҳон банкининг “Бизнесни юритиш” ҳисоботида Республикамиз 2015 йилга нисбатан 16 поғона кўтарилиб, 189 та давлат орасида 87-ўринни эгаллади. Айниқса, бугун муҳокама мавзуси бўлган давлат хизматларидан айримлари, яъни корхонани ва мулкни рўйхатдан ўтказиш масаласи юқори поғанани эгаллаб турибди.

Тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги ишларни давом эттирган ҳолда 2015 йил 15 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4725-сонли Фармони қабул қилинди.

Мазкур Фармонга мувофиқ давлат хизматларидан фойдаланишда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, аризачиларнинг хизмат кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилувчи мансабдор шахслар билан бевосита алоқасини истисно қилиш мақсадида бугунги кунга қадар турли идоралар қошида фаолият юритган, алоҳида давлат хизматлари кўрсатган “Ягона дарча” хизматларининг ўрнига туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари негизида “Ягона дарча” тамойили асосида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш Ягона марказлари ташкил этилиши назарда тутилди.

Энг муҳими, “Ягона дарча” марказлари 2016 йилнинг 1 январидан ўз фаолиятини бошлади ва шу муддатдан бошлаб “Ягона дарча” марказлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар учун бошқа давлат ва хўжалик бошқарув органларига тадбиркорлик субъектларидан бевосита ҳужжатлар қабул қилиш тақиқланди.

Шунингдек, Фармон ижросини таъминлаш ва тадбиркорлик тузилмаларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда давлат хизматларини кўрсатиш сифати ҳамда улардан фойдаланиш имкониятларини тубдан ошириш ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида 2015 йил 28 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларига “Ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2412-сонли қарори қабул қилинди.

Қарорга асосан “Ягона дарча” марказларининг асосий вазифалари этиб, “Ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматларини кўрсатиш, тадбиркорлик субъектларига рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш тартиб-таомилларидан ўтишда шаффофликни таъминлаш, тадбиркорларга давлат хизматларини кўрсатишда бюрократик ғов-тўсиқларга йўл қўймасдан давлат хизматлари кўрсатаётган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш ҳамда аризачиларга информацион ёрдам кўрсатиш, шунингдек давлат хизматларини кўрсатиш тартиби ва муддатлари тўғрисида бепул консультация бериш белгиланди.

Шунингдек, 2016 йил 1 январдан бошлаб 16 та турдаги давлат хизматлари фақат “Ягона дарча” марказлари орқали амалга оширилиши ҳамда ушбу хизматлар рўйхатига босқичма-босқич қўшимчалар киритиб борилиши назарда тутилди.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларига “Ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматларини кўрсатишда, қонунчиликда белгиланган тартибни қийинлаштиришнинг ҳар хил усулларидан, жумладан рўйхатдан ўтиш ва лицензия олиш тартиб-таомилларини, шунингдек хусусий тадбиркорлик фаолиятига қаршилик қиладиган бошқа бюрократик тўсиқлардан фойдаланишга қатъиян йўл қўйилмаслиги белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари зиммасига барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ушбу талабнинг сўзсиз бажарилиши назорати юклатилди.

Бундан ташқари, ушбу қарор билан вазирликлар, давлат қўмиталари, бошқа давлат органлари ва ташкилотларига давлат хизматларини кўрсатиш учун "Ягона дарча" марказларига мурожаат этган тадбиркорлик субъектларини уларнинг аризаларини кўриб чиқиш жараёнига таклиф қилиш тақиқланди.

Республика бўйича "Ягона дарча" марказларини қўшимча равишда жиҳозлаш учун замонавий ташкилий техника ва компьютер ускунасини харид қилишни молиялаштириш манбаларига мувофиқ маблағлар ажратиш ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 23 ноябрдаги 335-сонли "Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатадиган ягона марказларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга кўра, "Ягона дарча" марказларига қўшимча равишда замонавий ташкилий техника ва компьютер ускунаси харид қилиниб, тўлиқ таъминланди.

Марказларни малакали ходимлар билан тўлдиришда бўш вакант лавозимлар учун суҳбатлар ўтказилиб, етарли билим кўникмаларига эга бўлган шахслар танлаб олинди ва мутахассислик бўйича тегишли лавозимларга тавсия этилди.

Шунингдек, 2015 йилнинг 14 декабрь куни Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларига "Ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2015 йил 28 сентбярдаги ПҚ–2412-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги 358-сонли қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, “Тадбиркорлик субъектларига “Ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги ва “Тадбиркорлик субъектларига “Ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари орқали давлат хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида”ги Низомлар ҳамда Тадбиркорлик субъектларига “Ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари фақат давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматининг намунавий паспорти тасдиқланди.

Қарорда “Ягона дарча” марказлари тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатишда қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган тўловларни белгилашга ҳақли эмаслиги белгиланди ҳамда давлат хизматлари кўрсатадиган “Ягона дарча” марказларининг ва ваколатли органларининг раҳбарига уларнинг “Ягона дарча” марказлари фаолиятини ўз вақтида ташкил этиш, шунингдек улар орқали тегишли давлат хизматлари кўрсатиш тартибига оғишмай риоя этиш юзасидан шахсий масъулияти тўғрисида ҳамда тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш, шунингдек лицензиялар ва бошқа рухсат бериш тусидаги ҳужжатларни беришнинг белгиланган тартиби ва муддатлари бузилганлиги учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган жиноий жавобгарликкача бўлган жавобгарлик чоралари тўғрисида қатъий огоҳлантирилди.

Бу борада 2015 йил 20 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, биринчидан, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилиниш механизмини такомиллаштиришга хизмат қилди, иккин-

чидан, уларга фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш мақсадида давлат хизматларини кўрсатиш жараёнини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур қонуннинг энг муҳим жиҳати шундаки, унда тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларини либераллаштириш билан бир пайтда давлат органлари, назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг хусусий мулк ва тадбиркорлар ҳуқуқларини бузганлиги учун жавобгарлиги кучайтирилди.

Бугун мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилаётганлиги, ишлаб чиқариш соҳалари эркинлаштирилаётганлиги, тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига аралашувнинг чекланаётганлиги ҳамда уларга давлат рўйхатидан ўтказишда қатор қулайлик ва имтиёзлар берилаётганлиги мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари ва яшаш шароитлари юқори даражага кўтарилишига олиб келади.

Ўйлаймизки, ушбу қўлланма "ягона дарча" марказилари ходимлари учун Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилиш ва улар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштиришга ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида давлат хизматларини кўрсатиш тизими самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

**М. Икрамов,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**адлия вазири**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ

## (Кўчирма)

*("Халқ сўзи" газетаси, 1992 йил 15 декабрь, 243 (494)-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 1-сон, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 3–4-сон, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 й., 12/1-сон, 343-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 152-модда; 2008 й., 52-сон, 510-модда; 2011 й., 16-сон, 159-модда; 2014 й., 16-сон, 176-модда)*

## УЧИНЧИ БЎЛИМ. ЖАМИЯТ ВА ШАХС

### XII боб. Жамиятнинг иқтисодий негизлари

**53-модда.** Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

**54-модда.** Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ХУСУСИЙ МУЛК, КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ, УЛАРНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТЎСИҚЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 20-сон, 251-модда)*

Республика иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, ялпи ички маҳсулотда хусусий мулк, жумладан, чет эл капитали иштирокидаги улушини изчил ошириш мақсадида:

1. Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар дастури иловага* мувофиқ тасдиқлансин, унда қуйидагилар инобатга олинсин:

тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашиш ва тўсқинлик қилиш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари жавобгарлигини жиноий жавобгарликка тортиш даражасигача ошириш;

хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатини кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятини тартибга соладиган маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш жараёнини давом эттириш;

---

* Илова берилмайди.

барча турдаги рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни янада соддалаштириш;

хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш, уларнинг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, бизнес муҳитни яхшилаш.

Дастурга киритилган чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун шахсий жавобгарлик масъул ижрочилар – тегишли вазирликлар, идоралар, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар раҳбарларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юклатилсин.

2. 2015 йилнинг 1 июлидан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари фаолиятига оид барча текширувлар режали тартибда назорат органлари томонидан тўрт йилда бир мартадан, бошқа хўжалик субъектларида эса фақат Ўзбекистон Республикаси Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши қарорига асосан уч йилда бир мартадан кўп бўлмаган тартибда амалга оширилади;

молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувлар ўтказиш муддати 10 календарь кунидан ошмайди;

тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар фақат сўнгги режали текширувдан кейинги даврни қамраб олади;

қўзғатилган жиноий ишлар муносабати билан хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъект жалб этган адвокатлар албатта иштирок этган ҳолда (хўжалик юритувчи субъект томонидан ушбу ҳуқуқнинг рад этилиш ҳолатлари бундан мустасно) амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддасида назарда тутилган жиноятни (солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш) биринчи марта содир этган, жиноят аниқлангандан кейин 30 кун ичида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қоплаган, пеня ва бошқа турдаги молиявий санкцияларни тўлаган шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилмайди ва у жавобгарликдан озод қилинади.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси:

тадбиркорлик фаолияти эркинликлари кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликнинг қатъий ижро этилишида қабул қилинган нормаларни амалиётга жорий этиш устидан назоратни кучайтирсин, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузганлик учун ваколатли назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва ваколатли давлат органлари мансабдор шахсларининг муқаррар жавобгарлигини жиноий жавобгарликка тортишга қадар оширишни таъминласин;

2015 йилнинг 1 июлига қадар Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда “Ўзбектелеком” АК Қўнғироқларга хизмат кўрсатиш ягона маркази ва Бош прокуратура “ишонч телефони” базасида давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашиши, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг бузилишига доир масалалар бўйича мурожаатларни туну кун қабул қилиш ҳамда тадбиркорлик фаолияти эркинликлари кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўриш тизимини ташкил этсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

тегишли даъвони кўриб чиқиш даврида тадбиркорлик субъекти томонидан шикоят қилинганда хўжалик судларига назорат қилувчи орган қарори ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи берилади;

солиқ ва божхона қонунчилиги тадбиркорлик субъектлари томонидан бузилиши билан боғлиқ ҳолатда уларнинг мол-мулклари фақат суд қарори бўйича олиб қўйилади;

тадбиркорлик субъектлари томонидан эътироз қилинадиган қўшимча ҳисобланган божхона тўловлари хўжалик суди қарори бўйича ундирилади;

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан ҳамкорликда уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаат ва ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, тадбиркорлик субъектлари даъволарини кўриб чиқиш муддати, жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали тезлаштиришни таъминлаш бўйича суд органлари роли ва фаолияти самарадорлигини янада ошириш борасида таклифлар киритсин.

5. 2015 йилнинг 1 июлидан якка тартибдаги тадбиркорларга, фаолиятидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида суғурта бадали ва якка тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун ўрнатилган ставканинг 30 фоизи миқдорида қатъий белгиланган солиқ тўлаш шарти билан бир нафардан уч нафаргача ишчини ёллаш ҳуқуқи берилади.

Якка тартибдаги тадбиркорлар касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга ёллаган ҳолатда коллежни битиргандан бошлаб ўн икки ой мобайнида ёлланма ишчилар учун қатъий белгиланган солиқдан озод этилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Савдо-саноат палатасининг туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари негизида тадбиркорлик субъектларига "Ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларини (кейин-

ги ўринларда “Ягона дарча” марказлари) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига адлия органлари ходимларининг чегараланган миқдорини сақлаб қолган ҳолда, “Ягона дарча” марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий кўмак кўрсатиш вазифалари юклатилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан:

2015 йилнинг 1 июлига қадар турли идоралар ҳузуридаги “Ягона дарча” хизматлари томонидан кўрсатилаётган давлат хизматлари тўлиқ инвентаризациядан ўтказилсин, “Ягона дарча” марказлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар тизимга интеграция қилинсин, таъсис ҳужжатлари ва давлат хизматларидан фойдаланиш учун тақдим этиладиган бошқа ҳужжатлар, жумладан, лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларининг намунавий шакллари ишлаб чиқилсин;

“Ягона дарча” марказларининг фаолияти 2016 йилнинг 1 январидан кечиктирмасдан бошланиши таъминлансин, шу муддатдан бошлаб "Ягона дарча" марказлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар учун бошқа давлат ва хўжалик бошқарув органларига тадбиркорлик субъектларидан бевосита ҳужжатлар қабул қилиш тақиқлансин.

8. Белгилансинки, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишдан тушаётган давлат божининг жами суммаси туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари даромадига, 2016 йилнинг 1 январидан эса “Ягона дарча” марказларини молиялаштириш манбаи сифатида уларнинг даромадига ўтказилсин, келиб тушган маблағлар фақат марказлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ходимларни рағбатлантириш мақсадларига йўналтирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар тақдим этсин.

10. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2015 йил 15 май,
ПФ–4725-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА “ЯГОНА ДАРЧА” ТАМОЙИЛИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ ТАРТИБИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 40-сон, 516-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 15 майдаги ПФ–4725-сонли Фармонининг ижросини таъминлаш ва тадбиркорлик тузилмаларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда давлат хизматларини кўрсатиш сифати ҳамда улардан фойдаланиш имкониятларини тубдан ошириш ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида:

1. Туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари негизида тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” (кейинги ўринларда “ягона дарча” марказлари) тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари ташкил этилсин.

Бунда, вазирликлар, давлат қўмиталари, бошқа давлат органлари ва ташкилотларида мавжуд “ягона дарча” хизматларининг фаолияти 2016 йилнинг 1 январидан бошлаб тўхтатилади.

2. “Ягона дарча” марказларининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

“ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматларини кўрсатиш;

тадбиркорлик субъектларига рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш тартиб-таомилларидан ўтишда шаффофликни таъминлаш;

тадбиркорларга давлат хизматларини кўрсатишда бюрократик ғов-тўсиқларга йўл қўймасдан давлат хизматлари кўрсатаётган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш;

аризачиларга информацион ёрдам кўрсатиш, шунингдек давлат хизматларини кўрсатиш тартиби ва муддатлари тўғрисида бепул консультация бериш.

3. "Ягона дарча" марказларининг намунавий тузилмаси 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда "ягона дарча" марказларини юқори малакали кадрлар билан таъминласин.

"Ягона дарча" марказларининг таъминоти тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тушган маблағлар ва бошқа қонунчиликда тақиқланмаган манбалар ҳисобидан таъминланиши белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2016 йил 1 январдан бошлаб 2-иловага* мувофиқ рўйхат бўйича давлат хизматлари фақат "ягона дарча" марказлари орқали амалга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда мазкур қарор билан тасдиқланган Рўйхатга босқичма-босқич қўшимчалар киритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Белгилансинки, тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматларини кўрсатишда, қонунчиликда белгиланган тартибни қийинлаштиришнинг ҳар хил усулларидан, жумладан рўйхатдан ўтиш ва лицензия олиш тартиб-таомилларини, шунингдек хусусий тадбиркорлик фаолиятига қаршилик қиладиган бошқа бюрократик тўсиқлардан фойдаланишга қатъиян йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари зиммасига барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ушбу талабни сўзсиз бажарилиши масъулияти юклансин.

6. Вазирликлар, давлат қўмиталари, бошқа давлат органлари ва ташкилотларига:

2016 йилнинг 1 январидан бошлаб мазкур қарорнинг 2-иловасига мувофиқ фақат “ягона дарча” марказлари орқали амалга ошириладиган давлат хизматлари Рўйхатига киритилган давлат хизматларини кўрсатиш учун бевосита тадбиркорлик субъектларидан аризалар қабул қилиш;

давлат хизматларини кўрсатиш учун “ягона дарча” марказларига мурожаат этган тадбиркорлик субъектларини уларнинг аризаларини кўриб чиқиш жараёнига таклиф қилиш тақиқланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда давлат хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисида доимий равишда минтақавий семинарлар ўтказишни таъминласин;

Давлат хизматларини кўрсатиш тартиби ва муддатларига риоя этиш устидан назорат ўрнатиб, давлат хизматларини кўрсатиш тартибининг бузилиши тўғрисида ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига маълумот киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги 2015 йилнинг 1 ноябригача:

“ягона дарча” марказларини белгиланган тартибда камида 1 Мб/с тезлигида бўлган Интернет тармоғининг миллий сегмент маълумотларини узатиш тармоғига, шунингдек бепул фойдаланиш асосида давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг идоралараро электрон ҳамкорлик тизимига, жумладан Ўзбекистон Республикаси интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали уланиш;

“ягона дарча” марказлари, шунингдек давлат хизматларини кўрсатадиган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар учун информацион хавфсизлик талабини ўрнатиш;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат хизматларини кўрсатиш тартиб-таомилларидан ўтиш жараёнини назорат қилиб, “ягона дарча” марказларининг ахборот ресурсларига кириш имконини таъминласин.

“Ягона дарча” марказлари, шунингдек давлат хизматларини кўрсатадиган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари ва ишчилари зиммасига давлат хизматларини кўрсатишда информацион хавфсизлик талабларига риоя этиш бўйича шахсий масъулият юкласин.

9. Белгилансинки, мурожаат этиш жойи ва усулидан қатъи назар, “ягона дарча” марказлари орқали давлат хизматларини кўрсатишда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг идоралараро электрон ҳамкорлик тизими ҳамда Ўзбекистон Республикаси интерактив давлат хизматлари ягона порталидан фойдаланилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 1 июндаги Р–4481-сонли фармойиши билан ташкил этилган Ишчи комиссияси (Р. Азимов) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ва манфаатдор тузилмалар билан биргаликда:

жорий йилнинг 1 октябридан бошлаб, эксперимент тариқасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг танлаб олинган 2–3 туманларида тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматларини кўрсатиш ягона марказларини ташкил этиб, фаолиятини юритсин;

2015 йилнинг 1 ноябригача “ягона дарча” тамойили бўйича тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш ягона марказлари фаолиятини ташкил этиш бўйича жойлардан олинган барча фикрлар, тузатишлар ва таклифларни умумлаштирсин;

жорий йилнинг 6 ноябригача “ягона дарча” тамойили бўйича тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низом ва “ягона дарча” тамойили бўйича тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш бўйича ягона марказлар орқали давлат хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

2015 йилнинг 15 ноябригача барча ташкил этилаётган “ягона дарча” марказларини аризачиларга қулай бўлган жойларга барча муҳандислик коммуникация (электр ва сув таъминоти, телефон алоқаси ва бошқалар) тармоқларига уланган ҳолда жойлаштиришни таъминласин;

2015 йилнинг 1 декабригача Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда “ягона дарча” марказларининг замонавий оргтехника, компьютер ва бошқа зарур ускуналар билан таъминланганлик даражасини инвентаризациядан ўтказсин ва марказларнинг самарали ишлаши учун белгиланган минимал талабларни ҳисобга олган ҳолда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қўшимча янги техникалар билан тўлдирсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги давлат органларини идоралараро электрон ҳамкорлик тизими фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш учун 2015 йилнинг 1 октябригача давлат хизматларини кўрсатувчи давлат органларининг туман (шаҳар) бўғинларига зарур бўлган компьютер ускунасини

харид қилиб, бепул Интернет тармоғига уланишга 2015 йилнинг IV чорагида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан зарур маблағларни ажратиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига асосланган таклифлар киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги икки ой муддатда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар тақдим этсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2015 йил 28 сентябрь,
ПҚ–2412-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
2015 йил 28 сентябрдаги
ПҚ–2412-сон қарорига
1-ИЛОВА

## “Ягона дарча” марказларининг намунавий тузилмаси




**Жами ходимлар сони 8-18 гача, улардан бошқарув ходимлари 5-15 гача**

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
2015 йил 28 сентябрдаги
ПҚ–2412-сон қарорига
2-ИЛОВА

## “Ягона дарча” марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматларининг рўйхати

| № | Рухсат берувчи ҳужжатлар номи | Ваколатли орган/ташкилотлар |
|---|---|---|
| 1. | Тадбиркорлик субъектларини муҳандислик-коммуникация тизимига тайёр ҳолда улаш | Туман (шаҳар) ҳокимликлари Коммуникация идоралари |
| 2. | Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномаси | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида ташкил этиладиган алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини бериш бўйича махсус комиссиялар |
| 3. | Умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоголли маҳсулотларни сотиш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномаси | |
| 4. | Бино ва иншоотларнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни (фасадини таъмирлашни) келишиш | Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси |
| 5. | Объектни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилишга рухсат бериш | |
| 6. | Қурилиш-монтаж ишларига рухсат бериш | |
| 7. | Кўчма савдони амалга оширишга рухсат бериш | Туман (шаҳар) ҳокимликлари |
| 8. | Ташқи рекламаларни жойлаштиришга рухсат бериш | |
| 9. | Турар жойларни нотурар жой тоифасига ўтказишга рухсат бериш | |
| 10. | Ер ости бойликлари участкасидан фойдаланишда бузилган ерлар қайта тикланганлигини тасдиқлаш хулосаси | |
| 11. | Ўрмон фондига кирмайдиган дарахт ва буталарни кесишга рухсат бериш | |

<table>
<tr><th>№</th><th>Рухсат берувчи ҳужжатлар номи</th><th>Ваколатли орган/ташкилотлар</th></tr>
<tr><td>12.</td><td>Махсус сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмолига рухсат бериш</td><td>Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги</td></tr>
<tr><td>13.</td><td>Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланишга рухсат бериш</td><td>Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, туман (шаҳар) ҳокимликлари</td></tr>
<tr><td>14.</td><td>Юридик шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш</td><td rowspan="3">Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси</td></tr>
<tr><td>15.</td><td>Юридик шахсларнинг бинолар ва иншоотларга (шу жумладан, ер ости иншоотларига) бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш</td></tr>
<tr><td>16.</td><td>Юридик шахсларнинг ипотека ҳамда бинолар, иншоотлар ва ер участкаларига бўлган ашёвий ҳуқуқлар ипотекаси тўғрисидаги шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш</td></tr>
</table>

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА "ЯГОНА ДАРЧА" ТАМОЙИЛИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ ТАРТИБИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА" 2015 ЙИЛ 28 СЕНТЯБРДАГИ ПҚ–2412-СОН ҚАРОРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 50-сон, 626-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2015 йил 28 сентябрдаги ПҚ–2412-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари орқали давлат хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари фақат давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматининг намунавий паспорти 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари (кейинги ўринларда “ягона дарча” марказлари деб аталади) тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатишда қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган тўловни белгилашга ҳақли эмас.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги ПҚ–2412-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари фақат “ягона дарча” тамойили бўйича ягона марказлар орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатига (кейинги ўринларда Рўйхат деб аталади) киритилган давлат хизматлари кўрсатадиган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар (кейинги ўринларда ваколатли органлар деб аталади):

жойларда ўз ходимларини ва ягона дарча марказлари ходимларини Рўйхатга киритилган давлат хизматлари кўрсатиш тартиботларига тизимли равишда ўқитишни таъминласинлар;

2015 йил 25 декабргача бўлган муддатда – давлат хизматлари олиш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг намунавий шакллари ва бланкаларини қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқсинлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқласинлар;

2015 йил 25 декабргача бўлган муддатда – фақат “ягона дарча” марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари паспортларини уларда кўрсатилган маълумотларнинг муҳимлигини доимий равишда таъминлаган ҳолда ишлаб чиқсинлар ва Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси билан келишган ҳолда тасдиқласинлар;

икки ой муддатда – Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан биргаликда консолидация қилин-

ган маълумотларга ва классификаторларга эга бўлган, ҳужжатларнинг намунавий шаклларида ва бланкаларида кўрсатилган маълумотларнинг автоматик тарзда янгилаб борилишини таъминлаш, давлат хизматлари олишда тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган маълумотларни туркумлаш имконини берадиган ахборот-маълумотнома ресурсларини ишлаб чиқсинлар ва ўз ваколатлари доирасида тасдиқласинлар, шунингдек уларнинг белгиланган тартибда "Ўзстандарт" агентлиги органларида давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласинлар.

Рўйхатга қўшимча давлат хизматларини киритишда тегишли ваколатли органлар ушбу бандда назарда тутилган талабларга риоя этилишини таъминлайдилар.

4. Давлат хизматлари кўрсатадиган "ягона дарча" марказларининг ва ваколатли органларнинг раҳбарлари:

уларнинг "ягона дарча" марказлари фаолиятини ўз вақтида ташкил этиш, шунингдек улар орқали тегишли давлат хизматлари кўрсатиш тартибига оғишмай риоя этиш юзасидан шахсий масъулияти тўғрисида;

тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш, шунингдек лицензиялар ва бошқа рухсат бериш тусидаги ҳужжатларни беришнинг белгиланган тартиби ва муддатлари бузилганлиги учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган жиноий жавобгарликкача бўлган жавобгарлик чоралари тўғрисида қатъий огоҳлантирилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

ваколатли органларнинг давлат хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ бўлган фаолиятининг функционал ва операцион жараёнлари улар Рўйхатга киритилган санадан бошлаб қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тизимли равишда қайта ташкил этилади;

давлат хизмати паспорти у тасдиқланган санадан бошлаб бир кун муддатда ваколатли органнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади;

давлат хизмати паспорти, ҳужжатларнинг намунавий шакллари ва бланкалари, ахборот-маълумотнома ресурс-

лари ваколатли органлар томонидан, кейинчалик уларни "ягона дарча" марказларига юбориш учун улар тасдиқланган санадан бошлаб бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига тақдим этилади;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тасдиқланган давлат хизматлари паспортлари, ҳужжатларнинг намунавий шакллари ва бланкалари, шунингдек ахборот-маълумотнома ресурслари асосида Ўзбекистон Республикаси Интерактив давлат хизматлари ягона порталида (кейинги ўринларда Ягона портал деб аталади) давлат хизматлари паспортларининг эълон қилинишини ҳамда Ягона порталда алоҳида интерактив тарзда тўлдириш ва давлат хизматлари олиш учун электрон ҳужжатларни тақдим этиш имкониятини жорий этишни таъминлайди.

6. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Марказий банки, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси давлат хизматлари кўрсатиш учун тўловни ундирадиган ваколатли органлар билан биргаликда 2016 йил 1 октябргача бўлган муддатда:

Ягона порталда давлат хизматлари кўрсатиш учун тўланган давлат божлари ва йиғимлари суммасини банклар кассалари ва (ёки) электрон тўлов тизимлари орқали ҳисобга олишнинг ягона биллинг тизимини (кейинги ўринларда ягона биллинг тизими деб аталади);

тадбиркорлик субъектларини ва ваколатли органларни реал вақт режимида ягона биллинг тизими воситасида ўзаро ҳисоб-китобларнинг ҳолати тўғрисида хабардор қилиш имкониятини;

ариза берувчилар томонидан тўловларни, шу жумладан электрон тарздаги тўловларни амалга оширишда уларни идентификациялаш механизмини;

ваколатли органларда давлат хизматлари кўрсатиш учун тўланган давлат божлари ва йиғимлари суммасини ҳисобга олишнинг идоравий биллинг тизимларини, уларни, шу жумладан ваколатли органларнинг маълумотларида фойдаланиладиган бухгалтерия дастурий таъминотини ягона биллинг тизими билан уларни интеграциялашни таъминлаган ҳолда;

"ягона дарча" марказлари томонидан бажариладиган қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалар ва функцияларнинг автоматлаштирилишини таъминлайдиган ариза берувчилар билан ўзаро муносабатларни бошқаришнинг ахборот тизимини ишлаб чиқсинлар ва жорий этсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига ушбу қарорнинг 5-бандида назарда тутилган ахборот-коммуникация технологияларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш лойиҳаларини икки ҳафта муддатда киритсин.

2013–2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш Комплекс дастурини амалга оширишни мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси 2015 йил 15 декабргача бўлган муддатда ушбу қарорнинг 5-бандида назарда тутилган ахборот-коммуникация технологияларини ишлаб чиқиш ва ривожлантиришнинг киритилган лойиҳаларини амалга оширишга давлат буюртмасини тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги давлат буюртмаси тасдиқланган санадан бошлаб икки ой муддатда танлов (тендер) савдоларини ўтказсин ва уларнинг натижалари бўйича давлат буюртмаси лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан тегишли шартномаларни тузсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги бир ой муддатда "ягона дарча" марказлари ходимларининг намунавий лавозим йўриқномаларини, шу жумладан ўзи бевосита мурожаат қилувчи тадбиркор-

лик субъектларини қабул қилиш, телефон хизмати кўрсатиш, ваколатли органлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, давлат хизматларининг юқори сифатини, шаффофлиги ва қулайлигини таъминлайдиган бошқа масалалар бўйича муфассал йўриқномаларни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

10. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўзларининг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2015 йил 14 декабрь,
358-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 14 декабрдаги
358-сон қарорига
1-ИЛОВА

## Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари (кейинги ўринларда "ягона дарча" маркази деб аталади) фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. "Ягона дарча" маркази туман (шаҳар) ҳокимлиги тузилмасига киради ва юридик шахс ҳисобланмайди, мол-мулкка, хўжалик юритувида ёки тезкор бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлмайди, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, ўз номидан бошқа шахслар билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмайди.

"Ягона дарча" марказининг ўз номи ёзилган думалоқ муҳри, штампи ва бланкалари бўлади.

3. "Ягона дарча" маркази ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда ушбу Низомга амал қилади.

4. "Ягона дарча" маркази ўз фаолиятида давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан мустақилдир ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ҳисобот беради.

5. “Ягона дарча” маркази томонидан ушбу Низомда назарда тутилган тартибда берилган ҳужжатлар юридик кучга эга ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амал қилади.

## II. “Ягона дарча” марказларининг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар “ягона дарча” маркази фаолиятининг асосий вазифалари ҳисобланади:

“ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш;

тадбиркорлик субъектлари томонидан рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензия тартиботларидан ўтишда шаффофликни таъминлаш;

давлат органлари ва давлат хизматлари кўрсатадиган бошқа ташкилотлар (кейинги ўринларда ваколатли органлар деб аталади) билан мустаҳкам ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш, тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатишда бюрократик тўсиқларга йўл қўймаслик;

тадбиркорлик субъектларига (кейинги ўринларда аризачилар деб аталади) ахборот ёрдами кўрсатиш, шу жумладан давлат хизматлари кўрсатиш тартиби ва муддатлари тўғрисида бепул консультациялар бериш.

7. “Ягона дарча” маркази ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

Давлат хизматлари кўрсатиш рўйхатида назарда тутилган, тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари фақат “ягона дарча” марказлари томонидан кўрсатиладиган Давлат хизматлари рўйхатида (кейинги ўринларда Рўйхат деб аталади) назарда тутилган давлат хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги аризаларни (кейинги ўринларда ариза деб аталади) қабул қилади ва рўйхатдан ўтказади;

ариза берувчиларнинг ваколатли органлар билан контактсиз ўзаро ҳамкорлик қилишини таъминлайди;

аризаларнинг ваколатли органларга улар бўйича қарор қабул қилиш ва уларни тегишли равишда расмийлаштириш учун ўз вақтида берилишини таъминлайди;

аризачиларга аризаларни кўриб чиқиш якунлари бўйича ҳужжатлар беради;

аризачиларга "ягона дарча" марказига мурожаат қилишганда ахборот ёрдами кўрсатади;

жамоатчиликнинг кўрсатилаётган давлат хизматлари тўғрисидаги фикрини ўрганади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

## III. "Ягона дарча" марказининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

8. "Ягона дарча" маркази ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Рўйхатга қўшимча давлат хизматларини киритиш бўйича таклифлар бериш;

ваколатли органларга улар томонидан давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида таклифлар киритиш;

маълумотларнинг тегишли базаларидан, давлат ахборот тизимларидан ва ваколатли органлар ресурсларидан белгиланган тартибда фойдаланиш;

ваколатли органлардан уларнинг ваколатига кирувчи масалалар бўйича ҳужжатлар ҳамда ахборотларни сўраш ва тўловсиз олиш;

тегишли ваколатли органларга аризачининг давлат хизматлари кўрсатишнинг рад этилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш учун материалларни юбориш.

"Ягона дарча" маркази қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. "Ягона дарча" маркази қуйидагиларга мажбур:

аризачилар билан ўзаро муносабатларни бошқаришнинг ахборот тизимидан, Ўзбекистон Республикаси Интерактив давлат хизматлари ягона порталидан (кейинги ўрин-

ларда Ягона портал деб аталади), идоралараро электрон тарзда ҳамкорлик қилиш тизимидан фойдаланиш;

давлат хизматлари кўрсатишда ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этиш;

ваколатли органлар билан Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари орқали давлат хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомда назарда тутилган тарзда ҳамкорликни амалга ошириш;

ўзининг дастурий-аппарат воситаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш;

давлат хизматлари кўрсатиш масалалари бўйича телефон хизмати (call-марказ)нинг зарур даражада ишлашини таъминлаш;

навбатни электрон бошқаришнинг самарали фаолият кўрсатишини ва маъмурий бошқаришни, муайян даврда (кун, ҳафта, ойда) "ягона дарча" маркази орқали хизмат кўрсатилган аризачиларнинг сонини уларнинг тоифалари ва кўрсатилаётган давлат хизматлари турлари бўйича, қабул қилиш ва хизмат кўрсатилишини кутишнинг ўртача вақтини кўрсатган ҳолда зарур даражада ҳисобга олишни таъминлаш.

10. "Ягона дарча" маркази қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам олиши мумкин.

## IV. "Ягона дарча" маркази фаолиятини таъминлаш тартиби

11. "Ягона дарча" маркази фаолиятини таъминлаш тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун давлат божини тўлашдан тушадиган маблағлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

12. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишдан тушадиган давлат божининг барча суммаси "ягона дарча" марказларининг даромадларига "ягона дарча" марказлари учун тегишли Ғазначилик бўлимлари томонидан махсус очилган ҳисоб рақамига ўтказилади.

Махсус очилган ғазначилик ҳисоб рақамига тушадиган маблағлар туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан тасдиқланган ва белгиланган тартибда молия органларида рўйхатдан ўтказилган даромадлар ва харажатлар сметасига мувофиқ фақат "ягона дарча" марказлари ходимлари таъминотига, моддий-техник базани мустаҳкамлашга, иш ҳақи тўлашга ва ходимларни рағбатлантиришга йўналтирилади.

"Ягона дарча" марказларининг маблағларидан фойдаланиш бўйича молиявий операциялар, уларни ҳисобга олиш ва улар бўйича ҳисоботлар тегишли туман (шаҳар) ҳокимлиги бухгалтерияси томонидан амалга оширилади.

13. Рўйхатга киритилган давлат хизматларини туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан кўрсатилганлиги учун тушадиган давлат божлари, йиғимлари ва бошқа тўловлар маблағлари суммаси "ягона дарча" марказларининг даромадларига "ягона дарча" маркази учун тегишли Ғазначилик бўлинмалари томонидан махсус очилган ҳисоб рақамларига қонунчиликда белгиланган миқдорда ўтказилади ва фақат "ягона дарча" марказларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, иш ҳақи тўлашга ва ходимларни рағбатлантиришга йўналтирилади.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, зарурат бўлганда, адлия ва молия бошқармаларининг тегишли ҳудудий бошқармалари таклифига биноан маблағларни минтақа доирасида "ягона дарча" марказларининг ўз даромадлари ҳисобига қопланмайдиган харажатларини таъминлаш учун марказлар ўртасида қайта тақсимлаш ҳуқуқига эга.

## V. "Ягона дарча" маркази фаолиятини ташкил этиш ва унинг иш режими

15. "Ягона дарча" марказига директор бошчилик қилади, у тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда туман (шаҳар) ҳокими томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

“Ягона дарча” маркази ходимлари тегишли туман (шаҳар) ҳокимлиги, шунингдек ҳудудий адлия органи билан келишган ҳолда “ягона дарча” маркази директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

16. “Ягона дарча” маркази директори марказ фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади ва ўзига юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

“Ягона дарча” марказлари ходимлари лавозим маошларига устамалар (меҳнатни рағбатлантириш коэффициенти) миқдори, мукофотлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш шартлари бўйича тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг мустақил бўлимлари ходимларига тенглаштирилади.

“Ягона дарча” марказларининг даромадлари ва харажатлари сметасида маблағлар мавжуд бўлган тақдирда меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 15 фоизи миқдорида моддий рағбатлантиришнинг махсус фонди назарда тутилиши мумкин. Ушбу фонд маблағларидан фойдаланиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

17. “Ягона дарча” маркази ходимларининг лавозим йўриқномаси туман (шаҳар) ҳокими томонидан тасдиқланади, унда уларнинг вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шунингдек шахсий жавобгарлиги мажбурий тартибда белгиланади.

18. “Ягона дарча” марказида меҳнат қонунчилигига мувофиқ беш кундан иборат бўлган иш ҳафтаси белгиланади.

19. “Ягона дарча” марказида унинг 9.00 соатдан 18.00 соатгача танаффуссиз ишлашини таъминлайдиган график белгиланади.

Аризачилар билан ишлаш учун хоналар “ягона дарча” маркази биноси (имората)нинг биринчи қаватида жойлашади, унинг “ягона дарча” маркази биносига тўсиқсиз киришини таъминлайдиган алоҳида кириш жойи бўлади.

“Ягона дарча” марказининг биноси (имората)га кириш жойида пешлавҳа ўрнатилади, унда қуйидаги мазмундаги маълумотлар бўлади:

“ягона дарча” марказининг жойлашган жойи (почта манзили);

“ягона дарча” марказининг иш режими;

телефон хизмати кўрсатиш (call-марказ) рақами;

аризачилар учун зарур бўлган бошқа маълумотлар.

20. “Ягона дарча” маркази биносида тўловларни қабул қилиш бўйича банклар кассалари жойлаштирилиши керак.

21. “Ягона дарча” маркази биносида навбат кутиш навбатни бошқаришнинг электрон тизими ускуналаридан фойдаланган ҳолда ташкил этилади.

Бино қўшимча равишда аризачиларни “ягона дарча” марказининг телефони, электрон почтаси ва Ягона портал орқали навбатга масофадан туриб ёзиш билан таъминланади.

22. “Ягона дарча” маркази аризачилар учун ахборот стендлари ва тахталари билан жиҳозланади, улар маълумотлар билан танишиш учун қулай бўлган жойда ўрнатилади ва уларда маълумотлар билан танишиш учун қулайлик мавжуд бўлади.

23. Ахборот стендларида “ягона дарча” маркази орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари олиш учун зарур бўлган муҳим ва муфассал маълумотлар, шу жумладан қуйидагилар мавжуд бўлади:

фақат “ягона дарча” марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари паспортлари;

кўп бериладиган саволлар ва уларга жавоблар (улар ҳар ойда камида бир марта янгилаб борилади);

давлат хизматлари кўрсатиш механизми тавсифланган расмлар, блок-схемалар ва бошқа график чизмалар;

“ягона дарча” марказининг ва Интернет тармоғидаги Ягона порталнинг почта манзили, телефон хизмати (call-марказ)нинг рақами, электрон почта манзиллари;

давлат божи, йиғим ва бошқа тўловларни тўлаш учун банк реквизитлари;

ҳужжатларнинг муфассал рўйхати, шунингдек давлат хизматлари олиш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг намунавий шакллари ва бланкалари;

давлат хизматлари олиш учун “ягона дарча” марказига тақдим этиш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг намунавий шакллари ва бланкаларини тўлдириш намуналари.

Стендда давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар ҳам жойлаштирилиши мумкин.

## VI. Якунловчи қоидалар

24. “Ягона дарча” маркази ходимлари ўз лавозим вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда аризачилар тўғрисидаги ўзларига маълум бўлган маълумотлардан қатъиян хизмат мақсадларида фойдаланиши керак.

25. “Ягона дарча” маркази ходимлари давлат, банк, тижорат, солиқ сири бўлган ва қонун билан қўриқланадиган бошқа махфий ҳужжатларни ва (ёки) маълумотларни ошкор қилишга, улардан шахсий мақсадларда фойдаланишга ёхуд уларни учинчи шахсларга, шу жумладан ваколатли органларга беришга ҳақли эмас (қонунчиликда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно).

26. Ушбу Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 14 декабрдаги
358-сон қарорига
2-ИЛОВА

## Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари орқали давлат хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари (кейинги ўринларда "ягона дарча" марказлари деб аталади) орқали давлат хизматлари кўрсатиш, "ягона дарча" марказларининг давлат органлари ҳамда давлат хизматлари кўрсатадиган бошқа ташкилотлар ва (ёки) давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур ҳужжатлар ва маълумотларга эга бўлган бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартибини белгилайди.

2. "Ягона дарча" марказлари ҳамда давлат органлари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат хизматлари кўрсатадиган ва (ёки) давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур ҳужжатлар ва маълумотларга эга бўлган бошқа ташкилотлар (кейинги ўринларда ваколатли органлар деб аталади) ўртасида ахборотларни айирбошлаш идоралараро ўзаро электрон тарзда ҳамкорлик қилиш тизими воситасида амалга оширилади, бунда "ягона дарча" марказларини автоматлаштиришни, ахборот хавфсизлигини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда, аризачилар билан ўзаро муносабатларни бошқаришнинг ахборот тизими (кейинги ўринларда Тизим деб аталади) орқали амалга оширилади.

3. Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари фақат давлат хизматлари кўрсатиш бўйича ягона марказлар орқали кўрсатиладиган Давлат хизматлари рўйхатига (кейинги ўринларда Рўйхат деб

аталади) киритилган давлат хизматлари олиш учун “ягона дарча” марказларига мурожаат қилишган тадбиркорлик субъектларига (кейинги ўринларда аризачилар деб аталади) давлат хизматлари кўрсатиш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схемага ва давлат хизмати паспортига мувофиқ амалга оширилади.

## II. Давлат хизматлари кўрсатиш тўғрисида аризалар бериш, уларни кўриб чиқиш ва кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳужжатлар бериш тартиби

4. Аризачи “ягона дарча” марказига давлат хизмати кўрсатиш тўғрисидаги аризани (кейинги ўринларда ариза деб аталади) ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича, ҳозир бўлиш тартибида ёки почта алоқаси воситасида беради.

Интерактив давлат хизматлари ягона портали (кейинги ўринларда Ягона портал деб аталади) орқали берилган аризалар давлат хизмати кўрсатадиган тегишли ваколатли органга автоматик равишда бевосита юборилади.

5. Аризачи ҳозир бўлиш тартибида мурожаат қилган тақдирда “ягона дарча” маркази хонасида навбат бўйича тартиб рақами олади ва кутиш учун ажратилган жойда “ягона дарча” маркази ходимининг чақиришини кутади.

Аризачи навбат рақамини олган вақтдан бошлаб “ягона дарча” маркази ходими томонидан аризани ариза қабул қилиб олинганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат аризачига берилгунгача бўлган вақт 30 дақиқадан ошмаслиги керак.

6. Аризачи чақирилгандан кейин “ягона дарча” маркази ходими аризанинг давлат хизмати паспортига мувофиқ тўлиқ тўлдирилганлигини текширади. Текшириш якунлари бўйича “ягона дарча” маркази ходими аризани идоралараро электрон тарзда ҳамкорлик қилиш тизимига киритади, ушбу тизим воситасида Рўйхатга киритилган давлат хизматлари кўрсатиш учун тушган аризаларни рўйхатга олиш Электрон журналида (кейинги ўринларда Журнал

деб аталади) шакллантирилади. Журнал идораларaро электрон тарзда ҳамкорлик қилиш тизими воситасида белгиланган шаклда, аризага уникал рўйхатдан ўтказиш рақамини беради.

Ариза рўйхатдан ўтказилгандан кейин “ягона дарча” маркази ходими аризачига ариза олингани тўғрисида тилхат беради ёки уникал рўйхатдан ўтказиш рақамини кўрсатган ҳолда ариза нусхасида қабул қилингани тўғрисидаги тегишли ёзувни қайд этади.

Почта алоқаси орқали “ягона дарча” маркази томонидан олинган ариза ҳам унга уникал рўйхатдан ўтказиш рақами берилган ҳолда Журналда рўйхатдан ўтказилади.

7. “Ягона дарча” маркази томонидан ҳозир бўлиш тартибида ёки почта алоқаси орқали олинган ариза “ягона дарча” маркази ходими томонидан сканирланади, унга электрон рақамли имзо (кейинги ўринларда ЭРИ деб аталади) қўйилади ва ариза олинган куни идоралараро электрон тарздаги ҳамкорлик тизими орқали тегишли ваколатли органларга юборилади.

“Ягона дарча” маркази ходимининг ЭРИси фақат берилган аризада нотўғри маълумот йўқлиги фактини аниқлайди.

8. Бошқа жойдаги “ягона дарча” марказига ҳозир бўлиш тартибида ёки почта алоқаси орқали мурожаат қилинган ёки аризачи рўйхатдан ўтказилган тақдирда ариза тегишли “ягона дарча” марказини хабардор қилган ҳолда идоралараро электрон тарзда ҳамкорлик қилиш тизими орқали “ягона дарча” маркази томонидан тегишли ваколатли органга юборилади.

Аризачи томонидан “ягона дарча” марказига ариза электрон манба орқали тақдим этилган тақдирда “ягона дарча” маркази ходими, зарурат бўлганда, унга аризани хизмат кўрсатиш учун ажратилган жойга “ягона дарча” маркази биносига Ягона портал орқали юборишда кўмаклашади.

9. Ариза Ягона портал орқали юборилган тақдирда ариза, уникал рўйхатдан ўтказиш рақами берилган ҳолда, автоматик равишда Ягона порталда рўйхатдан ўтказилади.

10. Аризачилардан аризани қабул қилиш учун тегишли давлат хизмати паспортида назарда тутилмаган қўшимча маълумотларни ва (ёки) ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш тақиқланади.

Давлат хизматининг тасдиқланган паспорти қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган тақдирда аризачи ушбу паспортга мувофиқ расмийлаштирилган давлат хизматининг тўлиқ ва (ёки) ишончли бўлмаган маълумотлари ваколатли органга тақдим этилганлиги учун жавоб бермайди.

Бунда тегишли ваколатли орган ноаниқлик аниқланган санадан бошлаб бир кун муддатда ушбу давлат хизмати паспортидаги ноаниқликни белгиланган тартибда бартараф этиш чораларини кўриши шарт.

11. Ахборот айирбошлашда техник носозликлар вужудга келган ҳолатларда аризачи томонидан қоғозда тақдим этилган ариза у олинган санадан бошлаб бир иш куни мобайнида “ягона дарча” маркази томонидан почта алоқаси воситасида (буюртма хат билан) ёхуд ўзининг масъул ходими орқали юборилади.

12. Ваколатли орган ариза олинган вақтдан бошлаб унинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилишини таъминлайди.

Аризани кўриб чиқишда ваколатли органнинг қўшимча ҳужжатлар ва (ёки) маълумотлар тақдим этилишини талаб қилиши, шунингдек аризасини кўриб чиқиш жараёнида давлат хизматлари кўрсатиш учун “ягона дарча” марказига мурожаат қилган аризачини таклиф этиши тақиқланади.

13. Ваколатли орган аризани кўриб чиқиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган муддат тугашидан 3 иш соатидан кечикмай:

давлат хизмати кўрсатиш натижасини ёки давлат хизмати кўрсатишнинг асосли равишда рад этилганини белгиланган тартибда қоғозли манбада расмийлаштиради;

давлат хизмати кўрсатиш натижаси ёки давлат хизмати кўрсатишни рад этишнинг асосли сабаблари тўғрисидаги маълумотларни идоралараро электрон тарзда ҳамкор-

лик қилиш тизимига ва ўзининг электрон ахборот ресурсларига киритади;

QR-код (матрик штрихли код)да мавжуд бўлган давлат хизмати кўрсатиш натижасини ёки давлат хизмати кўрсатишнинг асосли рад этилишини – электрон ҳужжатни генерация қилади;

давлат хизмати кўрсатиш натижасини ёки давлат хизмати кўрсатишнинг асосли рад этилишини электрон тарзда "ягона дарча" марказига ёхуд аризачига (Ягона портал орқали мурожаат қилинган тақдирда) юборади.

Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, давлат хизмати кўрсатишнинг асосли рад этилиши ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича расмийлаштирилади.

14. QR-кодда уни тегишли дастурий-аппарат воситалари билан санашда тадбиркорлик субъектини идентификациялаш имконини берадиган унинг тўғрисидаги асосий маълумотлар (рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномада, ҳисобга қўйиш тўғрисидаги гувоҳномада мавжуд бўлган маълумотлар, шу жумладан тегишли электрон ахборот ресурсидаги, шунингдек ваколатли орган масъул ходимининг ЭРИсидаги ёзувни кўрсатадиган Интернет тармоғидаги (ҳаволадаги) манзил мавжуд бўлиши керак.

15. Ваколатли органларда давлат хизмати кўрсатишнинг натижаси ёки давлат хизмати кўрсатишнинг асосли рад этилиши – электрон ҳужжатни генерациялашнинг дастурий-техник воситалари мавжуд бўлмаганда тегишли равишда давлат хизмати кўрсатиш натижаси ёки давлат хизмати кўрсатишнинг асосли рад этилиши ваколатли орган ходимининг ЭРИсини имзолаган ҳолда қоғоз манбада акс эттиришга йўл қўйилади. Бунда QR-коднинг мавжуд бўлиши талаб қилинмайди.

"Ягона дарча" маркази томонидан "ягона дарча" маркази муҳри қўйилган ҳолда аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича тушган қоғозли манбада босилган ҳужжат ваколатли орган томонидан берилган электрон ҳужжатга тенглаштирилади.

16. Ахборотларни айирбошлашда техник носозликлар вужудга келган ҳолатларда ваколатли орган аризани кўриб чиқиш муддати тугагунгача аризани кўриб чиқиш якунлари бўйича тайёрланган ҳужжатларни почта алоқаси орқали (буюртма хат билан) ёхуд ўзининг масъул ходими орқали “ягона дарча” марказига юборади.

17. “Ягона дарча” маркази давлат хизмати кўрсатиш натижаси ёки давлат хизмати кўрсатишнинг асосли рад этилиши тўғрисидаги маълумотлар олинган вақтдан бошлаб бир иш соати мобайнида:

бу тўғрида аризачи аризада кўрсатилган усулда уни хабардор қилади;

идоралараро электрон тарздаги ҳамкорлик тизими воситасида Журналга тегишли ёзувни киритади.

18. Аризани кўриб чиқиш якунлари бўйича ҳужжатларни аризачига бериш иш кунларида қуйидаги ҳужжатлардан бирини беришда амалга оширилади:

ариза олингани тўғрисидаги тилхат;

уникал рўйхатга олиш рақамини кўрсатган ҳолда аризанинг қабул қилингани тўғрисида белги қўйилган нусхаси;

аризачининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат.

Бунда давлат хизмати кўрсатиш натижасини ёхуд давлат хизмати кўрсатишнинг рад этилишини бериш Журналда рўйхатдан ўтказилади.

19. Журнал идоралараро электрон тарздаги ҳамкорликнинг тизимида автоматик тарзда электрон шаклда юритилади. Ҳар ойда Журналнинг мазмуни қоғозли манбага ёзилади, унинг ҳар бир варағи рақамланади, “ягона дарча” марказининг масъул ходими томонидан имзоланади ва муҳр қўйилади. Қоғоз манбага босилган Журнал мазмуни Журналнинг йиғма папкасига навбати билан тикилади.

Журналдаги ҳар бир ёзувга тартиб рақами берилади. Тартиб рақами қўйиш ҳар бир ёзувга бир рақамидан бошлаб навбатдаги тартиб рақами бериш йўли билан амалга оширилади. Тартиб рақами кейинги календарь йилда давом эттирилади.

20. Давлат хизмати кўрсатганлик учун давлат божи, йиғим ва бошқа тўловлар аризачининг хоҳишига кўра “ягона дарча” маркази хонасидаги банк кассаси ёхуд электрон тўлов тизимлари воситасида амалга оширилади.

21. Аризачи аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича тайёрланган ҳужжатларни олиш учун бевосита мурожаат қилмаган ҳолатларда “ягона дарча” маркази уларнинг давлат хизмати кўрсатиш натижасини бериш муддати бошланган кундан эътиборан бир ой мобайнида сақланишини таъминлайди, шундан сўнг уларни аризачига почта алоқаси орқали (буюртма хат билан) жўнатади.

22. Аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича қоғоз манбада тайёрланган ҳужжатни сақлаш махсус жиҳозланган шкафларда, уларнинг турлари ва ҳужжатни бериш (чиқариш) санаси бўйича ажратган ҳолда белгиланган тартибда амалга оширилади.

## III. Якунловчи қоидалар

23. “Ягона дарча” маркази ходимлари томонидан ўз лавозим вазифаларини амалга ошириш муносабати билан ўзларига маълум бўлиб қолган аризачилар тўғрисидаги маълумотлардан қатъиян хизмат мақсадларида фойдаланилиши керак.

24. “Ягона дарча” маркази ходимлари давлат, банк, тижорат, солиқ ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирга, конфиденциал ахборотга эга бўлган ҳужжатлар ва (ёки) маълумотларни ошкор қилишга, улардан шахсий мақсадларда фойдаланишга ёхуд уларни учинчи шахсларга, шу жумладан ваколатли органларга беришга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

25. Ушбу Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Тадбиркорлик субъектларига
“ягона дарча” тамойили
бўйича давлат хизматлари
кўрсатиш ягона марказлари
орқали давлат хизматлари
кўрсатиш тартиби тўғрисидаги
низомга
1-ИЛОВА

# Тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари орқали давлат хизматлари кўрсатиш СХЕМАСИ

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Бажариш муддатлари |
|---|---|---|---|
| 1-босқич | Аризачи | “Ягона дарча” марказига ариза бериш. | аризачининг хоҳишига кўра |
| 2-босқич | “Ягона дарча” маркази | 1. Давлат хизмати паспортига мувофиқ аризанинг тўлиқлигини текшириш.<br>2. Аризани унга уникал рўйхатдан ўтказиш рақами берган ҳолда Электрон журналда рўйхатдан ўтказиш.<br>3. Аризачига аризанинг олингани тўғрисида тилхат бериш ёки унинг нусхасига белги қўйиш.<br>4. Аризани сканерлаш ва унга электрон рақамли имзо қўйиш.<br>5. Аризани тегишли ваколатли органга юбориш. | 30 дақиқа мобайнида;<br>бир иш куни мобайнида |
| 3-босқич | Ваколатли орган | 1. Аризани олиш ва уни қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқишни таъминлаш.<br>2. Давлат хизмати кўрсатиш натижаларини расмийлаштириш ёки давлат хизматлари кўрсатишнинг асосланган сабаблар билан рад этилишини тайёрлаш.<br>3. Кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги маълумотларни ўзининг электрон ахборот ресурсларига киритиш.<br>4. Давлат хизмати кўрсатиш натижаларини ёки унинг асосланган рад этилишини электрон тарзда “ягона дарча” марказига ёхуд Ягона портал орқали мурожаат қилинган тақдирда – аризачига юбориш. | давлат хизмати паспортида назарда тутилган муддатларда;<br>давлат хизмати кўрсатиш муддати тугагунгача; қонунчиликда белгиланган ва давлат хизмати паспортида кўрсатилган муддатдан 3 соатдан кечикмай |
| 4-босқич | “Ягона дарча” маркази | 1. Ваколатли органдан давлат хизмати кўрсатиш натижасини ёки асосланган рад этишни олиш. Аризачини аризада кўрсатилган усулда хабардор қилиш.<br>2. Аризачига бериш учун зарур бўлган ҳужжатларни расмийлаштириш.<br>3. Аризачига аризада кўрсатилган усулда ҳужжатларни бериш.<br>4. Аризаларни рўйхатдан ўтказишнинг Электрон журналига тегишли ёзувларни киритиш. | аризани кўриб чиқиш натижалари олингандан кейин бир иш соати мобайнида |

Тадбиркорлик субъектларига
“ягона дарча” тамойили
бўйича давлат хизматлари
кўрсатиш ягона марказлари
орқали давлат хизматлари
кўрсатиш тартиби тўғрисидаги
низомга
2-ИЛОВА

_________________________________ кўрсатиш тўғрисида

*(Тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича фақат ягона марказлар орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари Рўйхатига мувофиқ давлат хизматининг тўлиқ номи кўрсатилади)*

**АРИЗА**

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **I.** | **Қуйидагилар сифатида мурожаат қиладиган аризачи – тадбиркорлик субъекти тўғрисида маълумотлар:** | | | | | |
| 1-1. | ☐ Жисмоний шахс; | | | | | |
| 1-1-1. | Фамилияси: | | | | | |
| 1-1-2. | Исми: | | | | | |
| 1-1-3. | Отасининг исми: | | | | | |
| 1-2. | ☐ Юридик шахс. | | | | | |
| 1-2-1. | Юридик шахснинг тўлиқ номи: | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| 1-3. | Солиқ тўловчининг идентификациялаш рақами (СТИР): | | | | | |
| 1-4. | Аризачининг (аризачи вакилининг) жинси: | 1-4-1 ☐ | эркак | 1-4-2 ☐ | аёл | |
| **II.** | **Аризачининг яшаш жойи ёки турган жойи (почта манзили).** | | | | | |
| 2-1. | Кўча: | | 2-1-1. | Берк кўча №: | 2-1-2. | Тор кўча №: |
| 2-2. | Уй №: | | 2-3. | квартира №: | | |
| 2-4. | Шаҳар: | | | | | |
| 2-5. | Посёлка: | | | | | |
| 2-6. | Қишлоқ (овул): | | | | | |
| 2-7. | Туман: | | | | | |
| 2-8. | Вилоят: | | | | | |
| 2-9. | Республика: | | | | | |
| 2-10. | Почта индекси: | | | | | |
| **III.** | **Аризага илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати.** | | | | | |
| 3-1. | | | | | | |
| 3-2. | | | | | | |
| 3-3. | | | | | | |
| … | | | | | | |
| *1-изоҳ:* | *Давлат хизмати паспортига мувофиқ аризага илова қилинадиган барча ҳужжатларнинг тўлиқ номи кўрсатилади.* | | | | | |
| **IV.** | **Бошқа маълумотлар** | | | | | |
| 4-1. | Ариза берилган сана: | 4-1-1. ДД: | 41-1-2. ММ: | 4-1-3. ГГГГ: | | |
| 4-2. | Ариза берилган вақт: | 4-2-1. ЧЧ: | 4-2-2. дақиқа: | | | |
| 4-3. | ☐ 1. Давлат хизмати олиш учун тақдим этилаётган ҳужжатлардаги (ариза ва илова қилинаётган ҳужжатлардаги) маълумотларнинг ишончлилигини тасдиқлайман.<br>2. Ишончсиз маълумотлар тақдим этилган тақдирда давлат хизмати кўрсатишнинг қонунчиликда белгиланган тартибда рад этилиши мумкинлиги менга маълум. | | | | | |
| 4-4. | Аризачининг имзоси (электрон имзо – ариза электрон тарзда берилганда, ўз қўли билан қўйилган имзо – ариза ҳозир бўлиш тартибида берилганда): | | | | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 4-5. | Жисмоний/юридик шахс аризачисининг вакили тўғрисидаги маълумотлар: | | | | | | |
| 4-5-1. | Фамилияси: | | | | | | |
| 4-5-2. | Исми: | | | | | | |
| 4-5-3. | Отасининг исми: | | | | | | |
| 4-5-4. | Паспорти: | 4-5-4-1 | Серияси: | 4-5-4-2 | Номер: | | |
| 4-5-5. | Берилган вақти: | 4-5-5-1. | ДД: | 4-5-5-2. | ММ: | 4-5-5-3. | ГГГГ: |
| 4-5-6. | Паспорт ким томонидан берилган: | | | | | | |
| 4-5-7. | Солиқ тўловчининг идентификациялаш рақами (СТИР): | | | | | | |
| 4-5-8. | Вакилнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатнинг номи: | | | | | | |
| 4-5-8-1. | Тартиб рақами | 4-5-8-2 | ДД: | 4-5-8-3 | ММ: | 4-5-8-4 | ГГГГ: |
| 4-6. | Аризачининг имзоси (электрон имзо – ариза электрон тарзда берилганда, ўз қўли билан қўйилган имзо – ариза ҳозир бўлиш тартибида берилганда): | | | | | | |
| *2-изоҳ:* | 4-5 ва 4-6 бандлар қонунчиликда белгиланган тартибда аризачининг мазкур ҳаракатига ваколатли бўлган аризачининг вакили томонидан ариза берилганда тўлдирилади. | | | | | | |
| 4-7. | Аризачини аризани кўриб чиқиш натижалари тўғрисида хабардор қилиш усули: | | | | | | |
| 4-7-1. | ☐ | Телефон: | *телефон рақами* | 9 9 8 | | | |
| 4-7-2. | ☐ | смс-хабар: | *мобиль телефон рақами* | 9 9 8 | | | |
| 4-7-3. | ☐ | электрон почта: | *манзил* | @ | | | |
| 4-7-4. | ☐ | почта | *манзил* | 4-7-4-1 | ☐ | яшаш (турган) жойи бўйича; | |
| | | | | 4-7-4-2 | ☐ | бошқа манзил бўйича. | |
| 4-8. | Аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳужжатни аризачи томонидан олиш усули: | | | | | | |
| 4-8-1. | ☐ | “Ягона дарча” марказига бориб | | | | | |
| 4-8-2. | ☐ | электрон почта | *манзил* | | | @ | |
| 4-8-3. | ☐ | почта | *манзил* | 4-8-3-1 | ☐ | яшаш (турган) жойи бўйича; | |
| | | | | 4-8-3-2 | ☐ | бошқа манзил бўйича. | |
| *3-изоҳ:* | 4-7-4-2 ва 4-8-3-2-бандлар 2-1–2-10-бандларда назарда тутилган шакл бўйича тўлдирилади. | | | | | | |
| **V.** | **Хизмат бўйича қайдлар** | | | | | | |
| 5-1. | Аризани қабул қилиш санаси: | 5-1-1. | ДД: | 5-1-2. | ММ: | 5-1-3. | ГГГГ: |
| 5-2. | Аризани қабул қилиш вақти: | 5-2-1. | ЧЧ: | 5-2-2. | дақиқа: | | |
| 5-3. | Аризанинг уникал рўйхатдан ўтказиш рақами: | | | | | | |
| 5-4. | “Ягона дарча” маркази ходимининг имзоси, исми ва лавозими: | | | | | | |
| | | | | | | | |
| 5-5. | Аризачи вакилининг имзоси (электрон имзо – ариза электрон шаклда берилганда, ўз қўли билан қўйилган имзо – ариза ҳозир бўлиш тартибида берилганда) | | | | | | |

Тадбиркорлик субъектларига
"ягона дарча" тамойили
бўйича давлат хизматлари
кўрсатиш ягона марказлари
орқали давлат хизматлари
кўрсатиш тартиби тўғрисидаги
низомга
3-ИЛОВА

(Давлат хизмати кўрсатадиган ваколатли органнинг расмий бланкасида)

Сана: ____________
№ ______________

____________________________________________________________Сизнинг
*(ваколатли органнинг тўлиқ номи)*
20___ йил "___" ____________даги □□□□□□□□□□□ рўйхатдан ўтказиш
*(йил, кун, ой (ёзув билан)*
рақамига эга бўлган аризангизни қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиб, ____________________________________________________
*(давлат хизматининг тўлиқ номи)*
давлат хизмати кўрсатишнинг рад этилгани тўғрисида хабар қилади.

Қуйидагилар давлат хизмати кўрсатишнинг рад этилгани учун асос ҳисобланади: ____________________________________________________________
*(қонунчиликнинг аниқ нормалари кўрсатилган ҳолда рад этишнинг асосланган сабаблари қисқача ёзилади)*

1.
2.
3.

Қўшимча равишда шуни хабар қиламизки, давлат хизмати кўрсатишнинг рад этилгани учун асос бўлган сабаблар 20___ йил "___" __________гача бўлган муддатда (шу куннинг ўзи ҳам киради) бартараф этилган тақдирда, ариза рад этишнинг сабаблари бартараф этилгани тўғрисидаги ариза ва рад этиш сабабларининг бартараф этилганини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган кундан бошлаб ___ иш кунидан ошмайдиган муддатда такроран кўриб чиқилади.

Ариза такроран кўриб чиқилгани учун тўлов __________________________
______________________________________________________________________
*(___ сўм миқдоридаги тўловнинг ундирилиши ёки ундирилмаслиги кўрсатилади).*

| ________________________ | ________________ | ________________ |
|---|---|---|
| *(масъул шахснинг лавозими)** | *(имзо)** | *(Ф.И.О.)** |

М.Ў.*

| Масъул шахснинг электрон рақамли имзосидан иборат бўлган QR-код |
|---|

Изоҳ:

* Электрон рақамли имзони генерациялашнинг дастурий-техник воситалари ва QR-код мавжуд бўлган тақдирда шахснинг лавозими, имзоси, инициаллари ва ваколатли органнинг муҳри кўрсатилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 14 декабрдаги
358-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари фақат давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматининг**
**НАМУНАВИЙ ПАСПОРТИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

______________________________

давлат хизмати кўрсатадиган ваколатли орган раҳбарининг лавозими

__________ ________________

имзо, муҳр (раҳбарнинг фамилияси, инициаллари)

20__ йил “___” ____________

**“КЕЛИШИЛГАН”**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири

__________ ________________

имзо, муҳр (фамилияси, инициаллари)

20__ йил “___” ____________

**“КЕЛИШИЛГАН”**

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири

__________ ________________

имзо, муҳр (фамилияси, инициаллари)

20__ йил “___” ____________

**“КЕЛИШИЛГАН”**

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси

__________ ________________

имзо, муҳр (фамилияси, инициаллари)

20__ йил “___” ____________

**Тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари фақат ягона марказлар орқали кўрсатиладиган**
**ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ПАСПОРТИ**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Давлат хизматининг номи | ________________________________________<br>________________________________________<br>***Изоҳ:*** *давлат хизмати номи давлат хизматлари, шакллари ва бланкаларининг Ягона реестрига мувофиқ кўрсатилади.* |
| 2. | Давлат хизмати кўрсатадиган давлат органи ва бошқа ташкилотнинг номи (кейинги ўринларда ваколатли орган деб аталади) | Тўлиқ номи: ____________________.<br>Қисқартирилган номи: ______________. |

| | | |
|---|---|---|
| 3. | Давлат хизматидан фойдаланувчилар | □ юридик шахслар;<br>□ жисмоний шахслар;<br>□ бошқалар: ______________________. |
| 4. | Давлат хизмати кўрсатиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқишда қатнашадиган ва/ёки давлат хизмати кўрсатиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларга эга бўлган органлар ва ташкилотларнинг муфассал рўйхати | **Давлат хизмати кўрсатиш жараёнида қуйидагилар қатнашадилар:**<br>1) ______________________;<br>2) ______________________;<br>n) ______________________.<br>**Изоҳ:** *ваколатли орган кўрсатилган органлар ва ташкилотлар билан аризачини жалб этмасдан мустақил равишда ўзаро ҳамкорлик қилади.* |
| 5. | Давлат хизмати олиш учун аризачи томонидан тақдим этиладиган ҳужжатларнинг муфассал рўйхати ва сони | **Аризачи давлат хизмати олиш учун қуйидагиларни тақдим этади:**<br>1) ______________________<br>□ асл нусхаси: ___ (нусхалар сони);<br>□ нусхаси: ___ (нусхалар сони).<br>2) ______________________<br>□ асл нусхаси: ___ (нусхалар сони);<br>□ нусхаси: ___ (нусхалар сони).<br>n) ______________________<br>□ асл нусхаси: ___ (нусхалар сони);<br>□ нусхаси: ___ (нусхалар сони). |
| 6. | Давлат хизмати кўрсатиш учун зарур бўлган, ваколатли орган томонидан аризачининг иштирокисиз мустақил равишда олинадиган ҳужжатлар ва маълумотларнинг батафсил рўйхати ва сони | **Ваколатли орган давлат хизмати кўрсатиш учун қуйидагиларни мустақил равишда олади:**<br>1) ______________________ –<br>□ асл нусхаси: ___ (нусхалар сони);<br>□ нусхаси: ___ (нусхалар сони).<br>2) ______________________ –<br>□ асл нусхаси: ___ (нусхалар сони);<br>□ нусхаси: ___ (нусхалар сони).<br>n) ______________________ –<br>□ асл нусхаси: ___ (нусхалар сони);<br>□ нусхаси: ___ (нусхалар сони).<br>**Изоҳ:** *ваколатли орган кўрсатилган ҳужжатларни ва маълумотларни аризачини жалб этмасдан мустақил равишда ушбу Паспортнинг 4-бандида кўрсатилган органлар ва ташкилотлардан олади.* |
| 7. | Давлат хизмати кўрсатиш шакли | **Давлат хизмати кўрсатишда АКТни қўллаш:**<br>□ Давлат хизмати кўрсатиш тартиби тўғрисидаги ахборотни Интернет орқали олиш. |

| | | |
|---|---|---|
| | | Интернет тармоғидаги манзил: ______________;<br>☐ зарур ҳужжатлар шакллари ва бланкаларини Интернет орқали олиш.<br>Интернет тармоғидаги манзил: ______________;<br>☐ зарур ҳужжатлар шакллари ва бланкаларини Интернет орқали интерактив тўлдириш.<br>Интернет тармоғидаги манзил: ______________;<br>☐ ҳужжатлар шакллари ва бланкаларини интерактив тўлдириш ва уларни Интернет орқали тақдим этиш.<br>Интернет тармоғидаги манзил: ______________;<br>☐ ҳужжатлар шакллари ва бланкаларини интерактив тўлдириш, уларни Интернет орқали тақдим этиш ва натижаларини олиш.<br>Интернет тармоғидаги манзил: ______________. |
| 8. | Давлат хизматининг қиймати ва уни тўлаш тартиби | **Давлат хизмати кўрсатиш учун:**<br>☐ тўлов ундирилмайди;<br>☐ қуйидагилар (давлат божи, йиғим, бошқа тўлов) ундирилади:<br>1) _______ сўм миқдорида давлат божи;<br>2) _______ сўм миқдорида йиғим;<br>3) бошқа тўловлар: _____ сўм миқдорида ______.<br>**Тўлаш тартиби:**<br>☐ ариза бергунгача ёхуд уни бериш вақтида;<br>☐ аризани кўриб чиқиш жараёнида;<br>☐ давлат хизмати кўрсатиш факти бўйича. |
| 9. | Давлат хизмати кўрсатиш муддати | **Давлат хизматлари кўрсатишнинг чекланган муддатлари:**<br>а) ____ иш куни – янгидан берилган аризани кўриб чиқишда;<br>б) ____ иш куни – давлат хизматлари кўрсатиш бўйича илгари берилган рад этиш сабаблари бартараф этилгандан кейин тақдим этилган такрорий аризани кўриб чиқишда. |
| 10. | Давлат хизмати кўрсатиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш якунлари бўйича бериладиган ҳужжатлар номи | **Аризани кўриб чиқиш якунлари бўйича аризачига қуйидагилар берилади:**<br>**а) ижобий ҳал этилганда:**<br>1) ________________________________;<br>2) ________________________________;<br>n) ________________________________.<br>**б) давлат хизмати кўрсатиш рад этилганда:**<br>1) асосланган тарзда рад этиш;<br>2) ________________________________;<br>n) ________________________________. |

<table>
<tr><td>11.</td><td>Давлат хизмати регламенти</td><td>Давлат хизмати кўрсатишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати:
<table>
<tr><th>Т/р</th><th>Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг номи</th><th>Санаси</th><th>Рақами</th></tr>
<tr><td>1.</td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>2.</td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>n.</td><td></td><td></td><td></td></tr>
</table></td></tr>
<tr><td>12.</td><td>Ваколатли органнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) тўғрисида аризачининг мурожаатларини (таклифларини), шикоятларини кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган юқори ёки бошқа органнинг номи</td><td>Аризачининг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган юқори ёки бошқа орган:
<table>
<tr><th>Т/р</th><th>Номи</th><th>Боғланиш телефони</th><th>Жойлашган жойи (почта, электрон манзили)</th></tr>
<tr><td>1.</td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>2.</td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>n.</td><td></td><td></td><td></td></tr>
</table></td></tr>
<tr><td colspan="3">Қўшимча ахборот*</td></tr>
<tr><td>13.</td><td>Кўрсатилган давлат хизматлари сони тўғрисидаги маълумотлар**</td><td>Охирги ҳисобот йилида давлат хизмати кўрсатиш тўғрисида тушган аризалар сони: _____ та.<br>Охирги ҳисобот йилида тушган аризалардан қониқтирилганларининг сони: _____ та.</td></tr>
<tr><td>14.</td><td>Ваколатли органнинг давлат хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги аризаларни қабул қилиш учун масъул бўлган ходимлари тўғрисидаги маълумотлар</td><td>
<table>
<tr><th>Т/р</th><th>Ҳудудлар номи</th><th>Ф.И.О./ лавозими</th><th>Боғланиш маълумотлари (телефони, электрон почтаси рақами)</th></tr>
<tr><td>1.</td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>2.</td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>n.</td><td></td><td></td><td></td></tr>
</table></td></tr>
</table>

Изоҳ:

* Давлат хизмати паспортини келишишда унга илова тарзида алоҳида тақдим этилади ва ваколатли органнинг расмий сайтида, интерактив давлат хизматларининг Ягона порталида, шунингдек “ягона дарча” марказларининг ахборотлар стендида жойлаштирилмайди.

** Давлат хизмати паспортини келишиш билан бир вақтда тақдим этилади.

## 2015 йил 20 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ–391-сонли ҚОНУН

Қонунчилик палатаси томонидан 2015 йил 31 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2015 йил 6 августда маъқулланган

**Ушбу қонуннинг мақсади:**

хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий ҳимоясини;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат қилувчи ва бошқа давлат органлари ходимларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашуви ва тўсқинликлари учун жавобгарликни, шу жумладан жиноий жавобгарликни янада кучайтиришдан иборат.

**Мазкур қонун:**

хусусий мулкни ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтириш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этишга;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний арашиш ва тўсқинлик қилганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг ходимлари жавобгарлигининг муқаррарлигига;

мамлакат иқтисодида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг **10 та** кодексларига ҳамда **33 та** қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖИНОЯТ КОДЕКСИ

(КЎЧИРМА)

# МАХСУС ҚИСМ

## Учинчи бўлим. ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР

## XIII[1] боб. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛИШ, ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА АРАЛАШИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР ҲАМДА ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИГА ТАЖОВУЗ ҚИЛАДИГАН БОШҚА ЖИНОЯТЛАР

### 192[1]-м о д д а. Хусусий мулк ҳуқуқини бузиш

Назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқларини бузиш йўли билан уларга зарар етказиш, яъни мулк ҳуқуқини қонунга хилоф равишда чеклаш ва (ёки) ундан маҳрум этиш, хусусий мулкка тажовуз қилиш, номақбуллиги олдиндан аён бўлган шартларни мулкдорга мажбуран қабул қилдириш, шу жумладан мол-мулкни ёки мулкий ҳуқуқларни топширишни асоссиз равишда талаб қилиш, шунингдек мулкдорнинг мулкини олиб қўйиш ёхуд уни ўз мол-мулкига бўлган ҳуқуқидан воз кечишга мажбурлаш, талон-торож аломатлари мавжуд бўлмаган тақдирда, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### $192^4$-м о д д а. Тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш

Назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан тадбиркорлик субъектларини пул маблағларини ҳамда бошқа моддий қимматликларни ажратиш билан боғлиқ ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

**192⁵-м о д д а. Лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни беришнинг белгиланган тартиби ҳамда муддатларини бузиш, шу жумладан лицензияларнинг ва рухсат бериш тартиб-таомилларининг янги турларини қонунга хилоф равишда жорий этиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**192⁶-м о д д а. Имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилиш**

Тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилиш, шун-

дай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИ

(КЎЧИРМА)

# УМУМИЙ ҚИСМ

## Иккинчи бўлим. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК

## XVI[1] боб. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛГАНЛИК, ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА АРАЛАШГАНЛИК ҲАМДА ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИГА ТАЖОВУЗ ҚИЛАДИГАН БОШҚА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК

### 241[1]-м о д д а. Хусусий мулк ҳуқуқини бузиш

Назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқларини бузиш йўли билан уларга зарар етказиш, яъни мулк ҳуқуқини қонунга хилоф равишда чеклаш ва (ёки) ундан маҳрум қилиш, хусусий мулкка тажовуз қилиш, номақбуллиги олдиндан аён бўлган шартларни мулкдорга мажбуран қабул қилдириш, шу жумладан мол-мулкни ёки мулкий ҳуқуқларни топширишни асоссиз равишда талаб қилиш, шунингдек мулкдорнинг мулкини олиб қўйиш ёхуд уни ўз мол-мулкига бўлган ҳуқуқидан воз кечишга мажбурлаш, оз миқдордаги талонторож аломатлари мавжуд бўлмаган тақдирда, —

энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан олтмиш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**241$^4$-м о д д а. Тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш**

Назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан тадбиркорлик субъектларини пул маблағлари ҳамда бошқа моддий қимматликларни ажратиш билан боғлиқ ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш, –

энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**241$^5$-м о д д а. Лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни беришнинг белгиланган тартиби ҳамда муддатларини бузиш, шу жумладан лицензияларнинг ва рухсат бериш тартиб-таомилларининг янги турларини қонунга хилоф равишда жорий этиш, –

мансабдор шахслар ва хизматчиларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**241$^6$-м о д д а. Имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилиш**

Тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилиш, –

мансабдор шахслар ва хизматчиларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

### $241^{9}$-м о д д а. Давлат хизматлари кўрсатиш тартибини бузиш

Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартиби ва муддатларини бузиш, шу жумладан тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ва муддатларини бузиш, худди шунингдек давлат хизмати кўрсатишни ғайриқонуний равишда рад этиш ёхуд уни кўрсатишдан бўйин товлаш, –

мансабдор шахслар ва хизматчиларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

мансабдор шахслар ва хизматчиларга энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

### $241^{10}$-м о д д а. Тадбиркорлик субъектларидан қонун ҳужжатларини бузган ҳолда ҳужжатлар талаб қилиб олиш

Тадбиркорлик субъектларидан қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган статистика, молия, солиқ ҳисоботини ва бошқа ҳисоботни, шунингдек ўзга ҳужжатларни, шу жумладан банк ҳисобварағини очишда ортиқча ҳужжатларни талаб қилиб олиш, худди шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддатлари ва тартибига зид равишда талаб қилиб олиш, –

мансабдор шахслар ва хизматчиларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

мансабдор шахслар ва хизматчиларга энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги ПҚ–2412-сон қарорига асосан фақат “ягона дарча” марказлари орқали амалга ошириладиган 16 та турдаги давлат хизматларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

## РЎЙХАТИ

| № | Кўрсатиладиган давлат хизматлари номи | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар номи |
|---|---|---|
| 1 | Тадбиркорлик субъектларини муҳандислик-коммуникация тизимига тайёр ҳолда улаш | Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 октябрдаги “Тадбиркорлик субъектларини электр ва газ тармоқларига фойдаланишга тайёр ҳолда улаш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 280-сон қарори;<br>Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 30 октябрдаги “Сув таъминоти ва канализация ташкилотларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 306-сон қарори;<br>Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низом;<br>Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг “Умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоғида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи (рўйхат рақами 1323-сон 15.03.2004 йил) |
| 2 | Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномаси | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартдаги ПҚ–605-сон қарорига билан тасдиқланган Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низом |

| | | |
|---|---|---|
| 3 | Умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоголли маҳсулотларни сотиш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномаси | Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 мартдаги 89-сон қарори билан тасдиқланган Умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоголли маҳсулотларни сотиш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисидаги низом |
| 4 | Бино ва иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни (фасадини таъмирлашни) келишиш | Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 9 мартдаги 70-сонли қарори билан тасдиқланган Бино ва иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни (фасадини таъмирлашни) келишиш тартиби тўғрисидаги низом |
| 5 | Объектни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилишга рухсат бериш | Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 9 мартдаги 70-сонли қарори билан тасдиқланган Объектни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилишга рухсат бериш тартиби тўғрисидаги низом |
| 6 | Қурилиш-монтаж ишларига рухсат бериш | Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш тартиботларини ва қурилиш учун рухсатномалар олиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 285-сон қарори |
| 7 | Кўчма савдони амалга оширишга рухсат бериш | Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 20 декабрдаги “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги ЎРҚ–341-сон Қонуни;<br>Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон қарори билан тасдиқланган Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом |
| 8 | Ташқи рекламаларни жойлаштиришга рухсат бериш | Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрдаги “Реклама тўғрисида”ги 723–I-сон Қонуни;<br>Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 20 декабрдаги “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги ЎРҚ–341-сон Қонуни; |

| | | |
|---|---|---|
| | | Ўзбекистон Республикаси Рақобат қўмитасининг 2001 йил 26 мартдаги “Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 4-сон қарори (рўйхат рақами 1323-сон 15.03.2004 йил). |
| 9 | Турар жойларни нотурар жой тоифасига ўтказишга рухсат бериш | Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 9 мартдаги 70-сонли қарори билан тасдиқланган Турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказишга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низом. |
| 10 | Ер ости бойликлари участкасидан фойдаланишда бузилган ерлар қайта тиклангнлигини тасдиқлаш хулосаси | Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 20 декабрдаги “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги ЎРҚ–341-сон Қонуни;<br>Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 9 ноябрдаги 232-сон қарори билан тасдиқланган Саноат учун аҳамиятини йўқотган ёки кейинчалик ўтказилган геология-қидирув ишларида ёхуд конни ишга солишда тасдиқланмаган фойдали қазилма захираларини ер ости бойликларидан фойдаланувчининг ҳисобидан чиқариш тартиби тўғрисидаги низом |
| 11 | Ўрмон фондига кирмайдиган дарахт ва буталарни кесишга рухсат бериш | Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги 290-сон қарори билан тасдиқланган Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низом |
| 12 | Махсус сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмолига рухсат бериш | Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 июндаги 171-сон қарори билан тасдиқланган Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низом |
| 13 | Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланишга рухсат бериш | Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги 290-сон қарори билан тасдиқланган Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низом |

| | | |
|---|---|---|
| 14 | Юридик шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш | Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом |
| 15 | Юридик шахсларнинг бинолар ва иншоотларга (шу жумладан, ер ости иншоотларига) бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш | Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом |
| 16 | Юридик шахсларнинг ипотека ҳамда бинолар ва иншоотлар ва ер участкаларига бўлган ашёвий ҳуқуқлар ипотекаси тўғрисидаги шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш | Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом |

## Давлат хизматлари кўрсатишда қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига Махсус хабар юбориш тартиби

“Ягона дарча” марказига тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳозир бўлиш тартибида ёки почта алоқаси орқали олинган ариза “ягона дарча” маркази ходими томонидан сканерланиб, унга электрон рақамли имзо қўйилади ва ариза олинган куни идоралараро электрон тарздаги ҳамкорлик тизими орқали тегишли ваколатли органларга юборади.

Агар ваколатли органлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг аризаларини кўриб чиқиш жараёнида:

**Ариза асоссиз равишда рад этиш бўйича:**

давлат хизмати кўрсатиш натижасини ёки давлат хизмати кўрсатишнинг асосли равишда рад этилганлигини белгиланган тартибда қоғозли манбада расмийлаштирмаганда;

давлат хизмати кўрсатиш натижаси ёки давлат хизмати кўрсатишни рад этишнинг асосли сабаблари аниқ кўрсатилмаганда.

**Аризани кўриб чиқишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ва (ёки) давлат хизматлари паспортида белгиланган муддатларни бузиш бўйича:**

давлат хизмати паспортида назарда тутилган муддатларда кўриб чиқмаслик;

аризани кўриб чиқиш муддатини ўтказган ҳолда ҳал этганлик;

давлат хизмати кўрсатиш натижалари бўйича ёки унинг асосланган рад этилишини электрон тарзда “ягода дарча” марказига ёхуд Ягона портал орқали мурожаат қилинган тақдирда аризачига юбормаслик; *(Ахборот айирбошлашда техник носозликлар вужудга келган ҳолатлар бундан мустасно)*

Мазкур ҳолатлар аниқланган тақдирда “ягона дарча” маркази директори қонун бузилиши аниқланган кундан кечиктирмасдан иловада келтирилган намунавий Махсус хабар асосида Адлия вазирлигининг (0 371) 233-75-97 факс рақамига ёки вазирликнинг info@minjust.gov.uz электрон почта манзилига тақдим этилади.

Махсус хабардаги маълумотларнинг тўғрилиги ва ишончлигига “ягона дарча” маркази директори масъул ҳисобланади.

**НАМУНА**

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлигига Махсус
хабар юбориш тартибига
илова

**“Ягона дарча” маркази номи ёзилган бланка ўрни**

20___ йил “___” _________ **Ўзбекистон Республикаси**
_________-сон **Адлия вазирлиги**

## МАХСУС ХАБАР

__________ туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили асосида давлат хизматларини кўрсатувчи Ягона маркази томонидан Махсус хабар орқали қуйидагиларни маълум қилади.

__________ тумани (шаҳар)даги “__________” корхонаси раҳбари __________ нинг 20___ йил _________да __________ туман (шаҳар) “ягона дарча” марказига қурилиш-монтаж ишларига рухсат беришни сўраб ариза билан мурожаат этган.

Мазкур ариза шу куннинг ўзида, яъни 20___ йил _________да давлат хизмати паспортида кўрсатилган тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш давлат қўмитасининг давлат архитектура-қурилиш назорати ________ инспекциясига электрон ҳамкорлик тизими орқали юборилган.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш давлат қўмитасининг давлат архитектура-қурилиш назорати ________ инспекцияси томонидан “ягона дарча” маркази орқали юборилган ариза ва тегишли ҳужжатларни _____ кунлик муддат давомида кўриб чиқиши белгиланган бўлса-да, инспекция томонидан ____ кун муддат ўтгандан сўнг, яъни 20___ йил _________га қадар кўриб чиқилмаган ёки ушбу ариза қонун ҳужжатларига мувофиқ эмаслиги ҳақида ассосли равишда рад жавоби берилганлиги ҳақида “ягона дарча” марказига маълум қилинмаган.

Юқоридагиларга асосан Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш давлат қўмитасининг давлат архитектура-қурилиш назорати __________ инспекцияси томонидан йўл қўйилган қонун бузилиши ҳолатларига қонуний баҳо бериш учун юборилмоқда.

Илова: ____ варақда.

**__________________ туман (шаҳар) “Ягона дарча” маркази директори** имзо/муҳр **Ф.И.О.**

## “Ягона дарча” марказлари фаолиятини мустаҳкамлаш юзасидан белгиланган тартибда таклифлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва киритиш ТАРТИБИ

Марказ томонидан соҳага оид қонун ҳужжатлари ҳамда ҳуқуқий янгиликлар мунтазам равишда ўрганиб борилади.

Кўрсатилаётган давлат хизматлари, турли ташкилот ва идоралардан олинган маълумотларнинг чуқур таҳлили натижаси ҳамда жойларда мавжуд муаммолардан келиб чиқиб, “Ягона дарча” марказлари фаолиятини мустаҳкамлаш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорликни янада ривожлантириш бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки янги қонун ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича марказ томонидан вазирликнинг Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармасига асослантирилган таклифлар тақдим этиб борилиши керак.

Таклифларни ишлаб чиқишда:

амалиётда муаммо мавжуд бўлган соҳага оид қонун ҳужжатлари инвентаризация қилинади;

таклифни тўлиқ асослантириш учун турли идора ва ташкилотлардан маълумотлар олиниб, аниқ мисоллар тайёрланади;

зарур ҳолларда таклифларни ишлаб чиқишда манфаатдор идора ва ташкилотларнинг вакиллари жалб қилинади;

ривожланган хорижий мамлакатларнинг ушбу соҳадаги ижобий тажрибаси ўрганилади.

## “Ягона дарча” марказлари фаолиятини мустаҳкамлаш ва давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида тарғибот тадбирларини олиб бориш ТАРТИБИ

Марказ томонидан бир йилга мўлжаллаб амалга ошириладиган ҳуқуқий тарғибот тадбирларининг режаси ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда “ягона дарча” маркази директори томонидан тасдиқланади.

Ушбу режага ўтказиладиган давра-суҳбатлари, ўқув семинарлари, учрашувлар, оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио, газета, журнал ва бошқалар) орқали қилинадиган чиқишлар ва бошқа тадбирлар киритилади.

Марказ томонидан мазкур режадан ташқари, қўшимча ҳуқуқий тарғибот тадбирлар ўтказилиши мумкин.

## “Ягона дарча” марказлари ҳамда давлат хизматларини кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича ТАЛАБЛАР

## 1. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

“Ягона дарча” принципи асосида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш бўйича ягона марказлар (кейинги ўринларда – “Ягона дарча” марказлари) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги “Ягона дарча” принципи асосида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги ПҚ–2412-сон Қарорига мувофиқ ташкил этилган.

“Ягона дарча” марказларининг асосий вазифалари – давлат хизматларини “Ягона дарча” принциплари асосида кўрсатиш, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, рухсат бериш ва лицензиялаш жараёнларида шаффофликни таъминлаш, бюрократик тўсиқларга йўл қўймасдан давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан уларга хизмат кўрсатишда яқин ҳамкорликни ўрнатиш.

Ушбу “Ягона дарча” марказлари ҳамда давлат хизматларини кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича талаблар” давлат хизматларини кўрсатиш бўйича “Ягона дарча” марказлари ахборот тизимларининг фаолиятини ташкил этиш йўналишлари ҳамда давлат ва хўжалик бошқарув органлари, давлат маҳаллий ҳокимлик органларига давлат хизматларини кўрсатишда улар билан электрон ҳамкорликни таъминлашда зарур бўлган хавфсизлик воситалари ва алоқа каналларини белгилайди.

## 2. АТАМА ВА ТАЪРИФЛАР

ДТ – дастурий таъминот
ЛҲТ – локал ҳисоблаш тармоғи

УТМ – узлуксиз таъминот манбаси
ШК – шахсий компьютер
АХ – ахборот хавфсизлиги
ЭРИ – электрон рақамли имзо

## 3. ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ЖОЙИГА ТАЛАБЛАР

Давлат хизматларини кўрсатиш жойи “Ягона дарча” марказлари ходимлари томонидан мурожаат қилувчиларга хизматлар кўрсатиш ва маълумотлар тақдим қилиш ҳамда турли электрон шакллар тўлдириш ва уларга кейинчалик ишлов бериш мақсадида фойдаланиш учун мўлжалланган.

Ходимлар қуйидагиларга мажбурдирлар:

ШКлардан ахборот хавфсизлиги талабларига риоя қилган ҳолда фақат хизмат мақсадларида фойдаланишга;

компьютер ва қўшимча ускуналарда носозликлар пайдо бўлганида марказнинг ахборот-коммуникация технологиялари бўлинмасини ўз вақтида хабардор қилиш;

конфиденциал ва бошқа фойдаланилиши чекланган маълумотлар муҳофазасини қуйидаги чоралар орқали таъминлаш:

иш жойида бўлмаган пайтда ШКни ёқилган ҳолда қолдирмаслик ёки унга киришда парол ва шу каби хавфсизлик чораларини қўллаш;

юқори ва қуйи регистр ва рақамларни ишлатган ҳолда камида 8 белгидан иборат бўлган пароллардан фойдаланиш;

паролларни киритаётганда бегона шахслар кузатмаётганлигига ишонч ҳосил қилиш;

тармоқлараро маълумотлар алмашилаётганда ЭРИлардан фойдаланиш, ЭРИдан бегона шахслар фойдаланиш имкониятининг олдини олиш чораларига риоя қилиш.

Марказ ходимларига:

ШК ва марказнинг бошқа ускуналарини шахсий ва бошқа мақсадларда фойдаланиш;

мустақил равишда ШКнинг бутловчи ва қўшимча қисмларини алмаштириш, ДТларни ўрнатиш ва ўчириш ҳамда конфигурациялар ва тармоқ созламаларига ўзгаришлар киритиш;

марказда ишлов бериладиган маълумотларни ҳисобга олинмаган хотира ташувчиларга нусхалаш тақиқланади.

## 4. ЎЗИГА ЎЗИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЖОЙИГА ТАЛАБЛАР

Ўзига ўзи хизмат кўрсатиш жойи марказга ташриф буюрувчилар марказнинг ходимларига бевосита мурожаат қилмасдан зарур маълумотларни олишлари ҳамда зарурат юзасидан ва марказ ходимларининг талабаларига асосан тегишли электрон шакл ҳамда анкеталарни тўлдиришлари учун мўлжалланган.

Ўзига ўзи хизмат кўрсатиш жойида ШКда иш бошлашдан олдин фойдаланувчилар ахборот хавфсизлигини таъминлаш қоидалари ва талаблари билан танишишлари лозим.

Фойдаланувчилар қуйидагиларга мажбурдирлар:

ШК билан ишлаш қоидалари билан танишишлари, ШК ва қўшимча ускуналарни эҳтиёткорона ишлатишлари, улардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилишлари;

ШК ва қўшимча ускуналарнинг бузилиш ҳолатлари ҳамда уларга ўрнатилган ДТлардаги камчиликлар ҳақида ўз вақтида хабар бериш;

хотира ташувчилардан фақатгина зарарли файлларга ва вирусларга қарши текширувдан ўтганидан кейин фойдаланиш (антивирусдан ўтказгандан сўнг);

ШКдан фақатгина “Ягона дарча” марказлари ходимларига тақдим қилиш учун зарур маълумот ва ахборотларни олиш мақсадида фойдаланиш.

Фойдаланувчиларга қуйидагилар тақиқланади:

ШК ва унинг бутловчи қисмларини қисмларга ажратиш. ШК ва қўшимча қисмларининг кабеллари ва симларини улаш ва чиқариш;

компьютердаги тармоқ ва бошқа созламаларни ўрнатиш, ўчириш, деактивация қилиш ва ўзгартириш;

ШКнинг ишини авария ҳолатида “Reset” тугмаси орқали ёки электр тармоқдан узган ҳолда ўчириш;

ШК ва унинг қўшимча ускуналарига жисмоний, термал ва бошқа турдаги таъсир ўтказиш;

ноқонуний кириш, паролларни бузиш, ШКлар ва ЛҲТ фаолиятини бузишга мўлжалланган ДТлардан ва компьютер вирусларидан фойдаланиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тақиқланган ҳамда давлат хизматларини олишга дахлдор бўлмаган маълумотлар билан алмашиш;

тармоқ ускуналарига жисмонан зарар етказиш;

ШКни кўнгилочар ва бошқа мақсадларда ишлатиш.

Ушбу талаблар “Ягона дарча” маркази ўзига ўзи хизмат кўрсатиш жойининг кўзга кўринган ерига жойлаштирилиб, ташриф буюрувчилар, шу жумладан “Ягона дарча” маркази ходимлари танишишлари учун қулай бўлиши зарур.

“Ягона дарча” маркази фойдаланувчилари ШКларга фақат мустақил равишда ШКга ДТ ва тармоқ созламаларини ўрнатиш, ўчириш ва ўзгартиришга чеклов қўядиган шахсий қайднома орқали киришлари зарур.

## 5. МАЪМУРИЙ БОШҚАРУВГА ТАЛАБЛАР

“Ягона дарча” марказининг иши доирасида фойдаланилаётган дастурий-аппарат воситаларининг маъмурий бошқарувини ушбу воситаларни фаолияти ва уларни ҳимоялаш бўйича ташкилий ва технологик чораларни амалга ошириш учун масъул бўлган ахборот-коммуникация технологиялари бўлинмаси ходимлари томонидан амалга оширилиши зарур.

“Ягона дарча” марказининг иши доирасида ишлов бериладиган маълумотларга ноқонуний киришдан ҳимоялашни таъминлаш учун тизимнинг дастурий-аппарат воситаларига кириш, ўзгартириш ва созламаларни созлаш

ҳуқуқлари ва имкониятлари фарқ қилинадиган фойдаланувчиларнинг бир нечта гуруҳини ташкил қилиш лозим: фойдаланувчилар (мурожаатчилар) гуруҳи, ходимлар гуруҳи ва маъмурий бошқарувчилар гуруҳи.

"Ягона дарча" марказининг иши доирасида ишлов бериладиган маълумотларни ҳимоялаш мақсадида ўзига ўзи хизмат кўрсатиш, давлат хизматларини кўрсатиш ва серверлар турган жойларнинг барча компьютер ва сервер станцияларини ўз вақтида янгиланиш ҳамда зарарли контентни аниқлашга имкон берувчи вирусга қарши ДТ билан таъминлаш. "Ягона дарча" марказининг ишлаши учун фойдаланилаётган дастурий маҳсулотларга асосий талаб – кўнгилочар ва марказнинг функциялари ҳамда вазифаларига тегишли бўлмаган бошқа контент ва дастурлар бўлмаслиги.

ШК ва ДТларнинг конфигурацион ва бошқа созламалари эҳтимолий зарарли контентни аниқлаш мақсадида уларга уланган хотира ташувчи мосламаларни сканерлашга мўлжалланган бўлиши керак.

Марказ мулкига виждонсиз муносабатда бўлишнинг олдини олиш мақсадида компьютер тармоқларини ва бошқа ускуналарини пломбалаш тартиби жорий қилиниши лозим.

Ахборот-коммуникация технологиялари бўлими ходимларига бошқарув масалаларига оид талаблар:

- компьютер, тармоқ ва бошқа қурилмаларнинг узлуксиз ҳамда самарали ишлашини таъминлаш;
- компьютер, тармоқ ва бошқа қурилмаларда ишлаш жараёнида носозликларни бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш учун чора-тадбирларни амалга ошириш;
- ахборот хавфсизлиги таъминланганлиги даражасини оширишда иштирок этиш;
- ахборот хавфсизлигида мавжуд заифликлар ва таҳдидларни аниқлаш, уларнинг оқибатларини бартараф этиш ва тугатиш;
- компьютер, тармоқ ва бошқа қурилмаларнинг рухсатсиз фойдаланиш ҳолатлари, шунингдек, ахборот хавфсизлиги бўйича барча ҳодисалар ва воқеалар бўйича жавоб чораларини кўриш;

- ўрнатилган ДТларни, шу жумладан, антивирус ДТларни, таҳдид ва вирус сигнатураларини, паролли ҳимоя ва лицензия калитининг амал қилишини ўз вақтида янгилаш, компьютер, тармоқ ва бошқа қурилмаларда шикастланган қисмларни ўз вақтида алмаштириш;

- компьютер, тармоқ ва бошқа ускуналар тизимлари учун назорат ва тест синовларида иштирок этиш;

- янги дастурий воситаларни жорий қилишда иштирок этиш;

- компьютер, тармоқ ва бошқа ускуналарнинг пароль ва антивирус билан ҳимояланганлик даражасини аниқлаш;

- пароль ва антивирус ҳимояси даражасини такомиллаштириш учун таклифлар киритиш;

- марказ функционал вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган компьютер ДТларни ўрнатиш, фойдаланиш, сақлаш ва кўпайишига йўл қўймаслик;

- ахборот хавфсизлиги ҳолати, компьютер, тармоқ ва бошқа ускуналар ишлашида содир бўлган фавқулодда вазиятлар ва белгиланган талабларнинг бузилиши ҳолатлари юзасидан раҳбариятга даврий ҳисобот бериш.

## 6. СЕРВЕР МАЙДОНИГА БЎЛГАН ТАЛАБЛАР

Сервер майдони сервер ускунасининг узлуксиз ва самарали ишлашини таъминлайдиган сервер жавони ва “Ягона дарча” маркази серверини жойлаштириш учун мўлжалланган.

Сервер жавони ва серliving электр таъминоти узлуксиз электр таъминоти ускуналари ёрдамида амалга оширилиши лозим.

Сервер майдонига жисмоний шахслар киришини чеклаш мақсадида сервер жавон, сервер ҳамда сервер майдонининг узлуксиз ва самарали ишлашини таъминлайдиган бошқа ускуналар алоҳида хонага жойлаштирилган бўлиши керак ёки “Ягона дарча” маркази майдонидан алоҳида ажратилган ҳолда бўлиши керак.

Телекоммуникация тармоғига сервер ускуналарини улаш аппарат ва ДТ даражасида тармоқлараро экрандан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Сервер майдони унга кириш-чиқиш, ўрнатилган созламаларни ўзгартиришга қаратилган, шунингдек, сервер аппарат билан боғлиқ бошқа ҳаракатларни ўзида акс эттирадиган ташриф журнали билан таъминланган бўлиши керак.

Сервер лицензияга эга антивирус ДТ билан жиҳозланган бўлиши керак, ходимлар ва фойдаланувчиларнинг трафик назоратини амалга ошириш учун трафикни ҳисоблаш имконини берувчи тармоқлараро экрандан фойдаланиш талаб қилинади.

Марказ сервер ускуналари ишининг қайта тикланишини таъминлаш учун ташқи қаттиқ дискларда қайта ишланадиган барча маълумотларнинг даврий тартибда захирага олиниб турилишини таъминлаш керак.

## 7. ТАРМОҚ РЕСУРСЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ УЧУН ТАЛАБЛАР

Маълумот алмашиш мақсадида "Ягона дарча" маркази ва давлат органлари ва хизмат кўрсатувчи бошқа давлат ташкилотлари, ходимлар ва марказга ташриф буюрувчилар TAS-IXга фақат VPN-тармоқлар орқали TAS-IX ресурс зонасига кириш имконисиз интернет браузерлари орқали уланиши мумкин. Ахборот хавфсизлиги талабларига ва ЭРИдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ идоралараро ўзаро электрон ҳамкорлик, интерактив давлат хизматлари ягона порталидан фойдаланиш тизими билан таъминлаш.

Тармоқ ресурсларидан нотўғри фойдаланишнинг олдини олиш учун "Ягона дарча" марказида барча портлар, ДТ аппаратлари чеклаб қўйилиши лозим.

TAS-IX тармоқ ресурслари билан ишлаганда қуйидагилар тақиқланади:

- хизмат юзасидан ходимга маълум бўлган фойдаланилиши чекланган ахборотни ошкор қилиш;

- муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган ҳар қандай патентга таъсир қиладиган материаллар, савдо белгиси, тижорат сири, муаллифлик ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ

ва/ёки учинчи тараф турдош ҳуқуқлари билан боғлиқ материалларни тарқатиш;

- ҳар қандай компьютер ёки телекоммуникация ускуналари ва ДТ чеклаш учун мўлжалланган вирус ёки бошқа ҳар қандай компьютер коди, файллар ёки дастурларни ичига олган материалларни чоп этиш, юклаб олиш ва тарқатиш, фойдаланувчи номлари, пароллар ва рухсатсиз кириш учун бошқа воситалардан фойдаланган ҳолда Интернетнинг пулли ресурсларига рухсатсиз кириш, юқоридаги маълумотларга ҳаволалар жойлаштириш.

## 8. ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТАДИГАН ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА БОШҚА ТАШКИЛОТЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБЛАР:

Давлат органлари "Ягона дарча" маркази билан ишлаш учун TAS-IX тармоғига уланган компьютер ва "Ягона дарча" марказлари сўровлари билан ишлаш имкониятини таъминлайдиган ДТ билан жиҳозланган иш жойи билан таъминланиши керак.

Ахборот хавфсизлиги талабларини бажаришни таъминлаш мақсадида қуйидагилар зарур:

ШКларни антивирус ДТ билан таъминлаш;

юқори ва пастки регистр ҳарфлари ва рақамлар ёрдамида камида 8 та белгидан иборат паролдан фойдаланиш;

VPNдан фойдаланиб TAS-IX тармоғига уланиш.

"Ягона дарча" марказларидан олинган маълумотлар билан ишлашда қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

- хизмат зарурияти билан ходимга маълум бўлган фойдаланилиши чекланган ахборотни ошкор қилиш;

- муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган ҳар қандай патентга таъсир қиладиган материаллар, савдо белгиси, тижорат сири, муаллифлик ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ ва/ёки учинчи тараф турдош ҳуқуқлари билан боғлиқ материалларни тарқатиш;

- ҳар қандай компьютер ёки телекоммуникация ускуналари ва ДТ чеклаш учун мўлжалланган вирус ёки бошқа ҳар қандай компьютер коди, файллар ёки дастурларни ўз

ичига олган материалларни чоп этиш, юклаб олиш ва тарқатиш, фойдаланувчи номлари, пароллар ва рухсатсиз кириш учун бошқа воситалардан фойдаланган ҳолда Интернетнинг пулли ресурсларига рухсатсиз кириш, юқоридаги маълумотларга ҳаволалар жойлаштириш.

## 9. ИНШООТЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБЛАР:

"Ягона дарча" марказлари фаолияти учун зарур бўлган ва сервер, тармоқ ва бошқа ускуналар жойлаштирилиши назарда тутилган иншоотлар учун бўлган талаблар қуйидаги тамойилларга асосланади:

ускуналарнинг ишончлилиги;

инфратузилманинг ривожланиб бориши;

ишлаш тезлиги ва маълумотлар узатиш тезлигининг эҳтиёжга мослиги;

маълумотлар хавфсизлиги.

Иншоотлар ва уларнинг таркибидаги инфратузилма қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- об-ҳаво шароитларидан қатъи назар доимий иш фаолияти таъминланиши (суткасига 24 соат, йилига 365 кун);
- иншоот ичидаги белгиланган ҳарорат характеристикаси ва намлик даражасининг доимий сақланиши;
- бинони шамоллатиш ва ускуналарни совутиш;
- ускуналарнинг ишлаш қобилиятини фавқулодда вазиятларда кўпи билан 6 соат ичида қайта тиклаш.

Иншоотлар телевидение ва бошқа инженерлик коммуникацияларни ўрнатиш учун шарт-шароитлар билан таъминланиши керак. Иншоотларни қоплама қилиш ва безаш учун енгил материаллар ва соддалиги ҳамда ўрнатилиши қулайлиги, ёнғин хавфсизлиги, қаршилик, чидамлилик ва ишончлилиги каби хусусиятлари бўлган элементлардан фойдаланилиши лозим.

Иншоот ичида ўрнатилган ускуналар барқарор ишлаши учун зарур бўлган доимий ҳарорат сақлаб турилиши керак.

Ҳаво алмаштириш ва шамоллатиш тизими иншоотдаги ҳароратни 1 даража аниқликда, шунингдек намлик даражасини 2 фоиз аниқликда сақлаб турилишини таъминлаши лозим.

Иншоот механик ва термик таъсирга қарши ҳимояланган кабель линиялари билан таъминланган электр, электр таъминоти тизимлари ва диспетчерлик ва кузатув назорати билан жиҳозланган бўлиши керак.

Электр таъминоти узоқ вақт бўлмаган тақдирда носозликлар, маълумотлар йўқотилиши ва қайта ишлаш жараёнида узилишлар бўлишининг олдини олиш мақсадида марказнинг компьютер, тармоқ ва бошқа ускуналари тармоқдан узилишидан олдин маълумотларни сақлаш имконини берадиган узлуксиз қувват манбаи техник параметрлари кўзда тутилган бўлиши керак.

Иншоотлар ёнғин хавфсизлигининг сигнал сенсори ишга тушгандан сўнг уларни кўпи билан 1 дақиқада автоматик равишда ишлатиш мумкин бўладиган, ёнғин ўчириш ускуналари билан жиҳозланган бўлиши керак.

“Ягона дарча” марказлари фаолиятига рухсат берилмаган ноқонуний аралашишларнинг олдини олиш мақсадида иншоот ва хоналарга кириш-чиқишни чекловчи тизимлар, видеокузатув ва шахсий комьютерлар ва ёрдамчи ускуналарга кириш имкониятини назорат қилиш тизимлари ўрнатилиши лозим.

## 10. ТАЛАБЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИ БЎЙИЧА ЖАВОБГАРЛИК

“Ягона дарча” маркази ходимлари ва раҳбари мазкур талабларга амал қилиш юзасидан шахсан жавобгар ҳисобланадилар. Марказ раҳбари ушбу талабларни амалга ошириш бўйича ишлар ҳолатини мониторинг қилишни ташкил этади.

## “Ягона дарча” марказининг ўзига ўзи хизмат кўрсатиш ҳудудида ускуналардан фойдаланувчи – ташриф буюрувчиларга оид ЭСЛАТМА

**Белгиланган қоидалар ва талаблар билан диққат билан танишиб чиқинг!**

Фойдаланувчилар қуйидагиларга мажбур:

компьютер билан ишлаш, компьютер ва ташқи қурилмаларига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш қоидалари билан танишиб чиқиш;

компьютер ва ташқи қурилмаларда аниқланган бузилишлар ҳамда ўрнатилган ДТда ишлаш жараёнидаги камчиликлар тўғрисида хабар бериш;

ахборот ташувчи воситаларни зарарли ва вирусли таркибларнинг мавжудлигини текширилгандан кейингина ишлатиш;

компьютердан фақатгина “Ягона дарча” маркази ходимларига зарур маълумотларни бериш учун ахборот ва маълумотлар олиш мақсадида фойдаланиш.

Фойдаланувчиларга қуйидагилар тақиқланади:

компьютер ва унинг қисмларини бўлакларга ажратиш. Компьютер ва ташқи қурилмаларга кабель ва симларни ўрнатиш ва чиқариб олиш;

компьютер, тармоқ ва бошқа компьютер созламаларини ўрнатиш, ўчириш, фаолсизлантириш ва ўзгартириш;

компьютер ишини “Reset” ёки электр таъминотидан ўчириш орқали тугатиш;

компьютер ва унинг ташқи мосламаларини жисмоний, иссиқлик ва бошқа таъсирларга қолдириш;

рухсатсиз киришлар, паролларни бузиш, ШКлар ва локал ҳисоблаш тармоқларининг иш фаолиятини бузадиган ДТдан фойдаланиш ва компьютер вирусларини қўллаш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тақиқланган ҳамда давлат хизматларига тааллуқли бўлмаган маълумотлар билан алмашиш;

тармоқ ускуналарига жисмонан шикаст етказиш;

ШКлардан ўйин ва бошқа шахсий мақсадларда фойдаланиш.

Ушбу талаблар “Ягона дарча” маркази ўзига ўзи хизмат кўрсатиш ҳудудида барча ташриф буюрувчилар ва ходимларга кўзга кўринарли қилиб жойлаштирилган бўлиши лозим.

“Ягона дарча” фойдаланувчиларига ШКларга кириш имконияти ДТни ўрнатиш, ўзгартириш, ўчириш бўйича ҳаракатларни чеклайдиган шахсий қайднома асосида берилиши лозим.

Қайд этилган қоида ва талабларни бузганлик учун ўрнатилган тартибда жавобгарлик белгиланади.

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**
Ўзбекистон Республикаси
адлия вазири ўринбосари

______________ А. Усманов
“15” январь 2016 й.

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**
Ўзбекистон Республикаси
Савдо-саноат палатаси
раиси
______________ А. Шайхов
“15” январь 2016 й.

## ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА “ЯГОНА ДАРЧА” ТАМОЙИЛИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ ЯГОНА МАРКАЗИ

# ДИРЕКТОРИНИНГ НАМУНАВИЙ МАНСАБ ЙЎРИҚНОМАСИ

Й – 2016

Тошкент ш.

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Ҳоким ______________________

туман (шаҳар) номи

______________________________

(имзо, муҳр) (Ф.И.О.)

“___” __________ 20___ й.

# МАНСАБ ЙЎРИҚНОМАСИ

_________________________________________

____________ туман (шаҳар) ҳокимияти ҳузуридаги

(тўлиқ номи)

Тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона маркази директорининг мансаб йўриқномаси

_________________________________________

“___” _________ 20___ й. №____ Ҳокимият буйруғи асосида

(сана) (ой) сўзлар билан (йил) (номер)

Амал қилиш муддати _________й. дан ________й. гача

(сана) (сана)

белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 14 декабрдаги 358-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 28 сентябрдаги ПҚ–2412-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарорига мувофиқ мазкур мансаб йўриқномаси _________________ туман (шаҳар) ҳокимияти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларига (тўлиқ номи) “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона маркази директорининг (кейинги ўринларда – Директор деб юритилади) вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, шахсий жавобгарлигини белгилаб беради.

## I. Умумий қоидалар

1.1. Директор бошқарув ходимлари категориясига мансуб бўлиб, ________________________ билан,
(тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари кўрсатилади)
шунингдек, Ўзбекистон Республикаси адлия вазири билан келишган ҳолда, ________________________
туман (шаҳар) ҳокими томонидан лавозимига (тўлиқ номи) тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган раҳбар ҳисобланади.

1.2. Директор тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказини (кейинги ўринларда – "ягона дарча" маркази деб юритилади) бошқаради ва "ягона дарча" маркази фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади.

1.3. Қуйидагиларга эга бўлган шахслар Директор лавозимига тайинланади:

қуйидаги соҳалардан бирида олий маълумотга эга бўлиш: юридик, иқтисодий, молия-иқтисодий, математик ёхуд ахборот технологиялари соҳаларида;

тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатишни амалга оширувчи ёки иқтисодий, молиявий ва юридик соҳаларда фаолиятни амалга оширувчи, ахборот технологиялари соҳасида ёхуд давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида юқоридаги йўналишлар бўйича ишловчи ташкилотларда камида уч йиллик иш стажига эга бўлиш.

1.4. Директор ўз фаолиятида давлат ва хўжалик бошқарув органларидан мустақил бўлиб, бевосита Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси бошлиғига, шунингдек, ________________ туман (шаҳар) ҳокимига
(тўлиқ номи)
бўйсунади.

1.5. Директор ўз фаолиятида:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари,

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишларига;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шу жумладан, "ягона дарча" маркази фаолияти тартибини белгиловчи давлат хизматлари паспортларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги ПҚ–2412-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари фақат "ягона дарча" тамойили бўйича ягона марказлар орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатига (кейинги ўринларда – Рўйхат деб юритилади) киритилган давлат хизматлари кўрсатиш тартибига;

услубий материалларга, шу жумладан, ўзи бевосита мурожаат қилувчи тадбиркорлик субъектларини қабул қилиш, телефон хизмати кўрсатиш, Рўйхатга киритилган, давлат хизматларини кўрсатиш масалалари бўйича ваколатли органлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича йўриқномаларга;

меҳнат тартиби қоидаларига;

мазкур мансаб йўриқномасига амал қилади.

1.6. Директор қуйидагиларни билиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишларини;

"ягона дарча" маркази фаолияти тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек Рўйхатга киритилган давлат хизматлари кўрсатиш тартибининг умумий қоидаларини;

асосий вазифа ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, "ягона дарча" маркази фаолиятини ташкил қилиш ва тартибини сақлашни, иш тартиби ва структурасини, шунингдек, "ягона дарча" маркази номи ёзилган думалоқ муҳр, штамп ва бланкаларни сақлаш, фойдаланиш тартибини;

“ягона дарча” маркази орқали давлат хизматлари кўрсатиш тартибининг умумий қоидаларини, шу жумладан, аризачининг давлат хизматлари кўрсатишнинг рад этилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишни;

жавобгарлик чораларини, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатишнинг, шунингдек, лицензия ва бошқа рухсат бериш характеридаги ҳужжатларни беришнинг қонунда белгиланган тартиб ва муддатларини бузиш билан боғлиқ маъмурий, жиноий жавобгарлик чораларини, давлат хизматлари кўрсатиш вақтидаги ахборот хавфсизлигининг асосий талабларини;

интернет тармоғи (Ўзбекистон Республикаси Интерактив давлат хизматлари ягона портали – www.my.gov.uz, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – www.lex.uz), дастурий маҳсулотлар (“E-ijro”, “Аризачилар билан ўзаро муносабатларни бошқариш маълумотлар тизими”, “Microsoft Word”, “Excel”, “PowerPoint”, “Adobe Acrobat”, “WinRaR”), ташкилий техника (сканер, принтер, факс, нусха кўчирувчи аппарат) билан ишлаш ва шахсий компьютерда ишлаш қоидаларига амал қилишни;

меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик, санитария ва ёнғин хавфсизлиги нормалари ва қоидаларини билиши лозим.

1.7. Директор бўлмаган пайтда (хизмат сафарида бўлган, меҳнат таътили, касал бўлган ва бошқа пайтда) унинг лавозим мажбуриятларини сифатли, самарали ва ўз вақтида бажариш учун тўлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олувчи, белгиланган тартибда тайинланадиган, “ягона дарча” марказининг давлат рўйхатидан ўтказиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш бўлим (сектор) бошлиғи амалга оширади.

## II. Директорнинг вазифалари

2.1. Директор қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этади:

“ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатишни таъминлаш;

тадбиркорлик субъектлари томонидан рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензия тартиботларидан ўтишда шаффофликни таъминлаш;

давлат органлари ва давлат хизматлари кўрсатадиган бошқа ташкилотлар (кейинги ўринларда ваколатли органлар деб аталади) билан мустаҳкам ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш, тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатишда бюрократик тўсиқларга йўл қўймасликни таъминлаш;

тадбиркорлик субъектларига (кейинги ўринларда аризачилар деб аталади) ахборот ёрдами кўрсатиш, шу жумладан, давлат хизматлари кўрсатиш тартиби ва муддатлари тўғрисида бепул консультациялар беришни таъминлаш.

2.2. Шунингдек, директор қуйидаги вазифаларни ҳал этади:

ўз вақтида номзод танлаш, шу жумладан, номзоднинг шахсий ва иш сифатларини, унинг олдинги лавозимлардаги иши натижаларини чуқур ўрганиш, ____________________ бўйича номзодни вакант лавозимга алмаштириш (лавозимга тайинлаш)ни ____________________ туман (шаҳар) ҳокими ва ҳудудий адлия органи раҳбари билан келишиш ______________ туман (шаҳар) ҳокими ва ______________ ҳудудий адлия органи раҳбари билан келишган ҳолда "ягона дарча" маркази ходимини лавозимидан озод қилиш;

"ягона дарча" маркази харажатлар ва даромадлар сметасида маблағ мавжуд бўлганда ____________________ туман (шаҳар) ҳокимига "ягона дарча" маркази ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси ташкил қилиш юзасидан таклиф киритиш;

______________ туман (шаҳар) ҳокимига "ягона дарча" маркази ходимларини моддий рағбатлантириш, мукофот пули бериш, моддий ёрдам кўрсатиш, узоқ муддатли хизмати учун бир марталик мукофот тўлаш, ҳар ойлик усталамаларни ҳамда узоқ муддатли хизмати ва махсус даражаси учун тўловларни, меҳнат таътилида бўлган "ягона дарча" маркази ходимлари вазифасини бажариб турганлик учун иш ҳақларини белгилаш юзасидан таклиф киритиш;

белгиланган тартибда ваколатли органлар вакилларини жалб қилган ҳолда Рўйхатга киритилган давлат хизматлари кўрсатиш жараёнлари юзасидан "ягона дарча" маркази ходимларини тизимли асосда ўқитишни ташкил қилиш;

қайта лавозимга тайинланаётган шахсга мансаб йўриқномасида назарда тутилган асосий вазифалар, функциялар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, шахсий жавобгарликни тушунтириш;

ўз ходимлари фаолиятига услубий ёрдам кўрсатиш;

"ягона дарча" маркази ходимлари давлат хизматлари кўрсатишда идоралараро электрон тарзда ҳамкорлик қилиш тизимида ишлашлари учун "Unicon.UZ" маркази томонидан берилган амалда ишлаётган электрон рақамли имзо билан таъминлаш;

"ягона дарча" марказининг давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг идоралараро электрон тарзда ҳамкорлик қилиш тизими, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали бепул улаш, Интернет тармоғининг ахборот жўнатиш миллий сегментига камида 1 Мб/с тезлик билан уланишидаги узилиш ҳолатлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ________________ вилояти бўйича ҳудудий бошқармасини хабардор қилиш;

"ягона дарча" марказлари фаолиятини ташкил қилиш бўйича барча келиб тушган мулоҳазалар, тузатишлар ва таклифларни умумлаштириш, кейинчалик умумлаштирилган маълумотларни __________ҳудудий адлия органларига киритиш;

____________ туман (шаҳар) ҳокимига "ягона дарча" марказига юклатилган вазифа ва функцияларни бажариш учун минимал талаблардан келиб чиққан ҳолда зарур мебель, инвентарь ва бошқа жиҳозлар билан "ягона дарча" марказининг қўшимча таъминланиши зарурати тўғрисидаги таклифларни ўз вақтида киритиш;

"ягона дарча" маркази дастурий-қурилмавий воситаларини, шу жумладан, оргтехника ва компьютер қурилмалари дастурий таъминотини, шунингдек, "ягона дарча"

марказига берилган бошқа қурилмаларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш;

“ягона дарча” маркази биносини Рўйхатга киритилган давлат хизматлари олиш учун зарур бўлган муҳим ва муфассал маълумотларни ўзида мужассамлаштирган ахборот стендлари билан жиҳозлаш, шунингдек, “ягона дарча” марказининг биноси (иморати)га кириш жойида аризачилар учун зарур бўлган маълумотларни ўз ичига олган пешлавҳаларни жойлаштириш;

тўловларни қабул қилиш бўйича банк (банклар) кассаларини “ягона дарча” маркази биносида ўрнатишга ёрдам кўрсатиш;

давлат ва хўжалик бошқарув органларининг “ягона дарча” маркази фаолиятига аралашишига йўл қўймаслик;

“ягона дарча” маркази томонидан аризачиларга ҳужжатларни тақдим қилишнинг қонунчиликда белгиланган тартибига амал қилинишини назорат қилиш;

аризачилар томонидан навбатни кутишлари учун навбатни бошқариш электрон тизимидан, шу жумладан, навбатга ёзилишни қўшимча масофадан туриб бошқариш имкониятларидан фойдаланишни лозим даражада ташкил қилиш;

аризачиларнинг “ягона дарча” маркази биносига тўсиқсиз киришини таъминлаш.

## III. Директорнинг функциялари

3.1. Директорга қуйидаги функциялар юкланади:

“ягона дарча” маркази фаолиятини ташкил қилиш;

“ягона дарча” маркази фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш;

“ягона дарча” маркази тизимининг барча бўлинмалари ўзаро ҳамкорлик қилишини ташкил қилиш;

“ягона дарча” маркази иш ҳафтаси давомида соат 9.00 дан 18.00 гача танаффуссиз ишлашини таъминлаш;

алоҳида вазифа ва функцияларни бажариш “ягона дарча” марказининг тегишли ходимларига топшириқ бериш;

соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш бўйича чоралар кўриш;

барча бўлинмалар фаолиятида қонунчиликка риоя қилинишини назорат қилиш;

“ягона дарча” марказига берилган мебель, компьютер ва бошқа қурилмаларни ўз вақтида қабул қилиш, сақлаш ва тегишинча фойдаланишни таъминлаш;

кадрлар танлашда: умумтаълим даражасини, тизим ва касбий билимни, ҳуқуқий маданиятини, шахсий сифатларини, чет тилларини билишини, ақл даражасини, бошқарув жиҳатлари ва тажрибасини, танқидий таҳлил қилиш, истиқболларни белгилаш ва давлат сиёсати талабларидан келиб чиқиб функционал вазифаларни ечишнинг оптимал ва самарали йўлларини таклиф қилиш қобилиятини пухта ва ҳар томонлама ўрганиш;

қонунчиликда белгиланган тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини, шу жумладан, рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензия бериш жараёнларини оғирлаштирувчи турли шаклларни қўллаш, шунингдек, хусусий тадбиркорлик фаолиятига халал берувчи бошқа бюрократик тўсиқлар қўйиш қатъиян йўл қўйилмайдиган талаб эканлигини “ягона дарча” маркази ходимларига тушунтириш;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан доимий равишда ташкил қилинадиган давлат хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги ҳудудий семинарларида “ягона дарча” маркази ходимларининг фаол иштирокини таъминлаш;

Тегишли лавозимларга тавсия қилинаётган ходимларнинг стажировкасини ташкил қилиш ва ўтказиш;

замонавий техника ва технологияларни, меҳнатни ташкил қилиш ва бошқаришнинг прогрессив шаклларини жорий қилиш;

директорга берилган ҳуқуқлар доирасида барча масалаларни мустақил ечиш;

директор ваколати доирасига кирмайдиган масалалар бўйича қарор қабул қилиниши талаб қилинаётганда юқори турувчи органга ўз вақтида кўриб чиқиш учун киритиш.

## IV. Директорнинг ҳуқуқлари

4.1. Директор қуйидаги ҳуқуқларга эга:

“ягона дарча” маркази номидан ҳаракат қилиш;

“ягона дарча” марказининг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқ ва кўрсатмалар бериш;

конфиденциал ахборотни ташкил қилувчи маълумотлар таркиби ва ҳажмини аниқлаш, шунингдек, қонунчиликка мувофиқ уни ҳимоя қилиш тартибини белгилаш;

давлат ва хўжалик бошқарув органларида, судларда, бошқа органлар ва ташкилотларда “ягона дарча” маркази манфаатларини ифодалаш;

____________ туман (шаҳар) ҳокими ва ______________ ҳудудий адлия органи билан келишган ҳолда “ягона дарча” маркази ходимларини тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш;

меҳнат шартномаларини тузиш;

“ягона дарча” маркази ходимларининг моддий рағбатлантирилиши, иш тажрибаси ва малакасини ошириш, лавозимини пасайтириш ва кўтариш бўйича қарор қабул қилишнинг доимий назорат қилинишини ташкил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 14 декабрдаги 358-сонли қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги низомда кўрсатилган бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

4.2. Шунингдек, директор қуйидаги ҳуқуқларга эга:

“ягона дарча” марказининг даромадлари ва харажатлари сметасининг тайёрланишида қатнашиш;

Рўйхатда киритилган, туман (шаҳар) ҳокимиятлари томонидан тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатдан ўтказиш давлат хизматларини кўрсатганлик учун “ягона дарча” маркази учун махсус очилган ғазначилик ҳисоб рақамига келиб тушувчи маблағлар ҳақидаги маълумотларни ____________________ ҳокимият бухгалтериясидан сўраш ва ўз вақтида олиш;

маблағларни минтақа доирасида "ягона дарча" марказларининг ўз даромадлари ҳисобига қопланмайдиган харажатларини таъминлаш учун марказлар ўртасида қайта тақсимлаш бўйича таклифлар тайёрланишида қатнашиш;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва бошқа манфаатдор тузилмаларга Рўйхатни босқичма-босқич тўлдириш юзасидан таклифлар киритиш;

ваколатли органларга улар томонидан давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида таклифлар киритиш;

маълумотларнинг тегишли базаларидан, давлат ахборот тизимларидан ва ваколатли органлар ресурсларидан белгиланган тартибда фойдаланиш;

ваколатли органлардан уларнинг ваколатига кирувчи масалалар бўйича ҳужжатлар ҳамда ахборотларни сўраш ва тўловсиз олиш;

тегишли ваколатли органларга аризачининг давлат хизматлари кўрсатишнинг рад этилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш учун материалларни юбориш;

"ягона дарча" маркази моддий-техника базасидан фойдаланиш;

Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигини бузганлик учун марказ ходимларига нисбатан интизомий жавобгарлик чораларини қўллаш;

директор қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## V. Директорнинг мажбуриятлари

5.1. Директор қуйидагиларга мажбур:

ўз лавозим мажбуриятларини амалга ошириши муносабати билан маълум бўлган аризачилар ҳақидаги маълумотлардан қатъиян хизмат мақсадларида фойдаланиш;

"ягона дарча" маркази тизими бўлинмаларининг ишини мувофиқлаштириш;

“ягона дарча” маркази тизими бўлинмаларининг иш режаларини тасдиқлаш;

меҳнат интизоми қоидаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

“ягона дарча” маркази ходимлари фаолиятини назорат қилиш;

“ягона дарча” маркази ходимларининг меҳнат интизоми ҳолатини, ходимлар томонидан меҳнат тартибига риоя қилинишини назорат қилиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш юзасидан зарур ишларни амалга ошириш;

“ягона дарча” маркази тизими бўлинмалари ходимлари фаолиятини бошқариш билан боғлиқ масалалар юзасидан бўлим (сектор) бошлиқларига кўрсатмалар бериш;

“ягона дарча” маркази ходимларининг малака аттестацияларини ўтказишни ташкил қилиш;

коорпоратив маданият асосларини шакллантириш, унинг ривожланишини бошқариш;

меҳнат низолари ва келишмовчиликларни ҳал қилишда кўмаклашиш;

дастурий-техник воситалардан фойдаланган ҳолда ҳисобот юритиш, шунингдек, “ягона дарча” маркази моддий-техник базасини лозим даражада сақлаш, фойдаланишни таъминлаш;

дастурий-техник воситалардан фойдаланган ҳолда “ягона дарча” марказида кадрлар иш юритуви ва кадрлар ҳисобини юритиш, “ягона дарча” марказининг ишловчи ходимлари таркибидан кадрлар захирасини шакллантириш;

дастурий-техник воситалардан фойдаланган ҳолда “ягона дарча” марказини таъминлаш манбаси сифатида “ягона дарча” марказига келиб тушувчи маблағлар ҳисобини юритишда қатнашиш;

рўйхатга киритилган давлат хизматларини кўрсатувчи республика, вилоят, шаҳар (вилоят) доирасидаги ваколатли органлар билан ахборот алмашинувини мувофиқлаштиришни таъминлаш;

давлат хизмати паспортида қонунчиликка зид ёхуд ноаниқлик аниқланган санадан бошлаб бир кунлик муддат ичида тегишли ваколатли органни хабардор қилиш;

“ягона дарча” марказига келиб тушган қоғоз шаклидаги ҳужжатларни махсус жиҳозланган шкафларда белгиланган тартибда ҳужжатнинг тури ва берилган санасига қараб ажратилган ҳолда сақлашни ташкил қилиш;

“ягона дарча” маркази фаолияти натижалари тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва ________________ туман (шаҳар) ҳокимиятига ўз вақтида тақдим қилиш;

Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатасининг ҳудудий бўлинмалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш;

“ягона дарча” маркази фаолияти натижаларини таҳлил қилиб бориш ва доимий равишда унинг самарадорлигини оширишни таъминлаш.

## VI. Директорнинг жавобгарлиги

6.1. Қуйидалар учун шахсий жавобгарликни директор ўз зиммасига олади:

“ягона дарча” маркази фаолиятини ўз вақтида ташкил қилишни;

Рўйхатга киритилган, “ягона дарча” маркази орқали давлат хизматларини кўрсатиш тартибига сўзсиз амал қилишни;

директорга лавозим мажбуриятларини амалга оширилиши муносабати билан маълум бўлган аризачи ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш;

“ягона дарча” марказига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга ошириш;

қонунчиликда белгиланган, унинг ваколат доирасидан четга чиқиб қабул қилинган қарорлар юзасидан келиб чиқадиган оқибатлар.

6.2. Агар жавобгарлик туғдирган ҳаракатлар ўз ҳуқуқлари вакил қилиб берилган “ягона дарча” маркази ходимлари томонидан содир қилинган бўлса, директор жавобгарликдан озод қилинмайди.

6.3. Шунингдек, директор:

иш сифатининг ёмонлашуви, вазифаларнинг ўз вақтида бажарилмаслиги ва “ягона дарча” маркази ходимлари томонидан меҳнат тартибининг бузилишини;

амалдаги Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги билан белгиланган доирада – мазкур мансаб йўриқномасида назарда тутилган лавозим мажбуриятларининг лозим даражада бажарилмаслигини;

амалдаги Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва фуқаролик қонунчилиги билан белгиланган доирада – етказилган моддий зарарни;

бевосита ўзининг лавозим мажбуриятларини бажариш жараёнида йўл қўйилган хатоликлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Мазкур мансаб йўриқномаси 2016 йил "___" _________да Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан тасдиқланган Намунавий мансаб йўриқномасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**Ишлаб чиқилган:**

_____________ туман (шаҳар) ҳокимияти
(тўлиқ номи)
Ташкилий-назорат гуруҳи бўлими бошлиғи

"___" __________ 20___ й.

_____________ / __________
(Ф.И.О.) (имзо)

**Келишилган:**

___________ туман (шаҳар) ҳокимлиги
(тўлиқ номи)
ҳуқуқшуноси

"___" __________ 20___ й.

_____________ / __________
(Ф.И.О.) (имзо)

Мазкур мансаб йўриқномаси билан таништирилдим ва унга амал қилиш мажбуриятини оламан:

"___" __________ 20___ й.

_____________ / __________
(Ф.И.О.) (имзо)

| | |
|---|---|
| **“ТАСДИҚЛАНГАН”**<br>Ўзбекистон Республикаси<br>адлия вазири ўринбосари<br>________________ А. Усманов<br>“15” январь 2016 й. | **“ТАСДИҚЛАНГАН”**<br>Ўзбекистон Республикаси<br>Савдо-саноат палатаси раиси<br>________________ А. Шайхов<br>“15” январь 2016 й. |

**ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА “ЯГОНА ДАРЧА” ТАМОЙИЛИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ ЯГОНА МАРКАЗИ**

**ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ТОПШИРИШ БЎЛИМИ (СЕКТОРИ) БОШЛИҒИ**

# НАМУНАВИЙ МАНСАБ ЙЎРИҚНОМАСИ

Й – 2016

Тошкент ш.

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
Ҳоким ____________________
туман (шаҳар) номи

____________________
(имзо, муҳр) (Ф.И.О.)
“___” __________ 20___ й.

# МАНСАБ ЙЎРИҚНОМАСИ

______________________________

________________ туман (шаҳар) ҳокимияти ҳузуридаги
(тўлиқ номи)
Тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона маркази Ҳужжатларни қабул қилиш ва тақдим қилиш бўлим (сектор) бошлиғининг мансаб йўриқномаси

______________________________

“___” __________ 20___ й. №____ Ҳокимият буйруғи асосида
(сана) (ой) сўзлар билан (йил) (номер)

Амал қилиш муддати __________й. дан __________й. гача
(сана) (сана)
белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 14 декабрдаги 358-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 28 сентябрдаги ПҚ–2412-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарорига мувофиқ мазкур мансаб йўриқномаси ________________ туман (шаҳар) ҳокимияти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларига (тўлиқ номи) “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона маркази Ҳужжатларни қабул қилиш ва тақдим қилиш бўлим (сектор) бошлиғининг (кейинги ўринларда – Бошлиқ деб юритилади)

вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, шахсий жавобгарлигини белгилаб беради.

## I. Умумий қоидалар

1.1. Бошлиқ ________________ туман (шаҳар) ҳокими, шунингдек, ________________ ҳудудий адлия органлари билан келишган ҳолда Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона маркази (кейинги ўринларда – "ягона дарча" маркази деб юритилади) директори томонидан лавозимига тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган бошқарув ходимлари ҳисобланади.

1.2. Бошлиқ "ягона дарча" маркази Ҳужжатларни қабул қилиш ва топшириш бўлими (сектори)ни бошқаради ва бўлим (сектор) фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади.

1.3. Бошлиқ лавозимига қуйидаларга эга бўлган шахс тайинланади:

юридик, иқтисодий, молия-иқтисодий, математик ёхуд ахборот технологиялари соҳаларидан бирида олий маълумотга эга бўлган;

тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатишни амалга оширувчи ёхуд иқтисодий, молиявий ва юридик соҳаларда фаолиятни амалга оширувчи, ахборот технологиялари соҳасида ёхуд давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида юқоридаги йўналишлар бўйича ишловчи ташкилотларда камида икки йиллик иш стажига эга бўлган.

1.4. Бошлиқ ўз фаолиятида:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишларига;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шу жумладан, "ягона дарча" маркази фаолияти тартибини белгиловчи давлат хизматлари паспортларига, шунингдек, Ўзбекистон Респуб-

ликаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги ПҚ–2412-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари фақат "ягона дарча" тамойили бўйича ягона марказлар орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатига (кейинги ўринларда – Рўйхат деб юритилади) киритилган давлат хизматлари кўрсатиш тартибига;

услубий материалларга, шу жумладан, ўзи бевосита мурожаат қилувчи тадбиркорлик субъектларини қабул қилиш, телефон орқали хизмат кўрсатиш, Рўйхатга киритилган давлат хизматларини кўрсатиш масалалари бўйича ваколатли органлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича йўриқномаларга;

меҳнат тартиби қоидаларига;

мазкур мансаб йўриқномасига амал қилади.

1.5. Директор қуйидагиларни билиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишларини;

"ягона дарча" маркази фаолияти тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, Рўйхатга киритилган давлат хизматлари кўрсатиш тартибининг умумий қоидаларини;

асосий вазифа ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, "ягона дарча" маркази фаолиятини ташкил қилиш ва тартибини сақлашни, иш тартиби ва структурасини, шунингдек, "ягона дарча" маркази номи ёзилган думалоқ муҳр, штамп ва бланкаларни сақлаш, фойдаланиш тартибини;

"ягона дарча" маркази орқали давлат хизматлари кўрсатиш тартибининг умумий қоидаларини, шу жумладан аризачининг давлат хизматлари кўрсатишнинг рад этилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишни;

жавобгарлик чораларини, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатишнинг, шунингдек, лицензия ва бошқа рухсат бериш характеридаги ҳужжатларни беришнинг қонунда белгиланган тартиб ва

муддатларни бузиш билан боғлиқ маъмурий, жиноий жавобгарлик чораларини;

давлат хизматлари кўрсатиш вақтидаги ахборот хавфсизлигининг асосий талабларини;

интернет тармоғи (Ўзбекистон Республикаси Интерактив давлат хизматлари ягона портали – www.my.gov.uz, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – www.lex.uz), дастурий маҳсулотлар ("E-ijro", "Microsoft Word", "Excel", "PowerPoint", "Adobe Acrobat", "WinRaR"), ташкилий техника (сканер, принтер, факс, нусха кўчирувчи аппарат) билан ишлаш ва шахсий компьютерда ишлаш қоидаларига амал қилишни;

меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлиги нормалари ва қоидаларини билиши лозим.

1.6. Бўлим (сектор) бошлиғи бўлмаган пайтда (хизмат сафарида бўлган, меҳнат таътилида, касал бўлган ва бошқа пайтда) унинг лавозим мажбуриятларини сифатли, самарали ва ўз вақтида бажариш учун тўлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олувчи, белгиланган тартибда тайинланадиган, "ягона дарча" маркази Ҳужжатларни қабул қилиш ва топшириш бўлими (сектор) бош мутахассиси амалга оширади.

## II. Бошлиқнинг вазифалари

2.1. Бошлиқ қуйидаги асосий вазифаларни ҳал қилади:

"ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатишни таъминлаш;

тадбиркорлик субъектлари томонидан рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензия тартиботларидан ўтишда шаффофликни таъминлаш;

давлат органлари ва давлат хизматлари кўрсатадиган бошқа ташкилотлар (кейинги ўринларда – ваколатли органлар деб юритилади) билан мустаҳкам ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш, тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатишда бюрократик тўсиқларга йўл қўймасликни таъминлаш;

тадбиркорлик субъектларига (кейинги ўринларда – аризачилар деб юритилади) ахборот ёрдами кўрсатиш, шу жумладан, давлат хизматлари кўрсатиш тартиби ва муддатлари тўғрисида бепул консультациялар беришни таъминлаш.

## III. Бўлим (сектор) бошлиғининг функциялари

3.1. Бошлиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

бўлим фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш;

Давлат рўйхатидан ўтказиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш бўлими (сектор)дан аризачиларнинг аризаларини олиш;

қабул қилинган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни тезкор сканерда сканерлаш;

тасдиқланган шаклга мувофиқ аризаларни шакллантириш;

E-ijro дастурига сканер қилинган аризалар ва унга илова қилинган ҳужжатларни бириктириш ва юклаш;

ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларга ўзининг хизмат электрон рақамли имзосини қўйиш;

ариза қабул қилинган куни идоралараро электрон тарзда ҳамкорлик қилиш тизими орқали тегишли ваколатли органларга юкланган ҳужжатларни жўнатиш;

3.2. Бошқа жойдаги "ягона дарча" марказига ҳозир бўлиш тартибида ёки почта алоқаси орқали мурожаат қилинган ёки аризачи рўйхатдан ўтказилган тақдирда ариза тегишли "ягона дарча" марказини хабардор қилган ҳолда идоралараро электрон тарзда ҳамкорлик қилиш тизими орқали "ягона дарча" маркази томонидан тегишли ваколатли органга юборилади.

3.3. Аризачи томонидан "ягона дарча" марказига ариза электрон манба орқали тақдим этилган тақдирда "ягона дарча" маркази ходими, зарурат бўлганда, "ягона дарча" маркази биносидаги хизмат кўрсатиш учун ажратилган жойда унга аризани Ягона портал орқали юборилишида кўмаклашади.

## IV. Бўлим (сектор) бошлиғининг ҳуқуқлари

4.1. Бўлим (сектор) бошлиғи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

тегишли маълумотлар базаларидан, давлат ахборот тизимларидан ва ваколатли органлар ресурсларидан белгиланган тартибда фойдаланиш;

ваколатли органлардан уларнинг ваколатига кирувчи масалалар бўйича ҳужжатлар ҳамда ахборотларни сўраш ва тўловсиз олиш;

тегишли ваколатли органларга аризачининг давлат хизматлари кўрсатишнинг рад этилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш учун материалларни юбориш;

"ягона дарча" маркази моддий-техника базасидан фойдаланиш;

"ягона дарча" маркази директорига Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигини бузганлиги учун бўлим (сектор) ходимларига нисбатан интизомий жавобгарлик чоралари кўриш юзасидан таклифлар киритиш;

"ягона дарча" маркази директорига Низомга мувофиқ намуна кўрсатган бўлим (сектор) ходимларини пул мукофотлари билан рағбатлантириш юзасидан таклифлар киритиш;

4.2. Бўлим (сектор) бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 14 декабрдаги 358-сонли қарори билан тасдиқланган "Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида"ги Низомда назарда тутилган бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

## V. Бўлим (сектор) бошлиғининг мажбуриятлари

5.1.Бўлим (сектор) бошлиғи қуйидагиларга мажбур:

"ягона дарча" маркази бўлим (сектор) ходимлари фаолиятини назорат қилиш;

бўлим (сектор) ходимларининг меҳнат интизоми ҳолати, ходимлар томонидан меҳнат тартибига риоя қилишини назорат қилиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш юзасидан зарур ишларни амалга ошириш;

"ягона дарча" маркази моддий-техник базаси ҳисобини юритиш, сақлаш, лозим даражада фойдаланишни таъминлаш;

Рўйхатга киритилган давлат хизматларини кўрсатувчи республика, вилоят, шаҳар (вилоят) доирасидаги давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ахборот алмашинувини мувофиқлаштиришни таъминлаш;

юзага келаётган муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва "ягона дарча" маркази директорига уларни ҳал этиш мумкин бўлган таклифларни тайёрлаш;

меҳнат низолари ва келишмовчиликларни ўз ваколат доирасида ҳал қилиш;

бўлим (сектор) фаолияти натижаларини таҳлил қилиб бориш ва доимий равишда унинг самарадорлигини оширишни таъминлаш.

## VI. Бўлим (сектор) бошлиғининг жавобгарлиги

6.1. Қуйидалар учун шахсий жавобгарликни бўлим (сектор) бошлиғи ўз зиммасига олади:

бўлим (сектор) фаолиятини ўз вақтида ташкил қилиш;

Рўйхатга киритилган, "ягона дарча" маркази орқали давлат хизматларини кўрсатиш тартибига сўзсиз амал қилиш;

бўлим (сектор)га юклатилган вазифа ва функцияларни амалга ошириш;

қонунчиликда белгиланган унинг ваколат доирасидан четга чиқиб, қабул қилинган қарорлар юзасидан келиб чиқадиган оқибатлар.

6.2. Агар жавобгарлик туғдирган ҳаракатлар ўз ҳуқуқлари вакил қилиб берилган бўлим (сектор) ходимлари томонидан содир қилинган бўлса, бўлим (сектор) бошлиғи жавобгарликдан озод қилинмайди.

6.3. Шунингдек, бўлим (сектор) бошлиғи:

амалдаги Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги билан белгиланган доирада – мазкур мансаб йўриқномасида назарда тутилган лавозим мажбуриятларини лозим даражада бажаришни;

амалдаги Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва фуқаролик қонунчилиги билан белгиланган доирада – етказилган моддий зарарни;

бевосита ўзининг лавозим мажбуриятларини бажариш жараёнида йўл қўйилган хатоликлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Мазкур мансаб йўриқномаси 2016 йил "___" ________да Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан тасдиқланган Намунавий мансаб йуриқномасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**Ишлаб чиқилган:**

____________ туман (шаҳар) ҳокимияти

(тўлиқ номи)

Ташкилий-назорат гуруҳи бўлими бошлиғи

"___" __________ 20___ й.

____________ / __________

(Ф.И.О.) (имзо)

**Келишилган:**

__________ туман (шаҳар) ҳокимлиги

(тўлиқ номи)

ҳуқуқшуноси

"___" __________ 20___ й.

____________ / __________

(Ф.И.О.) (имзо)

Мазкур мансаб йўриқномаси билан таништирилдим ва унга амал қилиш мажбуриятини оламан:

"___" __________ 20___ й.

____________ / __________

(Ф.И.О.) (имзо)

| | |
|---|---|
| **“ТАСДИҚЛАНГАН”** | **“ТАСДИҚЛАНГАН”** |
| Ўзбекистон Республикаси | Ўзбекистон Республикаси |
| адлия вазири ўринбосари | Савдо-саноат палатаси раиси |
| ________________ А. Усманов | ________________ А. Шайхов |
| “15” январь 2016 й. | “15” январь 2016 й. |

**ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА “ЯГОНА ДАРЧА” ТАМОЙИИЛИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ ЯГОНА МАРКАЗИ**

**ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ВА РУХСАТ БЕРУВЧИ ҲУЖЖАТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ БЎЛИМ (СЕКТОР) БОШЛИҒИНИНГ**

# НАМУНАВИЙ МАНСАБ ЙЎРИҚНОМАСИ

Й – 2016

Тошкент ш.

**"ТАСДИҚЛАЙМАН"**

Ҳоким ____________________

туман (шаҳар) номи

__________________________

(имзо, мухр) (Ф.И.О.)

"___" __________ 20___ й.

# МАНСАБ ЙЎРИҚНОМАСИ

_______________________________________

______________ туман (шаҳар) ҳокимияти ҳузуридаги

(тўлиқ номи)

Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона маркази Давлат рўйхатидан ўтказиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш бўлим (сектор) бошлиғининг мансаб йўриқномаси

_______________________________________

"___" _________ 20___ й. №____ Ҳокимият буйруғи асосида

(сана) (ой) сўзлар билан (йил) (номер)

Амал қилиш муддати __________й. дан _________й. гача

(сана) (сана)

белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 14 декабрдаги 358-сонли "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2015 йил 28 сентябрдаги ПҚ–2412-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги қарорига мувофиқ мазкур мансаб йўриқномаси ______________ туман (шаҳар) ҳокимияти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларига (тўлиқ номи) "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона маркази Давлат рўйхатидан ўтказиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш бўлими (сектор) бошлиғининг (кейинги

ўринларда – Бошлиқ деб юритилади) вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, шахсий жавобгарлигини белгилаб беради.

## I. Умумий қоидалар

1.1. Бошлиқ ______________ туман (шаҳар) ҳокими, шунингдек, ______________ ҳудудий адлия органлари билан келишган ҳолда Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона маркази (кейинги ўринларда – "ягона дарча" маркази деб юритилади) директори томонидан лавозимига тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган бошқарув ходимлари ҳисобланади.

1.2. Бошлиқ "ягона дарча" маркази Давлат рўйхатидан ўтказиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш бўлими (сектори)ни бошқаради ва бўлим (сектор) фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади.

1.3. Бошлиқ лавозимига қуйидаларга эга бўлган шахс тайинланади:

юридик, иқтисодий, молия-иқтисодий, математик ёхуд ахборот технологиялари соҳаларидан бирида олий маълумотга эга бўлган;

тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатишни амалга оширувчи ёхуд иқтисодий, молиявий ва юридик соҳаларда фаолиятни амалга оширувчи, ахборот технологиялари соҳасида ёхуд давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида юқоридаги йўналишлар бўйича ишловчи ташкилотларда камида икки йиллик иш стажига эга бўлган.

1.4. Бошлиқ ўз фаолиятида:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишларига;

норматив-ҳуқуқий актлар ва норматив ҳужжатларга, шу жумладан, "ягона дарча" маркази фаолияти тартибини бел-

гиловчи, давлат хизматлари паспортларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги ПҚ–2412-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари фақат "ягона дарча" тамойили бўйича ягона марказлар орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатига (кейинги ўринларда – Рўйхат деб юритилади) киритилган давлат хизматлари кўрсатиш тартибига;

услубий материалларга, шу жумладан, ўзи бевосита мурожаат қилувчи тадбиркорлик субъектларини қабул қилиш, телефон орқали хизмати кўрсатиш, Рўйхатга киритилган, давлат хизматларини кўрсатиш масалалари бўйича ваколатли органлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича йўриқномаларга;

меҳнат тартиби қоидаларига;

мазкур мансаб йўриқномасига амал қилади.

1.5. Бошлиқ қуйидагиларни билиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишларини;

"ягона дарча" маркази фаолияти тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек Рўйхатга киритилган давлат хизматлари кўрсатиш тартибининг умумий қоидаларини;

асосий вазифа ва фукциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, "ягона дарча" маркази фаолиятини ташкил қилиш ва тартибини сақлашни, иш тартиби ва структурасини, шунингдек, "ягона дарча" маркази номи ёзилган думалоқ муҳр, штамп ва бланкаларни сақлаш, фойдаланиш тартибини;

"ягона дарча" маркази орқали давлат хизматлари кўрсатиш тартибининг умумий қоидаларини, шу жумладан, аризачининг давлат хизматлари кўрсатишнинг рад этилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишни;

жавобгарлик чораларини, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатишнинг, шу-

нингдек, лицензия ва бошқа рухсат бериш характеридаги ҳужжатларни беришнинг қонунда белгиланган тартиб ва муддатларни бузиш билан боғлиқ маъмурий, жиноий жавобгарлик чораларни;

давлат хизматлари кўрсатиш вақтидаги ахборот хавфсизлигининг асосий талабларини;

интернет тармоғи (Ўзбекистон Республикаси Интерактив давлат хизматлари ягона портали – www.my.gov.uz, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – www.lex.uz), дастурий маҳсулотлар (“E-ijro”, “Microsoft Word”, “Excel”, “PowerPoint”, “Adobe Acrobat”, “WinRaR”), ташкилий техника (сканер, принтер, факс, нусха кўчирувчи аппарат) билан ишлаш ва шахсий компьютерда ишлаш қоидаларига амал қилишни;

меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлиги нормалари ва қоидаларини билиши лозим.

1.6. Бўлим (сектор) бошлиғи бўлмаган пайтда (хизмат сафарида, меҳнат таътилда, касал бўлганда ва бошқа пайтда) унинг лавозим мажбуриятларини сифатли, самарали ва ўз вақтида бажариш учун тўлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олувчи, белгиланган тартибда тайинланадиган, “ягона дарча” маркази Давлат рўйхатидан ўтказиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш бўлими (сектор) бош мутахассиси амалга оширади.

## II. Бўлим (сектор) бошлиғининг вазифалари

2.1. Бошлиқ қуйидаги асосий вазифаларни ҳал қилади:

“ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатишни таъминлаш;

тадбиркорлик субъектлари томонидан рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензия тартиботларидан ўтишда шаффофликни таъминлаш;

давлат органлари ва давлат хизматлари кўрсатадиган бошқа ташкилотлар (кейинги ўринларда – ваколатли органлар деб юритилади) билан мустаҳкам ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш, тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатишда бюрократик тўсиқларга йўл қўймасликни таъминлаш;

тадбиркорлик субъектларига (кейинги ўринларда – аризачилар деб юритилади) ахборот ёрдами кўрсатиш, шу жумладан, давлат хизматлари кўрсатиш тартиби ва муддатлари тўғрисида бепул консультациялар беришни таъминлаш.

## III. Бўлим (сектор) бошлиғининг функциялари

3.1. Бошлиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

бўлим фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш;

ҳозир бўлиш тартибида мурожаат қилинганда аризачидан аризасини навбат рақами тартибига мувофиқ қабул қилиш;

давлат хизмати паспортига мувофиқ аризачи томонидан аризанинг тўлиқ тўлдирилишини таъминлаш;

аризани идоралараро электрон тарзда ҳамкорлик қилиш тизимига киритиш, ушбу тизим воситасида Рўйхатга киритилган давлат хизматлари кўрсатиш учун тушган аризаларни рўйхатга олиш Электрон журналида (кейинги ўринларда – Журнал деб юритилади) шакллантириш;

"ягона дарча" марказида рўйхатдан ўтказилгандан кейин аризачига ариза олингани тўғрисида тилхат бериш;

уникал рўйхатдан ўтказиш рақамини кўрсатган ҳолда ариза нусхасида қабул қилингани тўғрисидаги тегишли ёзувни қайд этиш.

3.2. Почта алоқаси орқали олинган ариза ҳам унга уникал рўйхатдан ўтказиш рақами берилган ҳолда Журналда рўйхатдан ўтказилади.

3.3. Ҳозир бўлиш тартибида ёки почта алоқаси орқали олинган ариза сканер қилинади, электрон рақамли имзо (кейинги ўринларда – ЭРИ деб юритилади) қўйилади ва ариза олинган куни идоралараро электрон тарздаги ҳамкорлик тизими орқали тегишли ваколатли органларга юборилади.

3.4. Бошқа жойдаги "ягона дарча" марказига ҳозир бўлиш тартибида ёки почта алоқаси орқали мурожаат қилинган ёки аризачи рўйхатдан ўтказилган тақдирда ариза тегишли "ягона дарча" марказини хабардор қилган ҳолда идоралараро электрон тарзда ҳамкорлик қилиш тизими орқали "ягона дарча" маркази томонидан тегишли ваколатли органга юборилади.

3.5. Аризачи томонидан “ягона дарча” марказига ариза электрон манба орқали тақдим этилган тақдирда “ягона дарча” маркази ходими, зарурат бўлганда, “ягона дарча” маркази биносидаги хизмат кўрсатиш учун ажратилган жойда унга аризанинг Ягона портал орқали юборилишида кўмаклашади.

## IV. Бўлим (сектор) бошлиғининг ҳуқуқлари

4.1. Бошлиқ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

тегишли маълумотлар базаларидан, давлат ахборот тизимларидан ва ваколатли органлар ресурсларидан белгиланган тартибда фойдаланиш;

ваколатли органлардан уларнинг ваколатига кирувчи масалалар бўйича ҳужжатлар ҳамда ахборотларни сўраш ва тўловсиз олиш;

тегишли ваколатли органларга аризачининг давлат хизматлари кўрсатишнинг рад этилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш учун материалларни юбориш;

“ягона дарча” маркази моддий-техника базасидан фойдаланиш;

“ягона дарча” маркази директорига Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигини бузганлиги учун бўлим (сектор) ходимларига нисбатан интизомий жавобгарлик чоралари кўриш юзасидан таклифлар киритиш;

“ягона дарча” маркази директорига Низомга мувофиқ намуна кўрсатган бўлим (сектор) ходимларини пул мукофотлари билан рағбатлантириш юзасидан таклифлар киритиш.

4.2. Бошлиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 14 декабрдаги 358-сонли қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низомда назарда тутилган бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

## V. Бўлим (сектор) бошлиғининг мажбуриятлари

5.1. Бўлим (сектор) бошлиғи қуйидагиларга мажбур:

“ягона дарча” маркази бўлим (сектор) ходимлари фаолиятини назорат қилиш;

бўлим (сектор) ходимларининг меҳнат интизоми ҳолати, ходимлар томонидан меҳнат тартибига риоя қилишини назорат қилиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш юзасидан зарур ишларни амалга ошириш;

"ягона дарча" маркази моддий-техник базаси ҳисобини юритиш, сақлаш, лозим даражада фойдаланишни таъминлаш;

Рўйхатга киритилган давлат хизматларини кўрсатувчи республика, вилоят, шаҳар (вилоят) доирасидаги давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ахборот алмашинувини мувофиқлаштиришни таъминлаш;

юзага келаётган муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва "ягона дарча" маркази директорига уларни ҳал этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

меҳнат низолари ва келишмовчиларни ўз ваколати доирасида ҳал қилиш;

бўлим (сектор) фаолияти натижаларини таҳлил қилиб бориш ва доимий равишда унинг самарадорлигини оширишни таъминлаш.

## VI. Бўлим (сектор) бошлиғининг жавобгарлиги

6.1. Қуйидагилар учун шахсий жавобгарликни бўлим (сектор) бошлиғи ўз зиммасига олади:

бўлим (сектор) фаолиятини ўз вақтида ташкил қилиш;

Рўйхатга киритилган, "ягона дарча" маркази орқали давлат хизматларини кўрсатиш тартибига сўзсиз амал қилиш;

бўлим (сектор)га юклатилган вазифа ва функцияларни амалга ошириш;

қонунчиликда белгиланган унинг ваколат доирасидан четга чиқиб, қабул қилинган қарорлар юзасидан келиб чиқадиган оқибатлар.

6.2. Агар жавобгарлик туғдирган ҳаракатлар ўз ҳуқуқлари вакил қилиб берилган бўлим (сектор) ходимлари томонидан содир қилинган бўлса, бўлим (сектор) бошлиғи жавобгарликдан озод қилинмайди.

6.3. Шунингдек, бўлим (сектор) бошлиғи:

амалдаги Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги билан белгиланган доирада – мазкур мансаб йўриқ-

номасида назарда тутилган лавозим мажбуриятларининг лозим даражада бажаришни;

амалдаги Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва фуқаролик қонунчилиги билан белгиланган доирада – етказилган моддий зарарни;

бевосита ўзининг лавозим мажбуриятларини бажариш жараёнида йўл қўйилган хатоликлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Мазкур мансаб йўриқномаси 2016 йил "___" __________да Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан тасдиқланган Намунавий мансаб йўриқномасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**Ишлаб чиқилган:**

_____________ туман (шаҳар) ҳокимияти
(тўлиқ номи)
Ташкилий-назорат гуруҳи бўлими бошлиғи

"___" ___________ 20___ й.

______________ /___________
(Ф.И.О.) (имзо)

**Келишилган:**

____________ туман (шаҳар) ҳокимлиги
(тўлиқ номи)
ҳуқуқшуноси

"___" ___________ 20___ й.

______________ /___________
(Ф.И.О.) (имзо)

Мазкур мансаб йўриқномаси билан таништирилдим ва унга амал қилиш мажбуриятини оламан:

"___" ___________ 20___ й.

______________ /___________
(Ф.И.О.) (имзо)

| **“ТАСДИҚЛАНГАН”** | **“ТАСДИҚЛАНГАН”** |
| --- | --- |
| Ўзбекистон Республикаси | Ўзбекистон Республикаси |
| адлия вазири ўринбосари | Савдо-саноат палатаси раиси |
| ________________ А. Усманов | ________________ А. Шайхов |
| “15” январь 2016 й. | “15” январь 2016 й. |

**ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА “ЯГОНА ДАРЧА” ТАМОЙИЛИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ ЯГОНА МАРКАЗИ**

**АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СЕКТОРИ МУДИРИНИНГ**

# НАМУНАВИЙ МАНСАБ ЙЎРИҚНОМАСИ

Й – 2016

Тошкент ш.

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Ҳоким ____________________

туман (шаҳар) номи

______________________________

(имзо, муҳр) (Ф.И.О.)

“___” __________ 20___ й.

# МАНСАБ ЙЎРИҚНОМАСИ

______________________________________________

________________ туман (шаҳар) ҳокимияти ҳузуридаги

(тўлиқ номи)

Тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона маркази Ахборот-коммуникация технологиялари сектори мудирининг мансаб йўриқномаси

______________________________________________

“___” _________ 20___ й. №____ Ҳокимият буйруғи асосида

(сана) (ой) сўзлар билан (йил) (номер)

Амал қилиш муддати _________й. дан _________й. гача

(сана) (сана)

белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 14 декабрдаги 358-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 28 сентябрдаги ПҚ–2412-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарорига мувофиқ мазкур мансаб йўриқномаси ________________ туман (шаҳар) ҳокимияти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларига (тўлиқ номи) “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона маркази Ахборот-коммуникация технологиялари сектори мудирининг (кейинги ўринларда – Бошлиқ деб юритилади) вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, шахсий жавобгарлигини белгилаб беради.

## I. Умумий қоидалар

1.1. Мудир ___________________ туман (шаҳар) ҳокими, шунингдек, _____________________ ҳудудий адлия органлари билан келишган ҳолда Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона маркази (кейинги ўринларда – "ягона дарча" маркази деб юритилади) директори томонидан лавозимига тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган бошқарув ходимлари ҳисобланади.

1.2. Мудир "ягона дарча" маркази Ахборот-коммуникация технологиялари секторини бошқаради ва сектор фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади.

1.3. Мудир лавозимига қуйидаларга эга бўлган шахс тайинланади:

Касбий (техник, математик, иқтисодий) олий маълумот ва шунга ўхшаш ишда камида икки йиллик иш стажига эга бўлиш.

1.4. Мудир қуйидагиларни билиши лозим:

қурилмаларнинг қўлланилиши ва ишлаш тартибини, тузилишининг ўзига хос хусусиятларини, техник-эксплуатацион характеристикаларини, унинг техник ишлатилиши қоидаларини;

тармоқларни қурилмавий ва дастурий таъминотини;

қурилмавий таъминотни оддий тузатиш тамойилларини;

дастурлаш тилини мослаштиришни;

амалдаги стандартлар, ҳисоблаш тизимлари, шифр ва кодларни;

дастурлаш усулларини;

ахборотни ҳимоя қилиш комплексини ташкил қилиш тизимлари, ахборотдан рухсатсиз фойдаланлик ҳақида огоҳлантирувчи усулларни;

жавобгарлик чораларини, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатишнинг, шунингдек, лицензия ва бошқа рухсат бериш характеридаги ҳужжатларни беришнинг қонунда белгиланган тартиб ва муддатларни бузиш билан боғлиқ маъмурий, жиноий жавобгарлик чораларини;

давлат хизматлари кўрсатиш вақтидаги ахборот хавфсизлигининг асосий талабларини;

интернет тармоғи (Ўзбекистон Республикаси Интерактив давлат хизматлари ягона портали – www.my.gov.uz, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – www.lex.uz), дастурий маҳсулотлар ("E-ijro", "Microsoft Word", "Excel", "PowerPoint", "Adobe Acrobat", "WinRaR"), ташкилий техника (сканер, принтер, факс, нусха кўчирувчи аппарат) билан ишлаш ва шахсий компьютерда ишлаш қоидаларига амал қилишни;

меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлиги нормалари ва қоидаларини билиши лозим.

1.5. Мудир бевосита "ягона дарча" маркази директорига бўйсунади.

1.6. Мудир ўз фаолиятида:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишларига;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шу жумладан, "ягона дарча" маркази фаолияти тартибини белгиловчи, давлат хизматлари паспортларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги ПҚ–2412-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари фақат "ягона дарча" тамойили бўйича ягона марказлар орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатига (кейинги ўринларда – Рўйхат деб юритилади) киритилган давлат хизматлари кўрсатиш тартибига;

услубий материалларга, шу жумладан, ўзи бевосита мурожаат қилувчи тадбиркорлик субъектларини қабул қилиш, телефон орқали хизмат кўрсатиш, Рўйхатга киритилган, давлат хизматларини кўрсатиш масалалари бўйича ваколатли органлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича йўриқномаларга;

меҳнат тартиби қоидаларига;

мазкур мансаб йўриқномасига амал қилади.

## II. Мудирнинг функциялари

2.1. Мудир қуйидаги функцияларни бажаради:

серверлар ва ишчи станцияларга тармоқлараро дастурий таъминотини ўрнатиш;

сервердаги тизимни конфигурациялаш;

файл-серверлар, маълумотлар базасини бошқариш тизими серверлари ва компьютерлардаги (ишчи станция) дастурий таъминотни интеграциялашни (ўзаро боғлаш) таъминлаш;

серверлар ва ишчи станциялар дастурий таъминотининг яроқлилигини таъминлаш;

фойдаланувчиларни рўйхатдан ўтказиш, идентификатор ва паролларни бериш;

фойдаланувчиларни тармокда ишлашга, архивларни юритишга ўқитиш; фойдаланувчиларнинг тармоқ билан боғлиқ саволларига жавоб бериш; тармоқ дастурий таъминотидан фойдаланиш бўйича йўриқнома тузиш ва фойдаланувчиларга етказиш;

локал ва глобал тармоқлардан фойдаланишни ташкил қилиш;

маълумотларни ўз вақтида кўчириш ва захирасини шакллантиришни таъминлаш;

тизимда узилишлар бўлганда ва тармоқ қурилмаси ишдан чиққанда тизимни ишлатиш қобилиятини тиклашда қатнашиш;

тармоқ мониторингини амалга ошириш, тармоқ инфраструктурасини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

2.11. Мудирга қуйидаги функциялар ҳам юкланади:

тармоқ хавфсизлигини (маълумотлардан рухсатсиз фойдаланишдан, тизим файллари ва маълумотларини кўриш ёки ўзгартиришдан ҳимоя қилиш) таъминлаш;

тармоқлараро алоқа хавфсизлигини таъминлаш;

тармоқ қурилмаларини олиш ва модернизация қилиш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

бегона ташкилотлар мутахассислари томонидан қурилманинг монтаж қилинишини назорат қилиш;

Рўйхатга киритилган давлат хизматларини кўрсатувчи республика, вилоят, шаҳар (вилоят) доирасидаги давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ахборот алмашинувини мувофиқлаштиришни таъминлаш;

Рўйхатга киритилган давлат хизматларини кўрсатувчи республика, вилоят, шаҳар (вилоят) доирасидаги давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ахборот алмашинуви тизимининг узлуксиз ишлашини таъминлаш.

## III. Мудирнинг вазифалари

3.1. Мудир қуйидагиларни таъминлашда қуйидаги вазифаларни ҳал қилади:

иш ҳафтаси давомида соат 9.00 дан 18.00 гача "ягона дарча" маркази ахборот-коммуникация тизими, шунингдек, компьютер қурилмаларининг танаффуссиз ишлашини таъминлаш;

"ягона дарча" маркази ходимларининг Рўйхатга киритилган давлат хизматларини олиш учун давлат органларининг расмий сайтларидаги зарур ахборотлар билан таништириш;

аризачиларнинг навбат кутишлари учун навбатни бошқариш электрон тизимининг узлуксиз ишлашини ташкил қилиш.

## IV. Мудирнинг ҳуқуқлари

4.1. Мудир қуйидаги ҳуқуқларга эга:

тармоқдан фойдаланиш қоидаларини ўрнатиш ва ўзгартириш;

унинг фаолиятига тегишли бўлган "ягона дарча" маркази директори қарорлари лойиҳалари билан танишиш;

раҳбариятга "ягона дарча" маркази фаолияти ва ўзининг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифларни тақдим қилиш;

ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида аниқланган барча камчиликлар тўғрисида хабардор қилиш ва уларни бартараф қилиш юзасидан таклифлар киритиш;

ўзи ёхуд “ягона дарча” маркази директори топшириғи асосида тизим бўлинмалари раҳбарлари ва мутахассисларидан унинг лавозим мажбуриятларини бажариши учун зарур бўлган маълумот ва ҳужжатларни сўраш;

раҳбариятдан фаолият натижасида юзага келувчи барча ҳужжатларнинг сақланиши ва хизмат вазифаларини бажариш учун нормал шарт-шароит яратилишини талаб қилиш;

ўз ваколат доирасида қарор қабул қилиш;

## V. Мудирнинг жавобгарлиги

5.1. Қуйидагилар учун жавобгарликни мудир ўз зиммасига олади:

ўзининг лавозим мажбуриятларини бажармаганлик ва/ёки ўз вақтида бажармаганлик, масъулиятсизлик билан ёндашганлик учун;

амалдаги йўриқномаларга, бўйруқларга ҳамда тижорат сири ва конфиденциал ахборотни сир сақлаши бўйича кўрсатмаларга амал қилмаслик;

ички меҳнат тартиби қоидалари, меҳнат интизоми, техника хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузганлик;

берилган вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши тўғрисида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тақдим қилиш, уларни ижро қилиш муддатларини бузиш;

директор ва бевосита раҳбарият буйруқлари, фармойишларини бажармаслик;

ҳисоботларни ўз вақтида тайёрмаслик;

амалдаги Ўзбекистон Республикаси меҳнат, жиноят ва фуқаролик қонунчилиги билан белгиланган доирада – моддий зарар етказилганлиги;

амалдаги йўриқномага, тижорат сири ва махфий маълумотларни сақлаш бўйича қабул қилинган буйруқ ва фармойишларга ва амал қилиш.

5.9. Шунингдек, мудир:

амалдаги Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги билан белгиланган доирада – мазкур мансаб йўриқномасида назарда тутилган лавозим мажбуриятларини лозим даражада бажаришни;

амалдаги Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва фуқаролик қонунчилиги билан белгиланган доирада – етказилган моддий зарарни;

бевосита ўзининг лавозим мажбуриятларини бажариш жараёнида йўл қўйилган хатоликлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Мазкур мансаб йўриқномаси 2016 йил "___" _________да Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан тасдиқланган Намунавий мансаб йурикномасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**Ишлаб чиқилган:**

____________ туман (шаҳар) ҳокимияти
(тўлиқ номи)
Ташкилий-назорат гуруҳи бўлими бошлиғи

"___" __________ 20___ й.

____________ / __________
(Ф.И.О.) (имзо)

**Келишилган:**

___________ туман (шаҳар) ҳокимлиги
(тўлиқ номи)
ҳуқуқшуноси

"___" __________ 20___ й.

____________ / __________
(Ф.И.О.) (имзо)

Мазкур мансаб йўриқномаси билан таништирилдим ва унга амал қилиш мажбуриятини оламан:

"___" __________ 20___ й.

____________ / __________
(Ф.И.О.) (имзо)

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**
Ўзбекистон Республикаси
адлия вазири ўринбосари
________________ А. Усманов
“15” январь 2016 й.

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**
Ўзбекистон Республикаси
Савдо-саноат палатаси раиси
________________ А. Шайхов
“15” январь 2016 й.

## ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА “ЯГОНА ДАРЧА” ТАМОЙИЛИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ ЯГОНА МАРКАЗИ

## ТЕЛЕФОН ХИЗМАТИ (CALL-МАРКАЗ) СЕКТОРИ МУДИРИНИНГ

# НАМУНАВИЙ МАНСАБ ЙЎРИҚНОМАСИ

Й – 2016

Тошкент ш.

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Ҳоким ______________________

туман (шаҳар) номи

___________________________

(имзо, муҳр) (Ф.И.О.)

“___” __________ 20___ й.

# М А Н С А Б   Й Ў Р И Қ Н О М А С И

_______________________________________

________________ туман (шаҳар) ҳокимияти ҳузуридаги

(тўлиқ номи)

Тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона маркази Телефон хизмати (call-марказ) сектори мудири мансаб йўриқномаси

“___” ________20___ й. №____ Ҳокимият буйруғи асосида

(сана) (ой) сўзлар билан (йил) (номер)

Амал қилиш муддати __________й. дан __________й. гача

(сана) (сана)

белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 14 декабрдаги 358-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 28 сентябрдаги ПҚ–2412-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарорига мувофиқ мазкур мансаб йўриқномаси ________________ туман (шаҳар) ҳокимияти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларига (тўлиқ номи) “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона маркази Телефон хизмати (call-марказ) сектори мудирининг (кейинги ўринларда – Бошлиқ деб юритилади) вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, шахсий жавобгарлигини белгилаб беради.

## I. Умумий қоидалар

1.1. Мудир ________________ туман (шаҳар) ҳокими, шунингдек, ________________ бўйича ҳудудий адлия органлари билан келишган ҳолда Тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона маркази (кейинги ўринларда – “ягона дарча” маркази деб юритилади) директори томонидан лавозимига тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган бошқарув ходимлари категориясига мансуб ҳисобланади.

1.2. Мудир “ягона дарча” маркази Телефон хизмати секторини бошқаради ва сектор фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади.

1.3. Мудир лавозимига қуйидаларга эга бўлган шахс тайинланади:

юридик, иқтисодий, молия-иқтисодий, математик ёхуд ахборот технологиялари соҳаларидан бирида олий маълумотга эга бўлган;

тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатишни амалга оширувчи ёхуд иқтисодий, молиявий ва юридик соҳаларда фаолиятни амалга оширувчи, ахборот технологиялари соҳасида ёхуд давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида юқоридаги йўналишлар бўйича ишловчи ташкилотларда камида икки йиллик иш стажига эга бўлган.

1.4. Мудир ўз фаолиятида:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишларига;

норматив-ҳуқуқий актлар ва норматив ҳужжатларга, шу жумладан, “ягона дарча” маркази фаолияти тартибини белгиловчи, давлат хизматлари паспортларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги ПҚ–2412-сон қарори билан тасдиқланган

Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари фақат “ягона дарча” тамойили бўйича ягона марказлар орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатига (кейинги ўринларда – Рўйхат деб юритилади) киритилган давлат хизматлари кўрсатиш тартибига;

услубий материалларга, шу жумладан, ўзи бевосита мурожаат қилувчи тадбиркорлик субъектларини қабул қилиш, телефон орқали хизмат кўрсатиш, Рўйхатга киритилган, давлат хизматларини кўрсатиш масалалари бўйича ваколатли органлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича йўриқномаларга;

ички меҳнат тартиби қоидаларига;

мазкур мансаб йўриқномасига амал қилади.

1.5. Мудир қуйидагиларни билиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишларини, айниқса, “ягона дарча” маркази фаолиятига тегишли бўлганларини, шунингдек, Рўйхатга киритилган давлат хизматлари кўрсатиш тартибини;

“ягона дарча” маркази фаолияти тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий актлар ва норматив ҳужжатлар, шунингдек, Рўйхатга киритилган давлат хизматлари кўрсатиш тартибининг умумий қоидаларини;

асосий вазифа ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, “ягона дарча” маркази фаолиятини ташкил қилиш ва тартибини сақлашни, иш тартиби ва структурасини, шунингдек, “ягона дарча” маркази номи ёзилган думалоқ муҳр, штамп ва бланкаларни сақлаш, фойдаланиш тартибини;

“ягона дарча” маркази орқали давлат хизматлари кўрсатиш тартибининг умумий қоидаларини, шу жумладан аризачининг давлат хизматлари кўрсатишнинг рад этилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишни;

жавобгарлик чораларини, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатишнинг, шу-

нингдек, лицензия ва бошқа рухсат бериш характеридаги ҳужжатларни беришнинг қонунда белгиланган тартиб ва муддатларни бузиш билан боғлиқ маъмурий, жиноий жавобгарлик чораларини;

давлат хизматлари кўрсатиш вақтидаги ахборот хавфсизлигининг асосий талабларини;

интернет тармоғи (Ўзбекистон Республикаси Интерактив давлат хизматлари ягона портали – www.my.gov.uz, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – www.lex.uz), дастурий маҳсулотлар ("E-ijro", "Microsoft Word", "Excel", "PowerPoint", "Adobe Acrobat", "WinRaR"), ташкилий техника (сканер, принтер, факс, нусха кўчирувчи аппарат) билан ишлаш ва шахсий компьютерда ишлаш қоидаларига амал қилишни;

меҳнат муҳофазаси нормалари ва қоидаларини, техника хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлиги, шунингдек, муомала маданияти этикети қоидаларини билиши лозим.

1.6. Мудир бўлмаган пайтда (хизмат сафарида бўлган, таътилда бўлган, касал бўлган ва бошқа пайтда) унинг лавозим мажбуриятларини сифатли, самарали ва ўз вақтида бажариш учун тўлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олувчи, белгиланган тартибда тайинланадиган бўлим мутахассиси амалга оширади.

## II. Мудирнинг вазифалари

2.1. Мудир қуйидаги асосий вазифаларни ҳал қилади:

"ягона дарча" маркази фаолияти соҳасида тадбиркорлик субъектларининг саволларига самарали жавоб беришни таъминлаш;

ташриф буюрувчиларга, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларига амалдаги қонунчиликка мувофиқ сифатли консультациялар бериш;

телефон тармоғининг узлуксиз ишлашини таъминлаш;

бошқа бўлим (сектор)ларга "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатишни ташкил қилишда ёрдам бериш;

тадбиркорлик субъектларига (кейинги ўринларда – аризачилар деб юритилади) ахборот ёрдами кўрсатиш, шу жумладан, давлат хизматлари кўрсатиш тартиби ва муддатлари тўғрисида бепул консультациялар беришни таъминлаш.

## III. Мудирнинг функциялари

3.1. Мудир қуйидаги функцияларни бажаради:

телефон қўнғироқларини қабул қилиш;

дастурий техник воситалар ёрдамида телефон қўнғироқларининг ҳисобини юритиш;

"ягона дарча" маркази фаолияти тартибини белгиловчи, давлат хизматлари паспорти, шу жумладан, давлат хизматлари Рўйхатига киритилган давлат хизматлари кўрсатиш тартиби юзасидан жавоб бериш;

лицензия ва бошқа рухсат бериш характеридаги ҳужжатлар юзасидан жавоб бериш;

"ягона дарча" маркази фаолияти соҳасидаги саволларга жавоб бериш.

3.2. Ахборот айирбошлашда техник носозликлар вужудга келган ҳолатларда мудирга аризачи томонидан қоғозда тақдим этилган аризани у олинган санадан бошлаб бир иш куни мобайнида почта алоқаси воситасида (буюртма хат билан) ёхуд ўзининг масъул ходими орқали юбориш функцияси юкланади.

3.3. Бошқа жойдаги "ягона дарча" марказига ҳозир бўлиш тартибида ёки почта алоқаси орқали мурожаат қилинган ёки аризачи рўйхатдан ўтказилган тақдирда ариза тегишли "ягона дарча" марказини хабардор қилган ҳолда идоралараро электрон тарзда ҳамкорлик қилиш тизими орқали "ягона дарча" маркази томонидан тегишли ваколатли органга юборилади.

3.4. Аризачи томонидан "ягона дарча" марказига ариза электрон манба орқали тақдим этилган тақдирда "ягона дарча" маркази ходими, зарурат бўлганда, "ягона дарча" маркази биносидаги хизмат кўрсатиш учун ажратилган жойда унга аризанинг Ягона портал орқали юборилишида кўмаклашади.

## IV. Мудирнинг ҳуқуқлари

4.1. Мудир қуйидаги ҳуқуқларга эга:

тегишли маълумотлар базаларидан, давлат ахборот тизимларидан ва ваколатли органлар ресурсларидан белгиланган тартибда фойдаланиш;

ваколатли органлардан уларнинг ваколатига кирувчи масалалар бўйича ҳужжатлар ҳамда ахборотларни сўраш ва тўловсиз олиш;

тегишли ваколатли органларга аризачининг давлат хизматлари кўрсатишнинг рад этилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш учун материалларни юбориш;

"ягона дарча" маркази моддий-техника базасидан фойдаланиш;

4.2. Мудир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 14 декабрдаги 358-сонли қарори билан тасдиқланган "Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида"ги Низомда назарда тутилган бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

## V. Мудирнинг мажбуриятлари

5.1. Мудир қуйидагиларга мажбур:

"ягона дарча" маркази моддий-техник базаси ҳисобини юритиш, сақлаш, лозим даражада фойдаланишни таъминлаш;

Рўйхатга киритилган давлат хизматларини кўрсатувчи республика, вилоят, шаҳар (вилоят) доирасидаги давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ахборот алмашинувини мувофиқлаштиришни таъминлаш;

юзага келаётган муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва "ягона дарча" маркази директорига уларни ҳал этиш юзасидан таклифларни тайёрлаш;

меҳнат низолари ва келишмовчиликларни ўз ваколат доирасида ҳал қилиш;

бўлим (сектор) фаолияти натижаларини таҳлил қилиб бориш ва доимий равишда унинг самарадорлигини оширишни таъминлаш.

## VI. Мудирнинг жавобгарлиги

6.1. Қуйидагилар учун шахсий жавобгарликни мудир ўз зиммасига олади:

(call-марказ) сектор фаолиятини ўз вақтида ташкил қилиш;

Рўйхатга киритилган, “ягона дарча” маркази орқали давлат хизматларини кўрсатиш тартибига сўзсиз амал қилиш;

(call-марказ) секторга юклатилган вазифа ва функцияларни амалга ошириш;

қонунчиликда белгиланган, унинг ваколат доирасидан четга чиқиб қабул қилинган қарорлар юзасидан келиб чиқадиган оқибатлар.

6.2. Шунингдек, мудир:

амалдаги Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги билан белгиланган доирада – мазкур мансаб йўриқномасида назарда тутилган лавозим мажбуриятларини лозим даражада бажаришни;

амалдаги Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва фуқаролик қонунчилиги билан белгиланган доирада – етказилган моддий зарарни;

бевосита ўзининг лавозим мажбуриятларини бажариш жараёнида йўл қўйилган хатоликлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Мазкур мансаб йўриқномаси 2016 йил “___” __________да Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан тасдиқланган Намунавий мансаб йуриқномасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**Ишлаб чиқилган:**

_______________ туман (шаҳар) ҳокимияти

(тўлиқ номи)

Ташкилий-назорат гуруҳи бўлими бошлиғи

“___” ____________ 20___ й.

_______________ / ____________

(Ф.И.О.) (имзо)

**Келишилган:**

__________ туман (шаҳар) ҳокимлиги
(тўлиқ номи)
ҳуқуқшуноси

"___" __________ 20___ й.

__________ / __________
(Ф.И.О.) (имзо)

Мазкур мансаб йўриқномаси билан таништирилдим ва унга амал қилиш мажбуриятини оламан:

"___" __________ 20___ й.

__________ / __________
(Ф.И.О.) (имзо)

## Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни тугатиш соҳасига оид САВОЛ-ЖАВОБЛАР

**1-савол: "Юридик шахс" тушунчаси нима?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 39-моддасига асосан ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади.

**2-савол: Юридик шахснинг қандай турлари мавжуд?**

**Жавоб:** Фуқаролик кодексининг 40-моддасига кўра, фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган (тижоратчи ташкилот) ёки фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаган ташкилот (тижоратчи бўлмаган ташкилот) юридик шахс бўлиши мумкин.

Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс хўжалик ширкати ва жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ва қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда тузилиши мумкин.

Тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахс жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд ва мулкдор томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассаса шаклида, шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда ташкил этилиши мумкин.

**3-савол: Юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига нималар киради?**

**Жавоб:** Фуқаролик кодексининг 43-моддасига кўра юридик шахс устав асосида ёки таъсис шартномаси ва устав асосида ёхуд фақат таъсис шартномаси асосида иш олиб

боради. Қонунда назарда тутилган ҳолларда тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахс шу турдаги ташкилотлар ҳақидаги низом асосида иш олиб бориши мумкин.

**4-савол: Давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур ҳужжатлар кимлар томонидан тайёрланади?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 4-бандига асосан давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш муассисларнинг ихтиёрига кўра:

- муассисларнинг ўзлари томонидан;
- шартнома асосида – Савдо-саноат палатаси ёхуд бошқа консалтинг фирмалари, бошқа шахслар томонидан амалга оширилади.

**5-савол: Республикамизда тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишни амалга оширувчи қандай органлар мавжуд?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ–357-сон ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарорлари билан тасдиқланган Низомларга мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказиш:

- аудиторлик ташкилотлари, суғурталовчилар ва суғурта брокерлари, биржалар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг тегишли қарорлари билан акциядорлик компаниялари (шу жумладан, давлат-акциядорлик компаниялари ва холдинглар) шаклида ташкил этилаётган хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган бозорлар ва солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа ташкилотлар – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан;
- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ташкил этиладиган бозорлар ва қонун ҳуж-

жатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа ташкилотлар – Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар адлия бошқармалари томонидан;

- барча тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар, юқорида кўрсатилганлардан ташқари – туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 сентябрдаги 413-сон қарори билан тасдиқланган Низомга асосан тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Марказий банки тўғрисида"ги Қонунига ва Марказий банк бошқарувининг 2009 йил 15 августдаги қарори билан тасдиқланган "Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида"ги Низомга (рўй. рақ. 2014-сон, 08.10.2009 й.) асосан тижорат банкларини рўйхатга олиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан амалга оширилади.

**6-савол: Адлия органларида давлат рўйхатидан ўтказиладиган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар қандай шартларга жавоб бериши керак?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 30 ноябрдаги ПФ–1652-сон Фармони 1-бандига асосан, 1998 йилнинг 1 апрелидан бошлаб қуйидаги шартларга жавоб берадиган янгидан ташкил этиладиган корхоналар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ва унинг ҳудудий органларида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар жумласига киради:

- корхонанинг низом жамғармаси 150 минг АҚШ долларига тенг суммадан кам бўлиши мумкин эмас;

- корхона иштирокчиларидан бири, албатта, хорижий, юридик шахс бўлиши шарт;

- хорижий сармоялар улуши корхона низом жамғармасининг камида 30 фоизини ташкил этиши зарур.

Янги ташкил этилаётган корхоналар мазкур шартларга жавоб бермаган тақдирда хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар жумласига кирмайди ҳамда корхона жойлашган ҳудуддаги шаҳар ва туман ҳокимликларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

**7-савол: Адлия органларидан давлат рўйхатидан ўтказиладиган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун қанча миқдорда давлат божи тўланади?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ–357-сон ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 22 мартдаги 153-сон, 2003 йил 20 августдаги 357-сон Қарорлари билан тасдиқланган Низомларга ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 сентябрдаги 402-сон қарорига асосан Адлия вазирлигида, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида ва вилоятлар адлия бошқармаларида давлат рўйхатидан ўтказилганлик учун:

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун – энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида, шунингдек, 500 АҚШ доллари;

- суғурта ва аудиторлик ташкилотлари, солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари, биржалар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорлари билан ташкил этиладиган акциядорлик компаниялари (шу жумладан, давлат-акциядорлик компаниялари ва холдинглар) шаклидаги хўжалик бошқаруви органлари, Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси таркибига кирадиган ҳудудий (вилоятлар, вилоятлараро ва туманлараро) базалар, ломбардлар ва бозорлар учун – энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида;

- юридик шахслар бирлашмалари учун – энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

**8-савол: Тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун қанча миқдорда давлат божи тўланади?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ–357-сон ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 22 мартдаги 153-сон, 2003 йил 20 августдаги 357-сон Қарорлари билан тасдиқланган Низомларга ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 сентябрдаги 402-сон қарорига мувофиқ тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун белгиланган давлат божининг 50 фоизи миқдорида тўлов олинади.

**9-савол: Тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун "Ягона дарча" марказларида қанча миқдорда давлат божи ундирилади?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 12 майдаги "Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–1529-сон қарорининг 2-бандига мувофиқ, 2011 йил 1 июндан туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги "Ягона дарча" марказларида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўланадиган давлат божи ставкаси энг кам иш ҳақи миқдорининг бир бараварига тенгдир, деб белгиланди.

**10-савол: Қандай турдаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказганлик учун давлат божи олинмайди?**

**Жавоб:** Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 5-бандига асосан деҳқон хўжаликлари, шунингдек, давлат корхоналари негизида ташкил қилинадиган акциядорлик жамиятларидан давлат божи олинмайди.

**11-савол: Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун қандай ҳужжатлар тақдим қилиниши лозим?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ–357-сон ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон Қарорлари билан тасдиқланган Низомларга асосан белгиланган шаклдаги ариза тақдим этилади ва мазкур аризага:

- давлат тилидаги таъсис ҳужжатларининг икки асл нусхаси, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва хорижий сармоя иштирокидаги бошқа корхоналар учун нотариал тасдиқланган таъсис ҳужжатлари;

- давлат божининг белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақидаги банк тўлов ҳужжати (деҳқон хўжаликлари, шунингдек давлат корхоналари негизида ташкил этиладиган акциядорлик жамиятларидан ташқари);

- фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасида қулай фирма номи захирага олинганлигини тасдиқлайдиган ягона логин ва пароль;

- икки нусхада муҳр ва штамп эскизлари.

Шунингдек, давлат рўйхатидан ўтказиш учун юқорида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) бозорлар учун – бозор ташкил қилишга ер участкаси ажратиб бериш тўғрисидаги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарори;

б) хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва хорижий сармоя иштирокидаги бошқа корхоналар учун:

хорижий муассис тўғрисида юридик шахс рўйхатдан ўтказилган жойдаги савдо реестридан кўчирма ёки, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси томонидан белгиланган тартибда легализация қилинган ушбу юридик шахс фаолиятини тасдиқловчи бошқа ҳужжат, булар мавжуд бўлмаган тақдирда эса – муассис рўйхатдан ўтказилган давлат

Ташқи ишлар вазирлигида, мазкур мамлакатнинг Ўзбекистон Республикасидаги консуллик муассасасида ёки дипломатик ваколатхонасида легализация қилиниб, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик бошқармасида тасдиқланган бошқа ҳужжат, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса. Хорижий муассис тўғрисида савдо реестридан кўчирмада ёки ушбу юридик шахснинг фаолиятини тасдиқловчи бошқа ҳужжатда хорижий юридик шахснинг, у жойлашган жойнинг номи, хорижий юридик шахс номидан имзолаш ҳуқуқига эга бўлган шахснинг маълумотлари мавжуд бўлиши керак. Кўрсатиб ўтилган кўчирма берилган пайтидан бошлаб бир йил мобайнида ҳақиқий ҳисобланади. Жисмоний шахс – Ўзбекистон Республикаси норезиденти ўз паспортининг нусхасини тақдим этади. Ушбу ҳужжатлар белгиланган тартибда нотариал тасдиқланган давлат тилидаги таржимаси билан тақдим этилиши керак. Агар хорижий муассиснинг корхона (ташкилот) устав фондига улуши интеллектуал мулк бўлса, у ҳолда ариза берувчи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда баҳоловчи ташкилот томонидан тайёрланган баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиши керак;

кредит ташкилотлари учун – муассислардан ҳар бирининг корхона устав фондидаги улуши миқдоридан 30 фоизи киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (вақтинча жамғариладиган сўм ва валюта ҳисоб рақамига пул маблағлари ўтказилганлиги тўғрисида банкнинг маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига мол-мулк олиб кирганлигини тасдиқловчи божхона ҳужжати, мол-мулкнинг олди-берди далолатномаси, киритилаётган мол-мулкка эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат ва бошқалар).

в) деҳқон хўжаликлари (юридик шахслар) ҳамда фермер хўжаликлари учун – туман ҳокимининг ер участкаси ажратиб бериш тўғрисидаги қарори нусхаси;

хўжалик юритувчи субъектлар бирлашмалари ташкил этишга (рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда) олдиндан розилик бериш тўғрисида монополияга қарши органнинг қарори.

**12-савол: Юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатга олувчи органга қандай ҳужжатлар тақдим этилади?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги қарори билан тасдиқланган Низомнинг 171-бандига кўра, юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза-хабарномага қуйидагилар илова қилинади:

юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик шаклида фаолиятни амалга оширувчи оила аъзоларининг 3х4 см ўлчамдаги иккита фотосурати;

давлат божининг белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақидаги банк тўлов ҳужжати;

икки нусхада мухр ва штамп эскизлари (юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъектининг хоҳишига кўра);

паспортлар нусхалари ва юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик шаклида фаолиятни амалга оширувчи оила аъзоларининг қариндошлик даражасини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар.

**13-савол: Тадбиркорлик субъектларини хабардор қилиш тартиби асосида давлат рўйхатидан ўтказиш муддати қанча?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ–357-сон Қарорига асосан ариза – хабарномани берган пайтдан бошлаб тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатига олиб, унга давлат рўйхатига олинганлик тўғрисидаги гувоҳномани беришгача ўтадиган муддат кўпи билан икки иш кунини ташкил этади.

**14-савол: Тадбиркорлик субъектларининг таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун қандай ҳужжатлар тақдим қилиниши керак?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ–357-сон ва Вазирлар Маҳкама-

синг 2003 йил 20 августдаги 357-сон Қарорлари билан тасдиқланган Низомларга асосан тадбиркорлик субъектларининг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тақдирда тадбиркорлик субъектининг ваколатли бошқарув органи томонидан тегишли қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб 1 ой мобайнида уларни рўйхатдан ўтказган органга (ўзлари келган ҳолда, почта алоқаси воситасида ёки Интернет тармоғи орқали) қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- ариза;

- тадбиркорлик субъектининг ваколатли бошқарув органининг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарори;

- ўзгартириш ва қўшимчалар матнининг ваколатли шахс томонидан имзоланган ва тадбиркорлик субъекти муҳри билан тасдиқланган икки нусхаси;

- номи ўзгарган тақдирда – давлат рўйхатидан ўтказилганлик ҳақидаги гувоҳноманинг асл нусхаси ва фирма номининг захирага олиниши тасдиғи, алмаштириладиган муҳр ва штамп, шунингдек янги муҳр ва штампнинг икки нусхадаги эскизи;

- давлат божи белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақида банк тўлови ҳужжати;

- устав фондининг миқдори кўпайтирилган тақдирда – тадбиркорлик субъекти ваколатли органининг таъсис ҳужжатларида эълон қилинган устав фонди миқдорининг шакллантирилганлиги ҳақидаги ҳужжат, шунингдек, масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар учун – иштирокчи ҳиссасининг тўлиқ киритилганлиги ҳақида жамият томонидан жамият иштирокчисига берилган гувоҳнома нусхаси ҳамда жамият иштирокчилари томонидан қўшимча ҳиссалар ва учинчи шахслар томонидан ҳиссалар тўлиқ миқдорда қўшилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

- устав фонди камайтирилган тақдирда – уларга маълум бўлган барча кредиторлар устав фонди миқдори ка-

майтирилиши ва унинг янги миқдори ҳақида ёзма равишда хабардор этилганлигини ва оммавий ахборот воситаларида қабул қилинган қарор ҳақида ахборот эълон қилинганлигининг тасдиғи (уларга маълум барча кредиторлар устав фонди миқдори камайтирилиши ва унинг янги миқдори ҳақида ёзма равишда хабардор этилган ва оммавий ахборот воситаларида қабул қилингандан кейин бир ҳафта муддатда тақдим қилинади);

- улуш (ҳисса) ёки акция бошқага ўтган тақдирда – ушбу улуш (ҳисса) ёки акциянинг бошқага ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат (шартнома, хат ва шу кабилар);

- устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) сотиб олиш бўйича битимлар содир этишга, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар бирлашмаларини ташкил этишга, хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш ва қўшиб олишга (рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда) олдиндан розилик бериш тўғрисида монополияга қарши органнинг қарори;

- тадбиркорлик субъекти ажратиб чиқариш ва қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилган тақдирда – қайта ташкил этилаётган юридик шахсга маълум бўлган барча кредиторлар қайта ташкил қилиш ҳақида ёзма равишда хабардор этилганлигининг ва оммавий ахборот воситаларида ахборот эълон қилинганлигининг тасдиғи, қайта ташкил этилаётган юридик шахсларнинг уларнинг барча кредиторлар ва қарздорларига, шу жумладан, томонлар даъволашаётган мажбуриятларга нисбатан барча мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидалар кўрсатилган бўлиш баланси ёки топшириш далолатномаси, шунингдек, давлат рўйхатидан ўтказилганлик ҳақидаги гувоҳноманинг асл нусхаси, қўшиб олинаётган юридик шахснинг муҳр ва штампи;

- таъсис ҳужжатларига муассислар таркибига хорижий шахс кириши билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда хорижий муассис тўғрисида юридик

шахс рўйхатдан ўтказилган жойдаги савдо реестридан кўчирма ёки, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси томонидан белгиланган тартибда легализация қилинган ушбу юридик шахс фаолиятини тасдиқловчи бошқа ҳужжат, булар мавжуд бўлмаган тақдирда эса – муассис рўйхатдан ўтказилган давлат Ташқи ишлар вазирлигида, мазкур мамлакатнинг Ўзбекистон Республикасидаги консуллик муассасасида ёки дипломатик ваколатхонасида легализация қилиниб, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик бошқармасида тасдиқланган бошқа ҳужжат, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса. Хорижий муассис тўғрисида савдо реестридан кўчирмада ёки ушбу юридик шахснинг фаолиятини тасдиқловчи бошқа ҳужжатда хорижий юридик шахснинг, у жойлашган жойнинг номи, хорижий юридик шахс номидан имзолаш ҳуқуқига эга бўлган шахснинг маълумотлари мавжуд бўлиши керак. Кўрсатиб ўтилган кўчирма берилган пайтидан бошлаб бир йил мобайнида ҳақиқий ҳисобланади. Жисмоний шахс – Ўзбекистон Республикаси норезиденти ўз паспортининг нусхасини тақдим этади. Ушбу ҳужжатлар белгиланган тартибда нотариал тасдиқланган давлат тилидаги таржимаси билан тақдим этилиши керак;

- хорижий юридик ёки жисмоний шахснинг қисми (улуши)ни реализация қилиш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганда рўйхатдан ўтказган органга қисмни (улушни) реализация қилишдан олинган даромадлар бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ёки жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўланганлиги тўғрисидаги маълумотнома ҳам тақдим этилади, қисм (улуш) Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтган юридик шахсга реализация қилиниши ҳоллари бундан мустасно.

**15-савол: Жамиятнинг номини ўзгартиришда рўйхатга олувчи органга қандай ҳужжатлар тақдим этилиши лозим?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ–357-сон Қарори билан тасдиқланган Низомнинг 33-бандига асосан тадбиркорлик субъектининг ваколатли бошқарув органи томонидан тегишли қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб 1 ой мобайнида рўйхатга олувчи органган қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади.

Ариза ва унга илова сифатида тадбиркорлик субъектининг ваколатли бошқарув органининг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарори, корхонани давлат рўйхатидан ўтказилганлик ҳақидаги гувоҳноманинг асл нусхаси ва фирма номининг захирага олинганлигини тасдиғи, алмаштириладиган муҳр ва штамп, шунингдек, янги муҳр ва штампнинг икки нусхадаги эскизи ҳамда давлат божи белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақидаги банк тўлов ҳужжати ҳамда таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар матнининг ваколатли шахс томонидан имзоланган ва тадбиркорлик субъекти муҳри билан тасдиқланган икки нусхаси.

**16-савол: Корхона устав фондини кўпайтириш учун рўйхатга олувчи органга қандай ҳужжатлар тақдим этилиши лозим?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ–357-сон ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарорлари билан тасдиқланган Низомларга асосан корхона устав фонди миқдори кўпайтирилган тақдирда:

- ариза;
- тадбиркорлик субъектининг ваколатли бошқарув органининг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарори;

- ўзгартириш ва қўшимчалар матнининг ваколатли шахс томонидан имзоланган ва тадбиркорлик субъекти муҳри билан тасдиқланган икки нусхаси;

- давлат божи белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақида банк тўлови ҳужжати;

- тадбиркорлик субъекти ваколатли органининг таъсис ҳужжатларида эълон қилинган устав фонди миқдорининг шакллантирилганлиги ҳақидаги ҳужжат;

- масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар учун иштирокчи ҳиссасининг тўлиқ киритилганлиги ҳақида жамият томонидан жамият иштирокчисига берилган гувоҳнома нусхаси;

- жамият иштирокчилари томонидан қўшимча ҳиссалар ва учинчи шахслар томонидан ҳиссалар тўлиқ миқдорда қўшилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилиши лозим.

**17-савол: Корхона устав фондини камайтириш учун рўйхатга олувчи органга қандай ҳужжатлар тақдим этилиши керак?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ–357-сон ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарорлари билан тасдиқланган Низомларга асосан устав фондининг миқдори камайтирилган тақдирда – тадбиркорлик субъектининг ваколатли бошқарув органининг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарори, ўзгартириш ва қўшимчалар матнининг ваколатли шахс томонидан имзоланган ва тадбиркорлик субъекти муҳри билан тасдиқланган икки нусхаси, давлат божи белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақида банк тўлови ҳужжати, корхонага маълум бўлган барча кредиторлар устав фонди миқдори камайтирилиши ва унинг янги миқдори ҳақида ёзма равишда хабардор этилганлигини ва оммавий ахборот воситаларида қабул қилинган қарор ҳақида ахборот эълон қилинганлигининг тасдиқловчи (уларга маълум барча кре-

диторлар устав фонди миқдори камайтирилиши ва унинг янги миқдори ҳақида ёзма равишда хабардор этилган ва оммавий ахборот воситаларида қабул қилингандан кейин бир ҳафта муддатда тақдим қилинади) ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза билан мурожаат қилишингиз лозим.

**18-савол: Таъсис ҳужжатларига таъсисчилар улушини реализация қилиш билан боғлиқ ўзгартириш киритилганда, мазкур қисмга солиқ солинадими?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ–357-сон ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарорлари билан тасдиқланган Низомларга асосан хорижий юридик ёки жисмоний шахснинг қисми (улуши)ни реализация қилиш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганда рўйхатдан ўтказган органга қисмни (улушни) реализация қилишдан олинган даромадлар бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ёки жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўланганлиги тўғрисидаги маълумотнома ҳам тақдим этилади, қисм (улуш) Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтган юридик шахсга реализация қилиниши ҳоллари бундан мустасно.

**19-савол: Юридик шахсларни қайта ташкил этиш қандай тартибда амалга оширилади?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 49-моддасига асосан юридик шахсларни қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) унинг муассислари (иштирокчилари) ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахс органи қарорига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

Қонунда белгиланган ҳолларда юридик шахсни бўлиш ёки унинг таркибидан бир ёхуд бир неча юридик шахсни ажратиб чиқариш шаклида уни қайта ташкил этиш вакил қилинган давлат органларининг қарори билан ёхуд суд қарори билан амалга оширилади.

Агар юридик шахс муассислари (иштирокчилари), улар вакил қилган орган ёки юридик шахснинг ўз таъсис ҳужжатлари билан қайта ташкил этишга вакил қилинган органи юридик шахсни ваколатли давлат органининг қарорида белгиланган муддатда қайта ташкил этмаётган бўлса, суд мазкур давлат органининг даъвоси бўйича юридик шахснинг бошқарувчисини тайинлайди ва унга ушбу юридик шахсни қайта ташкил этишни топширади. Бошқарувчи тайинланган пайтдан бошлаб унга юридик шахснинг ишларини бошқариш ваколатлари ўтади. Бошқарувчи судда юридик шахс номидан ҳаракат қилади, тақсимлаш балансини тузади ва уни юридик шахсларни қайта ташкил этиш натижасида вужудга келадиган таъсис ҳужжатлари билан бирга кўриб чиқиш учун судга топширади. Суднинг ушбу ҳужжатларни тасдиқлаши янгидан вужудга келаётган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлади.

Қонунда белгиланган ҳолларда юридик шахсларни қўшиб юбориш, қўшиб олиш ёки ўзгартириш шаклида қайтадан ташкил этиш ваколатли давлат органларининг розилиги билангина амалга оширилиши мумкин.

Қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш ҳолларини истисно қилганда, янгидан вужудга келган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс қайта ташкил этилган ҳисобланади.

Юридик шахс унга бошқа юридик шахсни қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилганида қўшиб олинган юридик шахснинг фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилган пайтдан бошлаб юридик шахс қайта ташкил этилган ҳисобланади.

**20-савол: Бир турдаги юридик шахс бошқа турдаги юридик шахсга ўзгартирилганда, рўйхатга олувчи органга асосий ҳужжатларга қўшимча равишда қандай ҳужжатлар талаб этилади?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ–357-сон ва Вазирлар Маҳкамаси-

нинг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарорлари билан тасдиқланган Низомларга асосан қайта ташкил қилинаётган юридик шахсга маълум бўлган барча кредиторлар ёзма равишда хабардор этилганлигини ва оммавий ахборот воситаларида қайта ташкил этиш ҳақида ахборот эълон қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат, қайта ташкил этилаётган юридик шахсларнинг уларнинг барча кредиторлари ва қарздорларига, шу жумладан томонлар даъволашаётган мажбуриятларга нисбатан барча мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидалар кўрсатилган топшириш далолатномаси, қайта ташкил қилинаётган юридик шахснинг рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномасининг асл нусхаси, муҳри ва штампи ҳам тақдим этилади.

**21-савол: Тадбиркорлик субъектини ажратиб чиқариш ва қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этишда рўйхатга олувчи органга қандай ҳужжатлар тақдим қилинади?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги 357-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 33-банди, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 августдаги 357-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 72-бандига асосан тадбиркорлик субъекти ажратиб чиқариш ва қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилиши мумкин.

Қайта ташкил қилиш учун ариза, таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор, давлат божи, шунингдек қайта ташкил этилаётган юридик шахсга маълум бўлган барча кредиторлар қайта ташкил қилиш ҳақида ёзма равишда хабардор этилганлигининг ва оммавий ахборот воситаларида ахборот эълон қилинганлигининг тасдиғи, қайта ташкил этилаётган юридик шахсларнинг уларнинг барча кредиторлар ва қарздорларига, шу жумладан томонлар даъволашаётган мажбуриятларга нисбатан барча мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидалар кўрсатилган бўлиш баланси ёки топшириш далолатномаси, давлат рўйхатидан

ўтказилганлик ҳақидаги гувоҳноманинг асл нусхаси, қўшиб олинаётган юридик шахснинг муҳр ва штампи, хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш ва қўшиб олишга олдиндан розилик бериш тўғрисида монополияга қарши органнинг қарори тақдим қилиниши лозим.

**22-савол: Юридик шахсларни қайта ташкил этишда ҳуқуқий ворислик қоидалари қандай тартибда амалга оширилади?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 50-моддасига асосан юридик шахслар қайта ташкил қилинганда ҳуқуқий ворислик вужудга келади. Жумладан, юридик шахс қўшиб юборилганида улардан ҳар бирининг ҳуқуқ ва бурчлари топшириш ҳужжатига мувофиқ янгидан вужудга келган юридик шахсга ўтади. Юридик шахс бошқа юридик шахсга қўшилганида, юридик шахсга қўшилган бошқа юридик шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари топшириш ҳужжатига мувофиқ ўтади. Юридик шахс бўлинган тақдирда унинг ҳуқуқ ва бурчлари тақсимлаш балансига мувофиқ янгидан вужудга келган юридик шахсларга ўтади. Юридик шахс таркибидан бир ёки бир неча юридик шахс ажралиб чиққанида қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари тақсимлаш балансига мувофиқ уларнинг ҳар бирига ўтади.

Бир турдаги юридик шахс бошқа турдаги юридик шахсга айлантирилганида (ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгартирилганида), қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари топшириш ҳужжатига мувофиқ янгидан вужудга келган юридик шахсга ўтади.

**23-савол: Тадбиркорлик субъектларининг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш қандай асосларга кўра рад этилади?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ–357-сон ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарорлари билан

тасдиқланган Низомларга мувофиқ тадбиркорлик субъектларининг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

- тегишли бўлмаган рўйхатга олиш органига мурожаат қилиш;
- мазкур Низомда кўрсатилган ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим этилмаганлиги;
- тақдим этилган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мос келмаслиги.

**24-савол: Тадбиркорлик субъектлари почта манзили ўзгарган тақдирда қанча муддатда бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи органни ёзма равишда хабардор қилиш керак?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ–357-сон ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарорлари билан тасдиқланган Низомларга мувофиқ тадбиркорлик субъектлари ўз почта манзили ўзгарган тақдирда ўн кун муддатда бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи органларни ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

**25-савол: Тадбиркорлик субъектларининг почта манзили ўзгарган тақдирда рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат олинадими? Рўйхатдан ўтказувчи органлар хабарномани олгандан бошлаб қанча муддатда ушбу ўзгариш ҳақида давлат солиқ хизмати ва давлат статистика органларини хабардор қиладилар?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ–357-сон ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарорлари билан тасдиқланган Низомларга мувофиқ рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан тадбиркорлик субъектларининг почта манзилини ўзгартиришда давлат божи олинмайди.

Рўйхатдан ўтказувчи органлар хабарномани олгандан бошлаб икки кун муддатда ушбу ўзгариш ҳақида давлат солиқ хизмати ва давлат статистика органларини хабардор қилади.

**26-савол: Тадбиркорлик субъектига реестрдан кўчирма рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан қанча муддатда берилади?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ–357-сон ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарорлари билан тасдиқланган Низомларга мувофиқ кўчирма тадбиркорлик субъекти юридик шахсларнинг давлат реестрида турган рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан тадбиркорлик субъектининг мурожаати олинган пайтдан бошлаб бир кун мобайнида берилади.

**27-савол: Давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганда ёки яроқсиз ҳолга келганида унинг дубликати бериладими?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ–357-сон ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарорлари билан тасдиқланган Низомларга мувофиқ йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ўрнига тадбиркорлик субъекти аризасига биноан унинг дубликати берилиши мумкин.

**28-савол: Давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома дубликатини беришда қанча миқдорда тўлов ундирилади?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ–357-сон ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарорлари билан тасдиқланган Низомларга мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома дубликатини беришда энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида тўлов ундирилади.

**29-савол: Йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома дубликатини олиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга қандай ҳужжатлар тақдим қилиниши лозим?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ–357-сон ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарорлари билан тасдиқланган Низомларга мувофиқ йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома дубликатини олиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

- ариза;
- давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги йўқолган гувоҳноманинг ҳақиқий эмаслиги ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон;
- яроқсиз ҳолга келган давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг асли;
- банк тўлов ҳужжати.

**30-савол: Йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома дубликатини бериш муддати қанча?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ–357-сон ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарорлари билан тасдиқланган Низомларга мувофиқ дубликатни бериш муддати уч иш кунидан ошмаслиги керак.

**31-савол: Юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъектига янги гувоҳнома расмийлаштиришда қанча миқдорда тўлов ундирилади?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги қарори билан тасдиқланган Низомнинг 751-бандига асосан юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъектига давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги янги гувоҳномани беришда энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида тўлов ундирилади.

**32-савол: “Масъулияти чекланган жамият” тушунчасига таъриф беринг?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига асосан бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдорларда улушларга бўлинган хўжалик жамияти масъулияти чекланган жамият деб ҳисобланади.

**33-савол: Масъулияти чекланган жамиятнинг устав фондига қўшиладиган ҳиссалар нималардан иборат бўлиши мумкин?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонунининг 15-моддасига асосан пул, қимматли қоғозлар, ўзга ашёлар ёки мулкий ҳуқуқлар ёхуд пул баҳосига эга бўлган бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга ҳуқуқлар жамиятнинг устав фондига (устав капиталига) қўшиладиган ҳиссалар бўлиши мумкин.

**34-савол: Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар иштирокчилари умумий йиғилишининг баённомасида қандай қоидалар кўрсатилиши керак?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонунининг 35-моддасига асосан, жамият иштирокчилар умумий йиғилишининг баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- иштирокчилар умумий йиғилиши ўтказиладиган вақт ва жой;
- йиғилишда қатнашаётган иштирок этувчилар эга бўлган овозларнинг умумий сони;
- йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йиғилишнинг кун тартиби.

Иштирокчилар умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ва улар бўйича овоз бериш якунлари, йиғилишда қабул қилинган қарорлар акс эттирилган бўлиши шарт.

Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг баённомаси йиғилиш ўтказилганидан сўнг уч кундан кечиктирилмай умумий йиғилиш раиси ва котиби томонидан имзоланади.

### 35-савол: Масъулияти чекланган жамият таъсисчисининг жамият устав фондидаги улуши гаровга қўйилиши мумкинми?

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Қонунининг 21-моддасига мувофиқ жамиятнинг иштирокчиси жамиятнинг устав фондидаги ўзига тегишли улушни (улушнинг бир қисмини) жамиятнинг бошқа иштирокчисига ёки, агар бу жамиятнинг уставида тақиқланган бўлмаса, жамиятнинг розилиги билан учинчи шахсга жамият барча иштирокчиларининг кўпчилик овози билан, агар бундай қарорни қабул қилиш учун жамиятнинг уставида бундан ҳам кўпроқ овозлар сони назарда тутилган бўлмаса, қабул қилинган жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорига биноан гаровга қўйишга ҳақлидир.

### 36-савол: Масъулияти чекланган жамиятга қарашли улуш жамиятга ўтган кундан эътиборан қанча муддатда жамият иштирокчилари ўртасида тақсимланади ёки учинчи шахслар фойдасига воз кечилади?

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикасининг "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Қонуни 23-моддасига мувофиқ жамиятга қарашли улуш у жамиятга ўтган кундан эътиборан бир йил ичида жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорига биноан жамиятнинг барча иштирокчилари ўртасида улар-

нинг жамият устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларига мутаносиб равишда тақсимланиши ёхуд жамиятнинг барча ёки айрим иштирокчиларига ва (ёки), агар бу жамиятнинг уставида тақиқланган бўлмаса, учинчи шахсларга сотилиши ҳамда тўлиқ тўланиши керак.

**37-савол: Масъулияти чекланган жамият томонидан филиал ва ваколатхоналар ташкил қилиниши мумкинми?**

**Жавоб:** "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ жамият ваколатхоналар ва филиаллар тузишга ҳақлидир. Ушбу Қонуннинг 11-моддасига кўра ваколатхоналар ва филиаллар ташкил этилиши билан боғлиқ ўзгартишлар киритилган ҳолларда, бундай ўзгартишлар юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган хабардор қилинган пайтдан бошлаб учинчи шахслар учун кучга киради.

**38-савол: Акциядорлик жамиятининг устав фонди миқдори қанча?**

**Жавоб:** "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига асосан акциядорлик жамияти устав фондининг (устав капиталининг) энг кам миқдори жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича тўрт юз минг АҚШ долларига тенг суммадан камни ташкил этмаслиги керак.

**39-савол: Акциядорлик жамиятининг устав фондини қандай усулларда кўпайтириш мумкин?**

**Жавоб:** "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 18-моддасига асосан жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

**40-савол: Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ташкил қилинадиган юридик шахслар бирлашмалари қаердан рўйхатдан ўтказилади?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 22 мартдаги 153-сон қарори билан тасдиқланган Юридик шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги Низомга кўра Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ташкил қилинадиган юридик шахслар бирлашмалари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва вилоят адлия бошқармаларида рўйхатдан ўтадилар.

**41-савол: Юридик шахслар бирлашмасининг таъсис ҳужжатлари нотариал тартибда тасдиқланадими?**

**Жавоб:** Ҳа, тасдиқланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 22 мартдаги 153-сон қарори билан тасдиқланган Юридик шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги Низомнинг 4-бандига асосан юридик шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга таъсис шартномаси ва уставнинг нотариус томонидан тасдиқланиши белгиланган.

**42-савол: Юридик шахслар бирлашмаларини ташкил қилиш юзасидан топширилган ҳужжатлар рўйхатга олувчи орган томонидан қанча муддатда кўриб чиқилади?**

**Жавоб:** Юридик шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш зарур ҳужжатлар илова қилинган рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза тақдим этилган вақтдан бошлаб 10 кун мобайнида кўриб чиқилади.

**43-савол: Юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган оилавий тадбиркорлик субъектларига қандай шаклдаги гувоҳнома берилади?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги 216-сон қарори билан тас-

диқланган Низомнинг 4-бандига асосан оилавий тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида белгиланган намунадаги гувоҳнома берилади.

**44-савол: Оила аъзоси неча ёшга тўлганда оилавий тадбиркорликда қатнашиши мумкин?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги 216-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 10-бандига асосан оила аъзоси 15 ёшга тўлган тақдирда оилавий тадбиркорликда қатнашиши мумкин.

**45-савол: Оилавий корхонанинг устав фонди миқдори ҳақида маълумот берсангиз?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни 11-моддасига асосан оилавий корхонанинг устав фонди корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатлар тақдим этиладиган санадаги қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан кам бўлмаслиги керак.

**46-савол: Кимлар оилавий корхонанинг иштирокчилари бўлиши мумкин?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасига асосан оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари ва набиралари, ота-онаси, меҳнатга қобилиятли ёшга тўлган бошқа қариндошлари (болалари ва набираларининг эрлари (хотинлари), туғишган ҳамда ўгай ака-ука ва опа-сингиллари, уларнинг эрлари (хотинлари) ҳамда болалари, тоға ва амаки ҳамда амма ва холалари) оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин. Фақат муомалага лаёқатли шахслар оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин.

**47-савол: Қандай ҳолларда мулкдор томонидан хусусий корхона устав фондига мол-мулкни киритишда оила аъзоларининг нотариал тасдиқланган розилиги талаб этилади?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси "Хусусий корхона тўғрисида"ги Қонунининг 12-моддасига асосан агар хусусий корхонанинг устав фонди шакллантирилаётганда мулкдор ўз оила аъзоларининг умумий (улушли ёки биргаликдаги) мулки ҳисобланган мол-мулкни корхонага бераётган бўлса, ушбу мол-мулкнинг барча мулкдорларидан нотариал тасдиқланган розилик олиш талаб этилади.

**48-савол: Қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатда давлат корхонасини ташкил этиш тартиби кўрсатилган?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарори билан тасдиқланган "Давлат корхоналари тўғрисида"ги Низомда кўрсатилган.

**49-савол: Давлат корхонасини ташкил этиш ким томонидан қабул қилинган қарор асосида амалга оширилади?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарори билан тасдиқланган "Давлат корхоналари тўғрисида"ги Низомнинг 6-бандига асосан:

1) Ўзбекистон Республикаси Президентининг;

2) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг;

3) давлат бошқаруви органининг;

4) маҳаллий давлат ҳокимияти органининг қарорлари давлат корхонасини таъсис этиш учун асос ҳисобланади.

**50-савол: Қандай ҳолларда давлат унитар корхоналари лицензияланадиган фаолият турлари бўйича лицензия олмасдан ҳам шуғулланиши мумкин?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарори билан

тасдиқланган “Давлат корхоналари тўғрисида”ги Низомнинг 5-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ташкил этилган давлат унитар корхоналари фаолиятнинг лицензияланадиган турларини, фаолиятнинг ушбу турларини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҳолларда, тегишли лицензия олмасдан амалга оширишга ҳақлидирлар.

**51-савол: Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри қайси орган томонидан юритилади?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ–357-сон ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон Қарорлари билан тасдиқланган Низомларга асосан корхона ва ташкилотларнинг Ягона давлат регистри Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан юритилади.

**52-савол: Корхонанинг фирма номида қандай белгилар кўрсатилмаслиги лозим?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикасининг “Фирма номлари тўғрисида”ги Қонуни 4-моддасига асосан фирма номида:

1) давлатнинг расмий номи, халқаро, ҳукуматлараро ёки нодавлат нотижорат ташкилотининг қисқартирилган ёки тўлиқ номи;

2) тарихий ёки Ўзбекистон Республикасида машҳур бўлган шахснинг тўлиқ ёки қисқартирилган исми, белгиланган тартибда бериладиган рухсатсиз;

3) фирма номининг эгаси, унинг фаолият тури ёки у келиб чиққан мамлакат хусусидаги сохта ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган белгилар;

4) жамият манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ принципларига зид бўлган белгилар кўрсатилмаслиги керак.

**53-савол: Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона деганда қандай корхоналар тушунилади?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни 6-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар деганда акцияларининг (улушлари, пайларининг) ёки устав жамғармасининг камида ўттиз фоизини чет эл инвестициялари ташкил этадиган корхоналар тушунилади.

**54-савол: Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг фаолияти қайси қонунлар билан тартибга солинади?**

**Жавоб:** Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг фаолиятини бевосита тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги ва “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонунлари билан тартибга солинади.

**55-савол: Ташкил этилган хорижий сармоялар иштирокидаги корхонанинг устав фонди қанча муддатда шакллантирилиши лозим?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 30 ноябрдаги ПФ–1652-сон Фармонининг 6-бандига асосан хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарнинг устав жамғармаларини таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган миқдорларда шакллантиришнинг охирги муддати ҳукуматнинг айрим қарорларида бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, корхона давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб бир йилдан ошмаслиги керак.

**56-савол: Тадбиркорлик субъектларини электрон тартибда (Интернет орқали) давлат рўйхатидан ўтказишни амалга ошириш тартиби қачондан бошлаб жорий қилинди?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 14 ноябрдаги “Тадбиркорлик субъектларини дав-

лат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги ПҚ–2066-сон қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 ноябрдаги "Тадбиркорлик субъектларини Интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизмини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 312-сон қарорига асосан тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш электрон тартибда, яъни Интернет орқали амалга ошириш тартиби 2014 йил 1 январдан бошлаб жорий этилди.

**57-савол: Оилавий корхона қандай ҳолларда тугатилиши мумкин?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикасининг "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонуни 30-моддасига асосан оилавий корхонани тугатиш унинг иштирокчиларининг ёки суднинг қарорига кўра, шунингдек, агар унда оилавий корхонанинг ягона иштирокчиси қолган бўлса, амалга оширилади.

**58-савол: Якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини муайян муддатга тўхтатиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга қандай ҳужжатларни тақдим қилади?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 373-моддасига кўра, агар якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини муайян муддатга тўхтатса, у ўз фаолиятини тўхтатгунига қадар тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказувчи органга фаолиятни вақтинчалик тўхтатиш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани топширади. Бунда ходимларни ёллаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркор солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ҳар бир ёлланган ходим учун белгиланган тартибда берилган ҳисобга олиш карточкаларини ҳам белгиланган муддатларда топширади.

**59-савол: Корхоналарни ихтиёрий тугатиш масалалари қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади?**

**Жавоб:** Корхоналарни ихтиёрий тугатиш Фуқаролик кодексининг 53–57-моддалари, “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ–630-сон Қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида”ги Низом ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

**60-савол: Корхонани ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор ким томонидан қабул қилинади?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги “Тадбиркорлик субъектларини фаолиятини тўхтатиш ва ихтиёрий тугатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ–630-сон Қарори билан тасдиқланган Низомнинг 3-бандига асосан корхонани ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор унинг муассислари (қатнашчилари) томонидан қабул қилинади.

**61-савол: Тадбиркорлик субъекти ихтиёрий тартибда тугатилаётганда иштирокчилар умумий йиғилишининг баённомасида қандай қоидалар кўрсатилиши лозим?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ–630-сон Қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 3-бандига асосан корхонани ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор унинг муассислари (қатнашчилари) томонидан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қабул қилинади. Қарорда қуйидагилар кўрсатилади:

тугатувчи – тугатиш комиссияси (унинг аъзолари таркиби) ёки жисмоний шахс (паспорти маълумотлари);

мўлжалланаётган тугатиш муддати.

**62-савол: Ихтиёрий тартибда тугатилаётган корхоналарни давлат реестридан чиқариш учун қандай ҳужжатлар тақдим этилади?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ–630-сон Қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 34-бандига асосан молия-хўжалик фаолиятини амалга оширувчи корхоналарни ихтиёрий тугатиш учун тугатувчи рўйхатдан ўтказган органга қуйидаги ҳужжатларни:

- бир ёки бир неча даврий босма нашрларда чиққан корхонанинг ихтиёрий тугатилганлиги тўғрисидаги эълонни;
- давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномани;
- корхонанинг барча ҳисоб рақамлари ёпилганлиги тўғрисида хизмат кўрсатувчи банкларнинг маълумотномаларини;
- корхонанинг муҳр ва штампларини;
- ваколатли органнинг, агар мавжуд бўлса, чиқарилган қимматли қоғозларини бекор қилиш тўғрисидаги маълумотномасини;
- агар мавжуд бўлса, барча лицензиялар (рухсатномалар)нинг асл нусхаларини;
- давлат солиқ хизмати органининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз йўқлиги тўғрисидаги хулосасини;
- тугатилаётган корхона қарздор сифатида иштирок этган ва ижро этилмаган ижро ҳужжати Суд департаменти органлари иш юритувида мавжуд эмаслиги ҳақидаги Суд департаменти ҳудудий бошқармасининг ёзма жавоби;
- корхона ҳужжатларининг давлат архивига топширилганлигини тасдиқловчи маълумотномани тақдим этади.

**63-савол: Давлат рўйхатидан ўтган вақтдан бошлаб, фаолият юритмаган корхоналарни давлат реестридан чиқариш учун рўйхатдан ўтказган органга қандай ҳужжатлар тақдим қилинади?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги "Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини тўхтатиш ва ихтиёрий тугатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги ПҚ–630-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 46-бандига асосан давлат рўйхатидан ўтган вақтдан бошлаб, фаолият юритмаган корхоналарни давлат реестридан чиқариш учун рўйхатдан ўтказган органга:

корхонанинг ихтиёрий тугатилганлиги тўғрисида газетадаги эълон, давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, банкларда ҳисоб рақамлари очилмаганлиги тўғрисидаги хат ёки, агар мавжуд бўлса, асосий ҳисоб рақами ёпилгани тўғрисидаги банк маълумотномаси, тугатилаётган корхона қарздор сифатида иштирок этган ва ижро этилмаган ижро ҳужжати Суд департаменти органлари иш юритувида мавжуд эмаслиги ҳақидаги Суд департаменти ҳудудий бошқармасининг ёзма жавоби, муассислар (қатнашчилар)нинг улар ўртасида мол-мулк тақсимланганлиги тўғрисидаги қарори, корхонанинг муҳр ва штамплари, корхона ҳужжатлари давлат архивига топширилганлигини тасдиқловчи маълумотнома тақдим этилади.

**64-савол: Ихтиёрий равишда тугатилаётган тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятини тиклаши мумкинми?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги "Тадбиркорлик субъектларини фаолиятини тўхтатиш ва ихтиёрий тугатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги ПҚ–630-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 7-бандига асосан ихтиёрий равишда тугатилаётган тадбиркорлик субъекти – жисмоний шахс тугатишнинг исталган босқичида фаолиятини тиклаш ва тугатиш жараёнини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

**65-савол: Корхоналарни мажбурий тартибда тугатиш масалалари қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 28 июндаги ПФ–2331-сонли Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сонли қарори билан тасдиқланган низомга асосан тартибга солинади.

**66-савол: Қонунчиликда белгиланган муддатда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни аниқлаш ишлари қайси давлат органи томонидан амалга оширилади?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги “Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида”ги 327-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 2.3-бандига асосан рўйхатдан ўтказган орган томонидан амалга оширилади.

**67-савол: Қонунчиликда белгиланган муддатда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарга устав жамғармасини шакллантириш учун қўшимча муддат ким томонидан берилади?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги “Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида”ги 327–сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 2.7-бандига асосан махсус комиссия томонидан устав жамғармасини шакллантириш учун муддат белгиланади ва назорат қилиб борилади.

**68-савол: Махсус комиссия томонидан қонунчиликда белгиланган муддатда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналар фаолиятини бундан кейин давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулоса (қарор) рўйхатга олувчи органга қанча муддатда юборилади?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги "Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида"ги 327-сон қарори билан тасдиқланган Низомга асосан махсус комиссия рўйхатдан ўтказувчи органнинг сўровномасини олган вақтдан бошлаб, қонунчиликда белгиланган муддатда ўз устав жамғармасини шакллантирмаган корхоналар бўйича бир ҳафта муддатда рўйхатга олувчи органга хулоса (қарор) юборишга мажбур.

**69-савол: Молия-хўжалик фаолияти деганда нима тушунилади?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги "Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида"ги 327-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 1.2-бандига асосан корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ҳамда бухгалтерия-молия, ҳисоб-китоб ва товарга илова ҳужжатларини юритиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш фаолияти молия-хўжалик фаолияти деб ҳисобланади.

**70-савол: Корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги қандай тартибда аниқланади?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги "Молия-хўжалик фаолияти-

ни амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида"ги 327-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 2.1-бандига асосан корхоналарни молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги савдо ва савдо-воситачи корхоналар томонидан уч ой мобайнида, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар – юридик шахслар томонидан эса – олти ой мобайнида банк ҳисоб рақамлари бўйича пул операцияларини ўтказган ҳолда молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаган ҳолларда тижорат банклари уч кун муддатда у ҳисобга қўйилган жойдаги солиқ хизмати органига ахборот тақдим этиши орқали аниқланади.

**71-савол: Рўйхатдан ўтказувчи органлар фаолият кўрсатмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддат мобайнида устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналар реестрига киритилган корхоналар тўғрисида қайси органларга маълумотлар тақдим этиб боради?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги "Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида"ги 327-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 2.10-бандига асосан статистика органларига ҳар ойда маълумотлар тақдим этилади ҳамда кўрсатиб ўтилган реестрга устав жамғармасини қонун ҳужжатларида белгиланган муддат мобайнида шакллантирмаган акциядорлик жамияти шаклидаги корхона тўғрисида ёзувлар киритишда рўйхатдан ўтказувчи орган бундай ёзувлар киритилган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда бу тўғрида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи давлат ваколатли органини хабардор қилади.

**72-савол: Рўйхатдан ўтказувчи орган молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) қонунчиликда белгиланган муддатда ўз устав жамғармасини шакллантирмаган корхоналар фаолиятини бундан кейин давом эттиришнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида солиқ органининг тақдимномасини ёки махсус комиссиянинг хулосасини олгандан сўнг қандай ҳаракатни амалга оширади?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги "Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида"ги 327-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 3.1-бандига асосан рўйхатдан ўтказувчи орган молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) қонунчиликда белгиланган муддатда ўз устав жамғармасини шакллантирмаган корхоналар фаолиятини бундан кейин давом эттиришнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида солиқ органининг тақдимномасини ёки махсус комиссиянинг хулосасини олган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда муассисларга (қатнашчиларга) асосларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда, корхонани ихтиёрий тугатишни таклиф этиши лозим.

**73-савол: Корхонага ихтиёрий тугатиш таклиф этилгандан сўнг корхона томонидан қанча муддатда ихтиёрий тугатиш юзасидан рўйхатдан ўтказувчи орган мурожаат қилиши керак?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги "Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида"ги 327-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 3.1-бандига асосан корхоналар икки ҳафта муддатда (акциядорлик жамияти – бир ой муддатда) ихтиёрий тугатишга киритиш бўйича мурожаат қилиши лозим.

**74-савол: Муассислари бедарак бўлган корхоналарни тугатиш жараёни тугаллангандан сўнг муассисларга тегишли бўлган мол-мулк қандай тартибда сақланади?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги "Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида"ги 327-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 5.4-бандига асосан корхонани тугатиш жараёни тугаллангандан сўнг қолган мол-мулк тегишли орган (Фуқаролик кодексининг 191-моддасига асосан кўчмас мол-мулкни давлат рўйхатига олувчи орган) томонидан эгасиз мол-мулк сифатида ҳисобга олинади.

Тугатиш жараёни тугаллангандан сўнг қолган пул маблағлари мавжуд бўлган тақдирда махсус комиссия улар ҳисобига мол-мулк сақланишини ташкил қилади. Сақлаш муддати тугатиш жараёни тугаллангандан кейин уч йилдан ошмаслиги керак.

**75-савол: Махсус комиссия тугатилаётган корхонани юридик шахсларнинг давлат реестридан чиқариш учун рўйхатдан ўтказувчи органга қандай ҳужжатлар топшириши керак?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги "Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида"ги 327-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 3.11-бандига асосан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, банк муассасасининг тугатиш ҳисобварағи ёпилганлигини тасдиқловчи маълумотномаси, махсус комиссиянинг тугатиш балансини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори, солиқ инспекцияси томонидан тасдиқланган тугатиш балансини

илова қилган ҳолда, солиқ органининг бюджетдан ва бюджетдан ташқари жамғармалардан қарзларнинг мавжуд эмаслиги ёки уларнинг ҳисобдан чиқарилганлиги тўғрисидаги маълумотномаси ва корхонанинг ҳужжатлари Давлат архивига топширилганлигини тасдиқловчи маълумотномасини тақдим қилади.

**76-савол: Махсус комиссия томонидан корхонани тугатиш ҳужжатлари тўлиқ пакети рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим қилинганидан сўнг қанча муддатда давлат реестридан чиқарилади?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги “Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида”ги 327-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 3.12-бандига асосан махсус комиссия томонидан корхонани тугатиш ҳужжатлари тўлиқ пакети рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим қилинганидан сўнг, уч кун муддатда давлат реестридан чиқарилади.




## LexUZ тизими нима?

**LexUZ тизими** – ҳуқуқий ахборот тизими бўлиб, норматив-ҳуқуқий ва қонунчиликнинг бошқа ҳужжатларидан электрон кўринишда фойдаланиш имкониятини беради.

LexUZ тизимининг мақсади аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, қонунчилик ҳужжатларидан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такромиллаштиришдан иборат.

## LexUZ тизими афзалликлари

**Мобиллик.** LexUZ тизимидан дунёнинг исталган жойидан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун фақат компьютер (ёки бошқа ускуналар) ва Интернет тизими керак бўлади.

**Қулайлик.** Бошқа мавжуд дастурларни доимо янгилаб бориш лозим, бу эса фойдаланувчилардан қўшимча вақт талаб қилади ва ўз навбатида ҳужжатларнинг назорат ҳолатини таъминлаш муаммосини келтириб чиқади. LexUZ тизимидан фойдаланувчи бу ҳақда бош қотиришга ҳожат йўқ.

**Ишончлилик.** LexUZ тизими ДАвлат ахборот тизимидир ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасарруф этилади ҳамда тизимга маълумотлар фақат расмий манбалардан киритилиши ишончлиликни таъминлайди.

**Бепуллик.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан кенг фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 340-сонли қарорига асосан 2010 йил 1 январдан бошлаб барча фойдаланувчиларнинг Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан текин фойдаланиши белгиланган.

### Тизимда қуйидагилар мавжуд

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
- Ўзбекистон Республикасининг кодекс ва қонунлари;
- Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари;
- идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;
- маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари;
- Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг, Олий суди ва Олий хўжалик суди Пленумларининг қарорлари;
- норматив-техник ҳужжатлар (стандартлар, санитария нормалари, қоидалари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва бошқалар).

## МУНДАРИЖА

Кириш .......... 3

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Кўчирма) .......... 9

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4725-сон Фармони .......... 10

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги “Тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2412-сон қарори .......... 16

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 14 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 28 сентябрдаги ПҚ–2412-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 358-сон қарори .......... 25

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ–391-сонли Қонуни тушунчаси .......... 54

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (Кўчирма) .......... 55

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (Кўчирма) .......... 59

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2015 йил 28 сентябрдаги ПҚ–2412-сон қарорига
асосан фақат “ягона дарча” марказлари орқали
амалга ошириладиган 16 та турдаги
давлат хизматларини тартибга солувчи
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Рўйхати .................................... 63

Давлат хизматлари кўрсатишда
қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига
Махсус хабар юбориш тартиби ............................................... 67

“Ягона дарча” марказлари фаолиятини мустаҳкамлаш
юзасидан белгиланган тартибда таклифлар,
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини
ишлаб чиқиш ва киритиш Тартиби ......................................... 71

“Ягона дарча” марказлари фаолиятини мустаҳкамлаш
ва давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида
тарғибот тадбирларини олиб бориш Тартиби .......................... 72

“Ягона дарча” марказлари ҳамда давлат хизматларини
кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотларда
ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича Талаблар .............. 73

“Ягона дарча” маркази директори ва марказ бўлим
бошлиқларининг Мансаб йўриқномалари ................................ 85

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ва уларни тугатиш соҳасига оид
савол-жавоблар ...................................................................... 134

Lex.UZ тизими ......................................................................... 172

**ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА**
**“ЯГОНА ДАРЧА” ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ДАВЛАТ**
**ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТУВЧИ ЯГОНА МАРКАЗЛАР**
**ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УЛАР ОРҚАЛИ**
**ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШГА ОИД**
**Қ Ў Л Л А Н М А**

*Ўзбек тилида*

Муҳаррирлар: *А. Омонов,*
*Г. Ортиқхўжаева,*
Техник муҳаррир: *А. Аҳмедов*
Саҳифаловчи
ва дизайнер: *Ш. Расулов*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги
«Адолат» нашриёти. Нашр. лиц. AI № 228, 16.11.2012.
100192, Тошкент шаҳри, Буюк ипак йўли кўчаси, 69-уй.
Телефонлар: 0 (371) 268-28-56, 268-28-57.
Веб сайт: www.adolatnashr.uz
e-mail: info@adolatnashr.uz

Босишга рухсат этилди 08.04.2016 й.
Қоғоз бичими 84x108 $^1/_{32}$. «AntiquaUz» гарнитураси.
Офсет усулида чоп этилди. Шартли босма табоғи 5,5.
Нашриёт ҳисоб табоғи 13,5. Адади 500 нусха.
-буюртма. Нархи шартнома асосида.

**«Print Line Group» хусусий корхонаси**
**босмахонасида чоп этилди.**
**Бунёдкор шоҳ кўчаси, 44-уй.**